

446

Ўттиз саккизинчи йил чиқиши  
Робиулаввал 1445ҳ  
Октябрь 2023м



Кенг кўламли,  
фикрий, сақофий журнал

# Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Росули акрам таваллудлари муносабати билан:  
Исломга қарши олиб борилаётган ушбу очикдан-очик ҳу-  
жум ва Росулulloҳ ﷺ га қилинаётган такрор ва такрор ҳақорат-  
ларнинг ортида алоҳида шахслар эмас, Ғарб давлатлари турибди...  
Бундан мақсад, Ислом ва Росулulloҳ ﷺ нинг ҳаётини бузиб кўрсатиш  
ва рошид Халифалик давлати тикланишини олдини олишдир

Иброҳимий дин...  
ва Шайтон сиёсати

31

Уламолар ҳал қилувчи ролни  
ўйнайдиларми? (2)

35

Моди Ҳиндистон номини Бхарат деб  
номлашга ва 1947 йилги чегаралардан  
озод бўлишга уринмоқда

75

Муносабатларни нормаллаштириш  
келишувлари (Иброҳим кели-  
шувлари) ҳамда Яқин Шарқдаги  
Стратегик Иттифоқ... Халқа-  
қаро рақобат

Исроил минтақадаги  
асосий ўйинчи (2)

11



446

Ўттиз саккизинчи  
йил чиқиши  
Робиулаввал 1445х  
Октябр 2023м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Росули ақрам таваллудлари муносабати билан: Исломга қарши олиб борилаётган ушбу очикдан-очик ҳужум ва Росулulloҳ ﷺ га қилинаётган такрор ва такрор ҳақоратларнинг ортида алоҳида шахслар эмас, Ғарб давлатлари турибди... Бундан мақсад, Ислом ва Росулulloҳ ﷺ нинг ҳаётини бузиб кўрсатиш ва рошид Халифалик давлати тикланишини олдини олишдир ..... 3
- Муносабатларни нормаллаштириш келишувлари (Иброҳим келишувлари) ҳамда Яқин Шарқдаги стратегик иттифок... Халқаро рақобат Исроил минтақадаги асосий ўйинчи (2) ..... 10
- Халифалик давридаги ҳизбий фаолиятни тасаввур қилиш... Ҳизб ут-Таҳрир ва унинг аъзолари Аллоҳнинг розилигига ва охиратдаги улуг ажрга эришишлари учун адо этиши лозим бўлган омонат ..... 15
- Иброҳимий дин... ва Шайтон сиёсати ..... 24
- Уламолар ҳал қилувчи ролни ўйнайдиларми? (2) ..... 34
- **Олам мусулмонлари хабарлари** ..... 62
- **Қуръони Карим суҳбатида** ..... 68
- **Жаннат боғлари:** Дунёдан охиратни афзал билиш ..... 77
- Абдуллоҳ ибн Муборак ..... 82
- **Сўнги сўз:** Модии Ҳиндистон номини Бхарат деб номлашга ва 1947 йилги чегаралардан озод бўлишга уринмоқда ..... 87
- Хитой «бир бутун халқ» стратегиясини амалга ошира оладими?! ..... 88

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**РОСУЛИ АКРАМ ТАВАЛЛУДЛАРИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН:  
ИСЛОМГА ҚАРШИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН УШБУ  
ОЧИҚДАН-ОЧИҚ ХУЖУМ ВА РОСУЛУЛЛОХ ﷺ ГА  
ҚИЛИНАЁТГАН ТАКРОР ВА ТАКРОР ҲАҚОРАТЛАРНИНГ  
ОРТИДА АЛОҲИДА ШАХСЛАР ЭМАС, ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИ  
ТУРИБДИ...**

**БУНДАН МАҚСАД, ИСЛОМ ВА РОСУЛУЛЛОХ ﷺ НИНГ  
ҲАЁТИНИ БУЗИБ КЎРСАТИШ ВА РОШИД ХАЛИФАЛИК  
ДАВЛАТИ ТИКЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДИР**

Бу йил ҳам Росулulloх ﷺ нинг таваллудлари нишонланаётган экан, мусулмонларнинг хаёлига биринчи бўлиб келадиган нарса Исломга, Росулulloхга, Қуръони каримга, у кишининг саҳобаларига, таълимотига ва ундаги барча нарсаларга қарши қилинаётган шафқатсиз ва очиқдан-очиқ глобал ҳужумлар... Глобал разведка доираларининг ёпиқ хоналарида режалаштирилаётган бу ҳужумларнинг сабаби нима? Нега бу ҳужум бундай суратда бўлмоқда ва унга муфаккир, сиёсатчи ва ахборот воситаларидан иборат малайлар жалб қилинмоқда? Ҳатто мусулмонлар бундай шиддатли ҳужум ортида Ғарб турганини ва у Исломдан ўзига бўладиган хавфдан қаттиқ кўрқаётганини сезмоқдалар...

Ҳа, шундай. Америка ва у билан бирга кофир капиталистик Ғарб Исломнинг сиёсий ақидага, ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарга, Ғарб қонунчилиги билан рақобатлашадиган шариатга эга бўлган ҳамда татбиқ қилишга яроқли ва капитализм олиб келган қийинчилик ва инқирозлардан одамларни чиқарадиган мабдаий дин сифатидаги хатарини сезмоқда... Демак, мусулмонларнинг динларига қарши олиб борилаётган ҳужумларнинг сабаби ҳазоратлар тўқнашуви, қийматлар тўқнашуви ва дунё етакчилиги учун фикрий тўқнашув экан. Ким Қуръонни ёки ёки Росулulloх ﷺ ни ҳақорат қилиш кампанияси ортида бахтсиз аҳмоқ кишилар турибди деб ўйласа, адашади. Чунки бу ҳужумлар ортида разведка идоралари ҳамда тадқиқот ва режалаштириш марказлари турибди... Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, бу ҳозирги кунда

дунёдаги биринчи давлат мавқеини эгаллаш устида бўлаётган халқаро кураш доирасига киради. Ислом бу курашга ҳали ўз давлати барпо бўлмасидан олдин кирди. Исломга қилинган ҳужум, инша Аллоҳ, рошид Халифалик давлати барпо бўлишининг дебочасидир.

Америка Исломни Совет Иттифоқи қулаганидан кейин ўзига ва ўзининг етакчилигига нисбатан ягона ҳазорий рақобатчи сифатида белгилади. Бунинг сабаби дунёда Исломдан бошқа Америка мафкураси билан рақобатлашадиган бирорта мафқуранинг йўқлиги ҳамда мусулмонларнинг Исломни асл йўлига қайтариш учун бор кучи билан ҳаракат қилишаётгани ва уларнинг юксалиш ҳолатида эканликларидир. Бир вақтнинг ўзида, Американинг атрофидаги капиталистик тафаккурга эга бўлганлар эса ҳазорий таназзул ҳолатида ва қулаши кутилмоқда... Бу жинойт ҳужумда Америка ўзини Ислом билан профилактик (олдини олувчи) урушга киришяпман деб ҳисоблайди. Бошқача айтганда, Халифалик давлати тикланишини олдини олишга ҳаракат қиляпман деб ҳисоблайди... Шундай экан, мусулмонлар бугун воқени яхши англаши, ушбу ҳужумларнинг ҳақиқатини билиши, Исломни ҳаёт воқесига олиб келиш учун кўпроқ қатъият билан унга қарши курашишга ҳаракат қилишлари ва бу ҳужумларни фақат чекланган индивидуал ҳужум сифатида кўрмаслиги керак.

Бугун мусулмон ўзларининг дини бошқарув ва шарият, даъват ва жиҳод дини эканини, Аллоҳ Таоло ўз Росулини ҳидоят ва ҳақ дин билан юбориб, ҳатто мушриклар ёмон кўрсалар ҳам, уни бошқа барча динлардан устун қилиш учун юборганини билиши керак... Бугун мусулмонлар Американинг мусулмон юртларни босиб олиши, Исломга қарши «терроризмга қарши кураш» номи остида глобал уруш олиб бориши, Куръони Каримга қарши ҳужум қилиши, Росулulloҳ ﷺни ҳақорат қилиши, пайғамбаримиз суннати ҳақида ва суннатни девон қилган уламолар ҳақида шубҳа уйғотиши ҳамда ўтмишда бўлган фитналарни қайта кўзғаши, буларнинг барчаси Исломнинг обрўсини тушириш, уни халқаро кураш майдонидан узоқлаштириш ва уни ҳукуматга келишини олдини олиш учун амалга оширилаётганини билишлари керак... Бугун мусулмонлар пайғамбаримизнинг таваллуд айёмига мана шу мантиқдан ва мана шу назардан келиб чиқиб қарашлари керак.

Ким бу ҳужумларни диққат билан ўрганадиган бўлса, улар Ислом таянчларини ўзгартиришга ва йўқ қилишга қаратилганини гувоҳи бўлади: Унинг Аллоҳ Таоло махлуқотларни яратган яратувчи ва уларни ўзига ибодат қилиш учун яратган, унга ибодат

қилиш ҳаётнинг барча соҳаларида унга итоат қилишни тақозо этади, бу эса Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритишни, уни татбиқ қилишни, ҳаёт ишларини бошқаришни ҳамда даъват ва жиҳод орқали уни тарқатишни тақозо этади, деган ақидасини ўзгартиришга қаратилганини кўради. Шунингдек, улар Қуръонни ўзгартиришга қаратилганини ҳамда бу иш унинг бошқарув ва жиҳодга чақирадиган, яҳудийларни қоралайдиган ва одамларнинг бир-бирлари билан муносабатларини тартибга солиш ҳақида гапирадиган кўплаб матнларини ўчириш орқали амалга ошириш билан бўлишини кўради... Айрим бадбахтлар томонидан Қуръон ёқиш амалиётлари содир этилаётганининг сабаби улар Қуръон таълимотларини ўзлари учун хавфли деб билишаётганидир. Ғарб давлатларининг Қуръон ёқаётган кимсаларни фикр эркинлиги ниқоби остида ҳимоя қилаётгани ва Қуръон ёқилишини олдини олишга уринаётганларни ҳибсга олаётгани сабаби эса, ўзларининг яширин ва ифлос режаларини амалга ошириш ҳамда бу қилмишларга ўз фуқаролари билан бирга ушбу давлатларнинг ҳам аралашганидир. Росулulloҳ ﷺ ни ҳақорат қилишларига келсак, ғарблик кофирлар мусулмонларнинг ўз росулларига қанчалик ишонишларини ва у зотга қанчалик боғланиб қолишганини кўришяпти. Шунингдек, у зот уларнинг ҳаётидаги етакчи эканлигини, унинг таълимоти уларнинг ҳаётида тириклигини, унинг ҳадислари улар учун диққатга сазоворлигини, ҳадис ҳам Қуръон билан баробар уларнинг ҳаёт дастури эканлигини билишяпти. Шунинг учун улар Росулulloҳни ҳамда диққат билан ҳадис ривоят қилган саҳобаларни ҳақорат қилишмоқда. Улар ҳадисларни жамлаган, тартиблаштирган ҳамда нақл қилиш бўйича энг юксак илмлардан ҳисобланадиган журҳ ва таъдил илмини яратган уламоларни ҳақорат қилишади...

Буларнинг барчаси Исломи таг-туғи билан ўзгартириш учун олиб борилади... Улар шу билангина чекланиб қолмадилар, балки, сохта Халифаликни пайдо қилиш орқали Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритишни қоралашга ўтдилар. Ҳатто мусулмонлар Халифаликни талаб қилмасин ва бутун дунё Иломга салбий назар билан қарасин. Бундан ташқари, улар мусулмонларни бўлиш, яхлитлигига раҳна солиш ва ўрталарида нафрат уйғотиш учун мазҳаблар аро ирқий ва миллий низоларни кўзгата бошладилар... Улар озчилик тушунчасини янгидан кўзгаб, бу сафар ғайриисломий озчиликлар қаторига исломий озчиликни ҳам қўшдилар... Бу Ғарбнинг турли ҳийлалар билан Иломга қарши қилаётган кураши бўлиб, ундаги энг кўзга кўринган жиҳати

ҳазорий курашдир... Эслатиб ўтиш лозимки, Ғарб бу ҳийлаларни давлат сифатида амалга оширмакда. Ғарб ўз мақсадини амалга ошириш учун разведка идоралари ва ахборот воситаларини ишга солмакда. Бу курашда у ёрдам олаётган энг муҳим тараф бу мусулмонларнинг малай ҳукмдорлари бўлиб, улар бўлаётган ҳодисаларга жим қараб турибдилар. Бу ҳукмдорлар мазкур йўналишни қўллаб-қувватлаётган давлатларга қарши бирор чора кўрмаптилар, балки мусулмонларга фақат нафас олишгагина руҳсат бермакдалар. Ваҳоланки ўша давлатларга қарши уруш эълон қилишга олиб борадиган чоралар кўрилиши керак эди. Чунки бу мусулмонларнинг энг муқаддас ишларига дахлдордир. Бу ишда биз Султон Абдулҳамид иккинчи роҳимаҳуллоҳнинг Росулulloҳ ﷺ билан боғлиқ спектаклни тақиқлашидан яхши ибрат олишимиз керак. Бу спектакл Францияда намоиш этилиб, бошқа Европа давлатларига ҳам гастрол қилиниши кўзда тутилган эди. Султоннинг жиддий таҳдиди остида улар тўхтаб, итоат қилишди... Бу нарса ушбу ифлос услуб насроний Ғарб давлатларининг сиёсати эканлигига ва у ёлгон ва тухматга асосланганига далолат қилади.

**Аммо Ғарбнинг Ислом ва Қуръонга қарши ҳужуми,** Росулulloҳни ҳақорат қилиши ва ҳижобга қарши кураши ҳақидаги расмий позициясига келсак, улар очик ва кўп бўлиб, улардан баъзиларини мисол тариқасида келтирамиз:

– 2007 йилнинг ёзида АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Жорж Буш Оқ уй офисида Исломга қарши ҳужумлари билан танилган ўнта консерватив америкалик телерадио мухбирлар билан учрашди. Учрашувда аввалроқ «Ислом оламида кенг тарқалган зўравонлик, қон тўкиш, даҳшат, қашшоқлик ва жирканч хатти-ҳаракатлар Исломнинг ўзидаги баъзи муаммоларга асосланганини таъкидлаб, бу «ибтидоий» дин», деб таърифлаган Майкл Медвед иштирок этди. Шунингдек, унинг энг кўзга кўринган иштирокчиларидан бири Ислом ва мусулмонларга душманчилиги билан машҳур бўлган телебошловчи Нил Бортс бўлди. Ушбу учрашувдан бир неча кун ўтгач, у ўзи тақдим этган радио дастурида мусулмонларга нисбатан жуда тажовузкор ҳужум қилиб, мусулмонларни «Сувараклардир», чунки улар кундузи оч юриб, тунда овқатланишади, деб сифатлади.

– Бундан аввалроқ эса Исломни «Европа ва Ғарб оламида тарқалаётган қотил вирус» деб атаган ва «Биз унга қарши курашиш учун зудлик билан вакцина ишлаб чиқишимиз керак», деб қўшимча қилган эди.

– Франция президенти Макрон Исломга қарши тўхтовсиз ҳужум қилар экан, уни инқироз дини деб сифатлайди. Унинг ички ишлар вазири эса Суннатни террор деб таърифлайди. Макрон ҳижобга қаттиқ қаршилик қилади, собиқ президент Саркози ички ишлар вазири бўлиб турган пайтда ҳижобга қарши курашиб, уни кийишни жиноят деб ҳисоблайдиган қонунларни чиқарган эди.

– Британия қироличаси Элизабет иккинчи 2007 йил 16 июнда ўзининг эришган ютуқлари учун бир гуруҳ шахсларга медаллар топширган йиллик мукофоти доирасида Исломга ўта ҳақоратомуз бўлган «Шайтоний оятлар» номли китоб муаллифи Салмон Рушдийни сер унвонига сазовор бўлган рицар деб эълон қилди.

– 2010 йилнинг ёзида Германия канцлери Ангела Меркел Берлинда оммавий ахборот воситаларига бағишланган халқаро симпозиум якунида пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ ни ҳақоратловчи карикатуралар муаллифи даниялик rassom Курт Вестергарга матбуот эркинлиги мукофотини топширди. У мукофотни топширар экан, Вестергарнинг вазифаси расм чизишдир, Европа карикатурачига шунга ўхшаш нарсаларни чизишга рухсат берадиган жой эканини таъкидлади.

– 2005 йил Дания қироличаси Маргарет иккинчи журналист Аннелиес Биструб томонидан ёзилган «Маргарет» номли хотиралар китобини нашр этди. Унда «Ислом кўзгаётган муаммони маҳаллий ва глобал даражада жиддий қабул қилиш» зарурлигини айтди.

– 2006 йил 12 сентябрда Германиянинг Регенсбург университетида ўқиган маърузасида Рим папаси Бенедикт ўн олтинчи Британия императорига мансуб матнни келтирди. Унда у мусулмон суҳбатдошига бундай дейди: «Менга Муҳаммад олиб келган нарсалар ичида ёвуз ва ғайриинсоний бўлмаган бирор янги нарсани кўрсатингчи, кўрсатолмайсиз. Динини фақат қилич ёрдамида тарғиб қилганини кўрасиз». Папа буни келтирар экан, император билан ҳам фикр экани кўриниб турди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, Ғарбдаги Исломга қарши бу каби расмий ва норасмий ҳужумларга қарши мусулмон юртларидаги режимлар ҳеч қандай расмий жавоб қайтаришмаяпти. Чунки уларда мардлик деган нарса топилмайди. Улар дину ҳуқуқни зое кетказишган бўлиб, ушбу ҳужумларни ҳатто кўрмагандек ўтказиб юборишяпти.

**Хўш, мусулмонлар бу қасддан қилинган пасткаш ҳужумга қандай қарашлари керак?**

– Мусулмонлар, уларнинг зиёлилари, онгли кишилари ва хусусан уламоларидан бошлаб барча тоифалари бу мабдаий сиёсий позицияга Парвардигори, дини ва Уммати олдида масъулият билан муносабатда бўлишлари керак. Шунингдек, улар Исломга ва Халифаликни барпо қилиш лойиҳасига қарши бу ғаразли кампания ортида турган, унинг устида турли тадқиқотлар ўтказаетган, режалар тузаётган ва конференциялар ўтказаетган Америка бошчилигидаги Ғарб эканлигидан, хусусан узоқ тарих давомида Исломга қарши курашиб, унга қарши фитна уюштирган Британия, Франция ва Германия давлатлари эканлигидан огоҳ бўлишлари керак... Бу ҳужумлар фақат шахслар, халқаро ташкилотлар ва ноҳукумат ташкилотлар томонидан бўлмапти. Чунки улар Ғарб давлатлари элчихоналари қўлидаги воситалардан бошқа нарса эмас.

– Улар Ғарб билан Ислом ўртасидаги кураш мабдаий ҳазорий кураш эканлигини ва унга фақат Халифалик давлатигина қарши тура олишидан хабардор бўлишлари лозим.

– Мусулмонлар Ғарб қўзғатаётган мазҳаблараро, ирқий, миллий ва ватанпарварлик низолари Ислом ва мусулмонларни заифлаштириш учун эканлигини эътибордан қочирмасликлари керак. Шунингдек, суннийлар асосий тоифадир, бошқа исломий тоифалар эса озчилик деган эътибор билан озчилик тушунчасини тарқатишдан мақсад мусулмонларнинг ички жабҳасини бўлиб, бирлаша олмайдиган аҳволга келтириш эканидан огоҳ бўлишлари керак... Халқаро қонунларга мувофиқ қабул қилишаётган ва уларни ҳимоя қилиш учун аралашаётган мусулмон бўлмаган озчиликлар ўйини ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Чунки бу нарса Исломий давлатнинг сўнгги кунлари Усманийлар даврида бўлиб ўтган. Ўшанда бу Шарқий масала ва Болқон масаласи деб аталган эди. Унда Европа давлатлари Шарқдаги масиҳий озчилик ва Ғарбдаги яъни Болқон юртларидаги масиҳий озчиликни ҳимоя қилишни даъво қилишган эди.

– Ғарб мусулмонларнинг Роббимиз, имонимиз, ҳаёт қонунимиз, лойиҳамиз, вазифамиз, ҳаёт ва охиратдаги мақсадларимиз битта, муаммоларни ечишдаги позициямиз ҳам битта деган тушунча-эътиқодда эканликларини яхши билган ҳолда, уларни тарқоқ ва бир-бирларига қарши курашадиган зиддиятли уммат деган нарсани кенг ёйишга ҳаракат қилаётганини мусулмонлар англамоқлари лозим... Ғарб қарийб юз йил аввал Исломий давлатни қулатганидан бери тўхтатмаган давом

этираётган барча уринишларига қарамай, мусулмонлардаги бу ҳолатни на ўзгартира олди ва на йўқота олди.

**Хўш, мусулмонлар бу шиддатли ҳужумларни қандай тўхтатишлари ва ҳужумчиларга қандай жавоб қайтаришлари керак?**

– Мусулмонлар, энг аввало, ўз динини маҳкам тутса, кучли бўлишлари, ундан воз кечиб, ортга чекинса заиф ва хор бўлишлари ҳақидаги мантиқдан келиб чиққан ҳолда иш бошлашлари керак. Шунингдек, саййидимиз Умар رضي الله عنهнинг: «Биз Аллоҳ Ислому билан куч-қудратли қилган қавммиз, агар куч-қудратни Исломдан бошқасидан изласак, Аллоҳ бизни хор қилади» деган сўзларидан ибрат олишлари керак.

– Исломга қарши ушбу шиддатли ҳужумларга қарши фақат давлатлар кураша олади. Мусулмонларнинг ҳукмдорлари эса Ғарб пайдо қилган қуроллар экан, демак ушбу шиддатли ҳужумларда Ғарбга шерикдирлар. Бунга энг ёрқин далил уларнинг терроризмга қарши кураш номи остида Исломга қарши курашда Ғарб билан бирга иштирок этишаётганидир. Шунинг учун ғарблик кофирларга қарши курашда бугунги паст-расво ҳукмдорларга таяниб бўлмади, балки ўзгартириш жараёни биринчи бўлиб ўшалардан бошланиши керак.

– Бу шиддатли ҳужумларга қарши чиқиш ва уларга барҳам беришни фақат Исломий Халифалик давлатигина амалга ошира олади. Халифаликки, у нафақат бу иш, балки бундан бир неча баробар кўп ишларни амалга оширади. Яъни Халифалик уларга жиҳод ва даъват эшигини очади, шунда одамлар тўғри йўлни топиб, тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига киради... Биз билан уларнинг ўртасидаги фарққа бир қаранг, улар бизни адаштириш ва йўлдан оздиришни хоҳлашмоқда, биз эса уларни имонли ва ҳидоятли бўлишини хоҳляпмиз...

– Мусулмонлар Халифалик давлатини тиклашга ҳаракат қилишлари керак. Чунки Аллоҳ Таоло уни Исломнинг бир қисми қилди, у орқали Ислому аҳкомлари татбиқ қилинади, мусулмонларнинг бутунлиги сақланади, у билан Ислому ҳидояти ер юзига тарқалади ва ҳамма Аллоҳнинг динига киради, у билан Ислому неъматини тугалланади ва дин камол топади, у билан Ислому ва мусулмонларга ёмонликни хоҳлаётганларга чек қўйилади.

Исломуга қарши олиб борилаётган ушбу шиддатли кампанияга энг самарали жавоб, ўзимизга Қуръони каримни йўлбошчи қилишимиз ва Росулulloҳ ﷺни ушбу қарши курашда ибрат ва етакчи қилишимиздир. Шунингдек, у зотнинг сийратларини

Ўзимизга тариқат қилишимиздир... Бундан ташқари, мусулмонлардан бир жамоа ёки ҳизб Росулulloҳнинг биринчи Ислom давлатини қуришда юрган тариқати бўйича рошид Халифалик давлатини тиклашга ҳаракат қилишидир... Тўғри йўлга хидоят қилиш ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. □

**МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ  
КЕЛИШУВЛАРИ (ИБРОҲИМ КЕЛИШУВЛАРИ) ҲАМДА  
ЯҚИН ШАРҚДАГИ СТРАТЕГИК ИТТИФОҚ... ХАЛҚАРО  
РАҚОБАТ**

**ИСРОИЛ МИНТАҚАДАГИ АСОСИЙ ҶИЙНЧИ (2)**

**Наср Фаёз – Муборак Фаластин замини**

**Муносабатларни нормаллаштиришнинг турли соҳа ва шакллари:**

Тўрт давлат (Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Судан ва Марокаш) муносабатларни нормаллаштириш келишувини имзолади. Саудия Арабистони, Индонезия, Мавритания, Уммон, Жибути ва булардан бошқа (Исроил) билан мулоқот қилаётган, (Исроил) оммавий ахборот воситалари улар билан тез орада келишувга эришилиши ҳақида гапираётган давлатлар келишувни имзолаш арафасида турибди. (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш сиёсий, иқтисодий, сақофий ва ҳарбий соҳаларни, шунингдек, спорт, оммавий ахборот воситалари ва хавфсизлик соҳаларини қамраб олди. Охириги келишувлар катта хорижий сармояларни талаб қиладиган улкан лойиҳаларни очиб берди. Бу лойиҳалар минтақа бойликларини қуришиб битиради ҳамда унда иштирок этувчи давлатларни энергетика, саноат, технология, коммуникация, қишлоқ хўжалиги, туризм, йўллар ва булардан бошқа соҳалардаги улкан стратегик иқтисодий манфаатлар билан (Исроил)га боғлайди. Булар Американинг мақсадларини амалга оширишга ва (Исроил)ни минтақадаги асосий ҷиЙнчига айлантиришга қаратилган. (Исроил) сунъий интеллект технологиясини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, қайта тикланадиган энергия ва ҳарбий саноат соҳаларидаги технологик ечимлар каби бир қанча ишларни назорат қилиш, бу соҳаларда гегемонлик қилиб, доим устун бўлиб қолиш учун минтақани ўзига қарам қилишга уринмоқда.

Муносабатларни нормаллаштириш жараёни турли соҳа ва шакллари қамраб олди. Бунга мисоллар:

**Америка ҳомийлигида, шунингдек, яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш келишувининг чўқинтирилган отаси сифатида Бирлашган Араб Амирликлари иштирокида энергияни сувга алмаштириш бўйича имзоланган Иордания-(Исроил) келишуви...** (Исроил) энергетика вазирлиги икки давлат ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланганини маълум қилди. Унга кўра, Иордания (Исроил) учун 600 мегаватт қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқаради ва

(Исроил) Иордания учун 200 миллион куб метр шўр сувни чучук сувга айлантиради. Рейтер ахборот агентлиги берган хабарга кўра, (Исроил) энергетика вазири бундай дейди: «Ушбу англашув меморандумидан фақат Иордания ва (Исроил)гина эмас, балки бутун Яқин Шарқ аҳолиси фойда кўради. Бу – давлатлар иқлим инкирозига қарши курашишда қандай ҳамкорлик қилишлари борасида дунёга йўлланган номадир». (Ал-Жазира, 2021 йил 22 ноябр).

### **Техник ҳамкорлик, илмий ва космик тадқиқотлар:**

Сунъий интеллектга ихтисослашган Emirati 42 Group компанияси каби Бирлашган Араб Амирликларидаги компаниялар бу соҳада (Исроил)нинг новаторлик (кашшофлик) тажрибасидан фойдаланишга уринмоқда. Бу компания офис очиб, Covid-19 ва сунъий интеллект технологиясига алоқадор ечимларга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари ва қайта тикланадиган энергия соҳасидаги технологик ечимларга эътибор қаратишни режалаштирмоқда.

Янги пайдо бўлган Covid-19 вируси бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида Бирлашган Араб Амирликларининг илмий соҳаларга инвестиция киритишга ихтисослашган «Arkis» миллий инвестиция корпорацияси билан (Исроил)даги Вейцман номидаги илмий институтга қарашли «Тегга» гуруҳи ўртасида стратегик савдо ҳамкорлиги шартномаси имзоланди. Илғор технологиялар сектори 40 % улуши билан (Исроил)даги энг муҳим экспорт тармоқларидан бирини ташкил этади. Айни пайтда «Иброҳимий келишуви» бўйича (Исроил) ҳамкори бўлган Бирлашган Араб Амирликлари бу компанияларни жалб қилувчи энг кўзга кўринган араб давлатларидан бири ҳисобланади.

Бошқа томондан, муносабатларни нормаллаштириш келишуви курол тизимлари, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимлари ва космик технологияларни ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринни эгаллаган (Исроил) мудофаа саноати компанияларига, шунингдек, кибер мудофаа ва жосуслик билан шуғулланадиган компанияларга Бирлашган Араб Амирликлари бозорига интеграциялашиш имкониятини беради.

Форс кўрфазига назарини ҳисобга олганда (Исроил) банклари учун очилди. (Исроил) банклари тезда Бирлашган Араб Амирликлари банклари билан ҳамкорлик ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун шартномалар тузди. (Исроил)нинг «Bank Leumi» банки «First Abu Dhabi Bank» ва Бирлашган Араб Амирликларидаги энг йирик

«Emirates NBD Bank» билан иккита англашув меморандумини имзолади. (Исроил)даги энг йирик банк ташкилоти «Наро Alim Bank» ҳам «Emirates NBD» билан англашув меморандумини имзолади.

### **Туризм:**

Туризм соҳасида, юз минглаб (исроилликлар) араб юртларига кириши учун эшиклар очилди. АҚШ президенти Жо Байден Саудия Арабистонига ташриф буюганида Марокаш, Бирлашган Араб Амирликлари ва ҳатто Саудия Арабистони ҳаво кенгликларини очди. Қатар эса спорт дипломатиясидан фойдаланиб, муносабатларни нормаллаштириш доирасида, жаҳон чемпионати баҳонасида (исроилликларга) эшикни кенг очиб қўйди. Шу ўринда, туризм бўйича собиқ бош директор ва (Исроил) меҳмонхоналар бошқармаси раиси Мейри Де Шалитнинг «Бизнинг Мисрдаги туризмимиз (Исроил) хавфсизлиги учун ҳар қандай эрта огоҳлантириш мосламасидан кўра яхшироқдир», деб айтган сўзларини эслатиб ўтамыз.

### **Ҳарбий соҳада муносабатларнинг нормаллашуви:**

Бошқа томондан, муносабатларни нормаллаштириш келишуви курул тизимлари, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимлари ва космик технологияларни ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринни эгаллаган (Исроил) мудофаа саноати компанияларига, шунингдек, кибер мудофаа ва жосуслик билан шуғулланадиган компанияларга Бирлашган Араб Амирликлари бозорига интеграциялашиш имкониятини беради. Бунга мисоллар:

Арабий Жаҳид веб-сайтида 2023 йил 17 январда қуйидаги хабар берилган: «Марокаш ва (Исроил) икки томонлама ҳарбий ҳамкорликни кучайтиришга ва бу ҳамкорлик бошқа соҳаларни, хусусан, разведка, ҳаво мудофааси ва электрон уруш соҳаларини қамраб олиши учун уни кенгайтиришга келишиб олди. Бу ҳақда 16 ва 17 январ кунлари Марокаш пойтахти Рабат шаҳридаги зобитлар клубида бўлиб ўтган мудофаа соҳасидаги Марокаш-(Исроил) ҳамкорлигини кузатувчи қўмитанинг биринчи йиғилиши якунида маълум қилинди».

Қироллик бош қўмондонлигининг маълум қилишича, қироллик курулли кучлари бош инспектори Билхайр Форук билан (Исроил) вазирлиги қошидаги ҳарбий сиёсий ишлар бўлими директори Дроп Шалом раислик қилган ушбу учрашувда хавфсизлик ва икки томонлама ҳарбий ҳамкорликнинг турли соҳалари, хусусан, логистика, кадр тайёрлаш ва машғулотлар ўтказиш, шунингдек, курул-яроғларга эга бўлиш ва уларни модернизация қилиш

масалалари муҳокама қилинган. Марокаш армияси бош қўмондонлиги ўз баёнотида томонларнинг ушбу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва уни бошқа соҳалар, хусусан, разведка, ҳаво мудофааси ва электрон урушни қамраб олиш учун кенгайтиришга келишиб олганликларини эълон қилди. (Исроил) хабарларига кўра, Қизил денгизда унинг эркин ҳаракат қилиши (Исроил) стратегиясининг бир қисмидир. Бу унга Қизил денгиз устидан тўлиқ назорат ўрнатиш имконини беради. Бу эса навигация эркинлигига, айниқса, Миср ва Яман ундан фойда кўраётган денгиз савдосига таҳдид солади.

Американинг «American Herald Tribune» веб-сайти томонидан сиздирилган ҳужжатларда Қизил денгиздаги қўшма ҳарбий кучларни бошқариш бўйича сионист вужуд билан ўтказилган яширин машғулотларда қатнашган Саудия армияси қўмондонларининг номлари аввалроқ ошқор қилинган эди. Номлари веб-сайтда эълон қилинган юқори мартабали зобитлар қуйидагилардир: Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Заҳроний, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Робиъ ва Валид ибн Абдурраҳмон Абидий. Машғулот икки томон ўртасида 2014 йилда имзоланган ўзаро англашув меморандуми доирасида ўтказилган.

(Исроил)нинг «Маарив» газетаси берган хабарга кўра, (Исроил) ва Абу Даби амирлигининг ҳарбий соҳадаги алоқалари кучайиб бормоқда. Икки томон ўртасидаги қурол-яроғ савдолари фонида, (Исроил)нинг қурол ишлаб чиқарувчи «Al-Bayt Systems» компанияси Бирлашган Араб Амирликларида ўз бўлимини очган. (Исроил) компаниясининг изоҳлашича, унинг Бирлашган Араб Амирликларидаги бўлими Амирликлар армияси билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш устида ишламоқда. Шунингдек, у фойдаланувчилар учун технологик ечимларни мувофиқлаштириш жараёнини бошқаради ҳамда маҳаллий ҳамкорларга технологияларни етказиб беришга раҳбарлик қилади.

### **Хавфсизлик масалаларида муносабатларни нормаллаштириш ва разведка ҳамкорлиги:**

Саудия Арабистони билан (Исроил) ўртасидаги махфий ҳамкорлик ҳақида кўплаб хабарлар бор. Босқинчи (Исроил) армиясининг ўша пайтдаги қўмондони Гади Эйзенкот миллий хавфсизлик кенгаши собиқ раиси Меир Бен Шаббатнинг Саудия Арабистони валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад ибн Салмон билан учрашганини маълум қилган эди. Унинг айтишича, (Исроил) билан Саудия Арабистони ўртасида хавфсизлик ва разведка соҳасида муштарак манфаатларга асосланган ҳамкорлик бўлган. Уларнинг

ўртасидаги муштарак манфаатлар Эронга ва салафий исломий ҳаракатларга қарши туришда гавдаланади. (Қудсул Арабий).

Хавфсизлик масалалари бўйича эксперт ва Британия қирол коллежи академиги Андреас Крейги ўз мақоласида (исроиллик) экспертларнинг DarkMatter ва NSO Group каби Бирлашган Араб Амирликлари компанияларига кириб қўшилганини маълум қилади. Экспертлар орасида (Исроил) армиясининг 8200 бўлими фахрийлари бор. Истеъфодаги ёки нафақага чиққан ҳарбий масала ва хавфсизлик соҳаси бўйича экспертлар Бирлашган Араб Амирликларининг хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларида ишлаш учун тайинланган. Истеъфодаги (исроиллик) экспертлар Бирлашган Араб Амирликларида инструктор ва ёлланма аскар сифатида ишлай бошлаган.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, Моссаднинг собиқ директори Йосси Коэн муносабатларни нормаллаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида Моссад таркибида (Исроил) билан ўрнатилган муносабатларни бошқаришга ихтисослашган янги бўлимни ташкил қилган.

Халиж Онлайн веб-сайти иброний тилда чиқадиган «Едиот Ахронот» газетасидан олиб берган хабарда келишича, (Исроил) ташқи ишлар вазири Габи Ашкинази ташқи ишлар вазирлигидаги 20 йил давомида сохта паспорт билан кўрфаз давлатларида, Бирлашган Араб Амирликлари ва Баҳрайнда ишлаган 20 нафар дипломатни тақдирлаган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари Бирлашган Араб Амирликлари ва Баҳрайн билан тинчлик келишуви имзоланишига олиб келган. Газета (Исроил) ташқи ишлар вазирининг: «Кўрфазда яширин ишлаган ушбу йигирма нафар дипломат (Исроил) дипломатияси найзасининг учи бўлган», деган сўзларини келтиради.

### **Йирик иқтисодий лойиҳалар:**

(Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш ва бир қанча соҳаларда у билан ҳамкорлик қилишнинг хатари айни ҳамкорликдан кўзланган стратегик мақсадлар бўлиб, улар Америка ҳомийлигида ва ҳатто у билан тўлиқ ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Биз ушбу лойиҳаларнинг айримларини ёрқин мисол сифатида келтирамиз. Бу лойиҳалар минтақадаги энергия бозорларини ислоҳ қилиш, боғлаш ва изоляция қилишга, шунингдек, Хитой ва Россия сармояларига қийинчилик туғдиришга қаратилган. (Исроил), хусусан, энергия соҳасида Кўрфаз давлатлари билан бошқа давлатлар ўртасида, Европа билан Америка ва Канада ўртасида алоқа ҳалқасини ўрнатади ҳамда

йирик тижорий ва иқтисодий марказни ташкил этади. У қуйидаги тарзда иш олиб боради:

- (Исроил) портларини араб давлатлари портларига улаш. Кўрфаз давлатлари ва араб давлатлари билан, хусусан, энергетика соҳасида сармоявий ҳаракатга хизмат қилиш учун автомобил ва темир йўл тармоғини кенгайтириш.

- Сувайш каналини, шунингдек, Хурмуз бўғози ва Бобул Мандабни четлаб ўтиб, (Исроил) орқали Европа ва Шимолий Америкага энергия экспорт қилиш учун энергия хавфсизлигини кучайтириш баҳонасида бир нечта нефть қувурларини қайта тиклаш ва бошқа нефть қувурларини яратиш устида ишлаш.

### **Бундай лойиҳаларга мисоллар:**

#### **Ҳижоз темир йўлини қайта тиклаш:**

Ҳижоз темир йўли Усманий Халифа Абдулҳамид иккинчи роҳимаҳуллоҳ барпо қилган, Дамашқни Мадинаи Мунаввара билан боғлайдиган темир йўлдир. Уни барпо қилишдан мақсад Европа ва унинг мусулмон юртларга бўлган таъсирини қарши курашиш ҳамда Халифалик давлати бирлигини мустаҳкамлаб, душманларга қарши туриш эди. Лойиҳа ғояси Константинополни (Ислом шаҳри) Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара билан, шунингдек, Яман билан боғлаш эди. Бироқ, Халифа Абдулҳамид тахтдан ағдарилгани сабабли лойиҳанинг иккинчи босқичини якунига етказиш унга насиб этмади. Аммо биринчи босқичида ҳожиларнинг йўл сафари 40 кундан 3-4 кунга қисқартирилди. Лойиҳа доирасида 2666та кўприк ва сув чиқариш шаҳобчалари, 7та темир кўприк, 96та станция, 7та сув хавзаси, 37та сув омбори, 2та шифохона ва 3та устахона куриш кўзда тутилган эди.

Бугун (Исроил) ёвуз мақсадда уни қайта тиклаш устида ишламоқда. Темир йўлнинг Хайфадан Байт-Шаунгача бўлган қисми 2016 йилда қайта тикланди. Аммон ва Дамашқ ўртасидаги линия 2011 йилга қадар ишлаб келган. Ҳижоз темир йўлини қайта тиклаш «Тинчлик рельси (темир йўли)» деган янги ном остида уни Иордания, Саудия ва бошқа Кўрфаз давлатлари билан боғлашга қаратилган.

Уммон пойтахти Маскатда бўлиб ўтган халқаро транспорт конференциясида (Исроил)нинг собиқ транспорт вазири Исраэл Кац кўрфаз давлатларига ва бир қатор араб давлатларига кўрфаз давлатларини (Исроил) ва Иордания билан боғловчи «Тинчлик темир йўли» деб номланган темир йўл лойиҳасини таклиф қилди. (Исроил)нинг расмий радиоэшиттириш корпорацияси берган

хабарга кўра, Кац «Бу режа мантикий ҳамда сиёсий ва мафкуравий келишмовчиликлардан устун», деб айтган.

Шунингдек, 2021 йилда собиқ транспорт ва йўл хавфсизлиги вазири (нафақадаги) генерал Мири Регев «Кўрфаздан кўрфазгача» деган ном остидаги лойиҳани илгари суриб, бундай деди: «Ушбу улкан лойиҳа Яқин Шарқдаги минтақавий иқтисоднинг қиёфасини ўзгартиради ҳамда (Исроил)ни минтақадаги кўплаб давлатлар билан темир йўл орқали боғлайди ва бу темир йўл улар учун Ўрта ер денгизига олиб чиқувчи дарвоза бўлади. Бу муҳим иқтисодий хушxabар бўлиб, Яқин Шарқ давлатларини тенг муомала ва тинчликка асосланган иқтисодий куч ва барқарорлик оролига айлантиради. Бугун биз ҳақиқий минтақавий иқтисодий тинчлик пойдеворини яратмоқдамиз. Бош вазир Биньямин Нетаняху бошчилигидаги Иброҳим келишувлари бу қарашни амалга оширишнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Режанинг тасдиқланиши воқелик ҳақидаги тасаввурга эришиш ва минтақа қиёфасидаги тарихий ўзгаришнинг бошланишидир...».

Режа доирасида минтақалараро поезд линиясининг асосий қисми қурилади. Бу линия Хайфа кўрфазини Араб кўрфази билан Иордания ва Саудия Арабистони орқали боғлайди. Шунингдек, бу линия Байт Шаундаги поезд вокзалини (Исроил)-Иордания чегарасидаги Шайх Ҳусайн (Иордан дарёси) назорат пункти билан боғлайди. Лойиҳа (Исроил), Иордания ва Фаластин маъмурияти ўртасида юк ташиш имконини беради ва юк машиналари тирбандлигини сезиларли даражада камайтиради. Йўловчи поездлар тармоғи (Исроил) темир йўллари стратегик режасига мувофиқ 2040 йилга мўлжалланган. Лойиҳа Иордания ва Араб кўрфазидан келаётган юкларни Мигдал Ха-эмак поездларида тўғридан-тўғри (Исроил) портларига ташиш имконини беради. (Ал-Жазира, 2021 йил 2 март).

## **2 – Кўрфаз давлатлари ва бошқа давлатларни автомобил йўллари ва портлар орқали (Исроил) билан боғлаш:**

Лойиҳа Араб давлатлари ва (Исроил) портларини боғлаб, уларни ривожлантиришга ҳамда глобал бозорларга боғловчи, Сувайш каналига муқобил савдо йўли бўладиган кўприкни барпо қилишга қаратилган. Яман матбуот агентлиги 2020 йил 17 сентябрда берган хабарда шундай келади: Бирлашган Араб Амирликлари ва (Исроил) ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш келишуви Миср томони учун Кўрфаз нефтини ташишда Сувайш каналини четлаб ўтиш имконияти билан боғлиқ кўплаб хавотирларга сабаб бўлмоқда... Бирлашган Араб

Амирликларининг «Dubai Ports World» компанияси билан (Исроил)нинг «Dovertower» компанияси ўртасида юк ташиш ва порт фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича бир қанча шартномалар имзоланган. (Исроил) ҳукуматига қарашли «Катча» нефть компанияси ёқилғи ва нефть маҳсулотлари савдоси соҳасида ҳамкорлик қилиш йўлларини муҳокама қилиш мақсадида Кўрфаз давлатлари билан яширин алоқалар олиб бормоқда.

«(Исроил) кемасозлик компаниясининг таъкидлашича, ушбу ҳамкорлик (Бирлашган Араб Амирликлари-Исроил келишуви) портларнинг рақобатбардошлигини оширишга, харажатларни камайтиришга, халқаро савдо ва логистика учун илғор инфратузилмани яратишга ёрдам беради. Бу эса, Хайфа портини Яқин Шарқдаги асосий марказга айлантиради. Дунё бўйлаб портларни бошқарадиган «Dubai Ports» компанияси (Исроил)нинг "DoverTower" компанияси ўртасида бир қатор шартномалар имзолаган. Бу шартномалар Хайфа портини хусусийлаштириш иш бўйича қўшма таклифни ҳам ўз ичига олади. (Арабий Жаид, 2020 йил 29 сентябр).

«DP World Group»нинг бошқарув кенгаши раиси ва бош директори Султон Аҳмад ибн Сулайм (Исроил)нинг «Dovertower» компанияси билан учта ўзаро англашув меморандумини имзолади. «Dovertower» компаниянинг эгаси Шломи Фогел бўлиб, у (Исроил)нинг кемасозлик ва таъмирлаш заводларида ва Эйлат портида ҳам улушга эга. Ушбу ўзаро англашув меморандумлари ҳамкорлик соҳаларини қамраб олади. Шунингдек, энг қулай ва инновацион божхона амалиётини татбиқ қилиш орқали ҳар икки томоннинг хусусий муассасалари ўртасидаги савдони қулайлаштиришга Дубай божхонасининг ҳисса қўшишини ҳам ўз ичига олади.

«WAM» ахборот агентлиги берган хабарда келишича, Ибн Сулайм бундай дейди: «Бизнинг «DP World»даги вазифамиз глобал савдони таъминлашда гавдаланади. Бизнинг саъй-ҳаракатларимиз Бирлашган Араб Амирликлари ва (Исроил) ўртасида, шунингдек, бошқа давлатлар ўртасида савдо линияларини қуришга, минтақада бизнес юритишни осон ва самарали қилиш орқали мижозларимизни қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшади».

Ўз навбатида, (Исроил)да чиқадиган «Глобс» газетаси Тель-Авивнинг Абу-Дабига қилган таклифини ҳам фош этган. Ушбу таклиф (Исроил)ни Форс кўрфазидидаги араб давлатлари, жумладан, Саудия билан то (Исроил)нинг Ашкелон портигача етадиган

қуруқлик йўлаги орқали боғлашни ўз ичига олади. Бу сионист вужуд, «Арабий Жаид» веб-сайтига кўра, Эйлат-Ашкелон қувурини кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳамда ушбу Кўрфаз давлатларидаги нефть ва газ қувурларини (Исроил)га улашга ва буларнинг харажати Кўрфаз давлатлари сармоялари қопланишига умид қилмоқда. □

**ХАЛИФАЛИК ДАВРИДАГИ ҲИЗБИЙ ФАОЛИЯТНИ  
ТАСАВВУР ҚИЛИШ  
ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИ АЛЛОҲНИНГ  
РОЗИЛИГИГА ВА ОХИРАТДАГИ УЛУҒ АЖРГА  
ЭРИШИШЛАРИ УЧУН АДО ЭТИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН  
ОМОНАТ**

**Мурод Толиб**

Кўпчилик Халифалик соясидаги ҳизбий фаолиятни тасаввур қилишда адашади ва ҳизбий фаолиятни фақат ҳозирги тизимлардаги сиёсий партиялар модели орқали тасаввур қилишади. Уларнинг фикрича, Халифалик давридаги масала ҳозирги даврдаги партиявий фаолият манзарасидан унчалик фарқ қилмайди. Айниқса, сиёсий партия атамаси замонавий атама бўлиб, демократик партиялар дунёдаги энг қадимги партиялар ҳисобланар экан, қузатувчига сиёсий ҳаётда ҳизбий фаолиятнинг бошқа намунаси йўқдек туюлади.

Америка, Франция ва Британия каби қадимий демократик давлатларда фаолият юритаётган сиёсий партиялар кўзни камаштирадиган ялтироқ бўлиб кўринса-да, бироқ бу тизимлар соясидаги партия фаолиятининг воқелигига қараган киши тез орада капитализм давридаги партиялар ўша давлатлар асосланган мабададаги зиддиятларнинг аксидан бошқа нарса эмаслигини билиб олади.

Мавжуд тизимларда сиёсий партияларнинг ҳақиқий моделини яратиш мумкин эмас, буни тўртта асосий иш билан кўрсатишимиз мумкин:

**Биринчи:** Уларнинг сиёсий партияни таърифлашдаги муваффақиятсизлиги ва масалани ноаниқлик бурчагида қолдириши:

Самуэл Хантингтон каби кўплаб тадқиқотчилар сиёсий партияга таъриф беришдан қочиб, таъриф бериш ўрнига партиянинг сиёсий партия деб ҳисобланиши шартларини белгилашади. Партияга таъриф беришга уринганлар таърифдан кўра кўпроқ партия фаолиятини сифатлашга яқин бўлган ноаниқ ифодаларни келтиришади. Масалан, Жорж Пердю куйидагича таъриф беради: «Партия – муайян сиёсий ғояларга ишонадиган ҳамла шу ғоянинг ғалабаси ва рўёбга чиқиши учун ҳаракат қиладиган одамлар жамоасидир. Бу эса ғояни рўёбга чиқариш мумкин қадар кўпроқ одамларни шу ғоя атрофида бирлаштиришга, шунингдек, ҳокимиятга етишга ёки ҳеч бўлмаганда ҳукмрон ҳокимият қарорларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилиш орқали бўлади».

Сиёсий партияга таъриф бериш уринишларининг муваффақиятсизликка учрагани сиёсат ҳақидаги тушунчанинг аниқ таърифига келишиб олинмаганида кўринади. Яъни сиёсат давлатдаги ҳукмдорлар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларми ёки жамиятлар ва инсоний жамоалар учун қарор қабул қилиш усули ва тартибларими ёхуд мумкинотлар фаними?

**Иккинчи: Сиёсий партиялар пайдо бўлиши ва шаклланишига уларнинг қарашлари:**

Партияларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида энг кўзга кўринган омил, уларнинг фикрича, икки томон ўртасидаги тарихий зиддият (дуализм) назариясидир. Бу назарияга кўра, сиёсий партиянинг ташкил этилиши, албатта, унинг бир партия манфаатларини иккинчи партияга қарши ифодалаш учун тузилганини англатади. Шундай қилиб, сиёсий партиялар жамиятдаги бўлинишлар натижасида вужудга келади. Қарама-қаршилиқ дуализмига асосланиб, Дюверже дуч келиши мумкин бўлган бир қатор дуализмларни шундай таърифлайди: Сиёсий дуализм (монархияга қарши республика), ижтимоий дуализм (ишчилар буржуазияга қарши), диний дуализм (диндорлар илмонийларга қарши). Ушбу дуализмлар ўртасидаги зиддият натижасида гуруҳлар бирлашади ёки бўлинади ва янги партиялар пайдо бўлади. Бу тизимлардаги ҳақиқий сиёсий партиянинг жонли моделини пайдо қилишдаги муваффақиятсизлик даражасини билиш учун Европа ва Америкадаги партияларнинг воқелигига бир назар ташлаш ва уларнинг ўртасидаги зиддиятларга гувоҳ бўлиш кифоя қилди. Чунки ўша мамлакатлардаги жамиятларнинг парчаланиши ва бўлиниши, одамлар ҳаётининг дўзахга айланиши, айниқса Европада диний ва миллатчилик низоларининг кучайиши ҳамда Америкадаги нефть саноати ва технологик саноат ўртасидаги қарама-қаршилиқ фонида уларнинг сиёсий ҳаракатларининг таркибий қисмлари ўртасидаги доимий зиддият туфайли кучайиб борапти.

**Учинчиси: Сиёсий партияларнинг вазифаси**

Ғарб тадқиқотчилари сиёсий партияларнинг энг муҳим вазифаларини куйидаги нуқталарда белгилаганлар:

1 - Сиёсий ҳаётни фаоллаштириш. 2 – Жамоатчилик фикрини шакллантириш. 3 - Сиёсий етакчиликларни шакллантириш. 4 - Сиёсий барқарорликка эришиш.

Бир қарашда, бугунги кунда дунёда ҳукмрон Ғарб тизимларидаги сиёсий партиялар вазифасидаги бундай қизғин кўринишга алданиш мумкин. Аммо Ғарбдаги сиёсий партиялар

амалга ошираётган амалий вазифанинг ҳақиқатини ўрганиб чиқсангиз, сиёсий ҳаётни амалда жонлантириш - бу одамларни капиталистик синф манфаати учун олиб борилаётган сиёсатни қабул қилишга мажбурлаш ва сайловчиларни устингиздаги сиёсатларни танлаш сизларнинг ихтиёрингизда, деб алдаш эканлигини кўрасиз. Бу масала кенг жамоатчиликка шу даражада ошкор бўлдики, Ғарб халқлари орасида сиёсий фаолиятда қатнашишни истамаслик ва сайловларда қатнашишни истамаслик муҳим хусусиятга айланди.

Аммо жамоатчилик фикрини шакллантириш ва фуқароларни сиёсий муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича таклифлар ҳақида маълумот бериш нуқтаи назаридан, кузатувчи кўрадики, бу иш алдаш ва сайловолди ташвиқотидан нарига ўтмайди. Ғарбда ҳақиқатан ҳам ўз сайловчилари ва тарафдорлари манфаати учун ишлайдиган сиёсий партияларни топа олмайсиз. Аксинча, сиз бу партиялар партия ва унинг фаолиятини молиялаштирадиган капиталист тарафдорларини биринчи ўринга қўйишини кўрасиз.

Сиёсий етакчиликни шакллантиришга келсак, сайловларни сохталаштириш ва сайловчиларни алдаш амалиёти фонида ўсиб шаклланган етакчилик қандай етакчилик бўлиши мумкин?!

Сиёсий барқарорликни рўёбга чиқариш функциясига келсак, Ғарбдаги сиёсий ҳаётни кузатган ҳар бир киши сиёсий партиялар тарафдорлари ўртасида зиддият руҳи қанчалик кучлилигини ва жамиятнинг таркибий қисмлари ўртасида жарлик чуқурлигини кўради. Бу функциянинг қанчалик даҳшатли эканлигини кўриш учун миллатчилик, тоифачилик ва манфаатга асосланган партияларнинг таклифларига ҳамда партия издошларининг ўз партиялари дастурига этник, диний ёки ижтимоий даражада зид бўлган дастурлар таклиф этилишига қандай муносабатда бўлишларига, шунингдек, Ғарб мамлакатларидаги этник низо ва келишмовчиликлар саҳнасига қаранг.

**Тўртинчиси: Сиёсий плюрализм ғояси ва ҳокимиятнинг тинч йўл билан ўтказилиши:**

Улар бу ялтироқ ғояни демократик тизимларда бебаҳо гавҳар сифатида тарғиб этишади. Бу ғоя уларнинг тузумидаги ғурур ва ифтихор манбаи бўлиб, буни диктатура ва бир партиявий ҳукмронликдан йироқ деб таърифлайдилар.

Бу ғоянинг ялтироқлиги ва оддий одамларнинг онгига жозибадорлиги кучли бўлишига қарамай, Ғарбдаги, айниқса, йирик давлатлар ва қадимги демократик давлатлардаги сиёсий ҳаётнинг амалий жиҳати бу ғоя қай даражада қулагани ва барбод

бўлганини кўрсатиб турибди. Масалан, очик плюрализмни қўллаган Францияда кучли ва барқарор ҳукумат деярли йўқ. Президентлар парламент ишончини қозониш ва ҳукуматни шакллантириш учун овоз беришда кўпинча карама-қарши томонларни бирлаштирган коалицион ҳукуматларни тузишга мажбур бўлишлари натижасида ҳукуматларни шакллантириш жараёнида доимо қийинчиликка дуч келишади. Баъзида айримлар барқарор сиёсий ҳаёт учун идеал тизим икки партиявий тизим деб ўйлайди. Зеро, ҳокимиятга Британия ва Америкада бўлгани каби, икки йирик партиядаги рақобат орқали эришилади. Бу эса сайловчилардан кўпчилигини овозини олишга ва уларнинг қўллаб-қувватловига эришишга қодир, кучли ҳукуматлар ташкил этилишини таъминлайди. Тадқиқотчи бу давлатлар сиёсатини синчиклаб ўрганар экан, уларнинг сиёсий ҳаётида олиб борилаётган сиёсатларда ҳеч қандай ҳақиқий фарқни деярли кўрмайди. Ҳатто бу икки давлатдаги кўпчилик сиёсатчилар мамлакат сиёсий ҳаётида бўлаётган ишларни тасвирлаш учун «яширин ҳукумат» ва «чуқур давлат» (давлат ичидаги давлат) каби терминлардан фойдаланишади. Бу эса демократия ўйини ва икки партиявий тизимдаги партиялар ўртасида ҳокимиятни ўтказиб бериш ўйини халқнинг кучини ҳукмрон партия ортида тўплашга қаратилган ўйинга яқинроқ эканлигини кўрсатиб турибди. Шунда омма халқ уни сиёсий фаолиятда етакчи эканлигини ҳис қилади. Айни пайтда бу партиялар юртнинг ҳақиқий ҳукмдорлари яъни йирик капиталистларнинг манфаатидан бошқа нарсани шакллантирмайди. Дунёдаги энг қадимий партияларга эга эканлиги билан мақтанадиган Қўшма Штатлар ўз конституциясида сиёсий партиялар масаласини қайд этмагани жуда қизиқдир. Чунки таъсисчилар АҚШ сиёсатининг партиявий бўлишини дастлаб ўйлаб кўрмаганлар. Федералистларнинг 9 ва 10 сонли ҳужжатларида Александр Гемилтон ва Жеймс Мэдисонлар маҳаллий сиёсий фракцияларнинг хавф-хатарлари ҳақида аниқ қилиб ёзиб қўйишган. Шунингдек, АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон сайланган вақтда ва бутун президентлик фаолияти давомида ҳеч қандай сиёсий партия аъзоси бўлмаган. Бундан ташқари, сиёсий ҳаётининг сўнгги дамларигача низолардан кўрқиб сиёсий партияларнинг тузилмаслигига умид қилган. Бу наrsa унинг сиёсий ҳаётдан кетиши олдиан сўзлаган машҳур хайрлашув нутқининг энг кўзга кўринган нуқтаси эди. Бирок, Америкада икки партиявий тизимнинг бошланиши бевосита унинг доирасидан, яъни, охир-оқибат Гемилтон ва Мэдисонлар билан

тугаган доирадан келиб чиқди. Маълумки, булар ушбу ривожланаётган партия тизимининг асосий етакчилари бўлгунларига қадар, юқорида айтиб ўтилган сиёсий фракцияларга қарши федералистик ҳужжатларни ёзишган. Бу эса яқин ўтмишда жирканчли бўлган партиявий ҳаётнинг пайдо бўлиши учун шароит яратди.

Биз бугунги кунда дунёда мавжуд Ғарб тизимлари давридаги партиявий сиёсий ҳаётни қисқача тақдим этдик ва унинг барча характерларидаги фасод ва кўриниб турган қарама-қаршилигини баён қилдик. Келинг энди яқинда барпо этилажак Халифалик давридаги исломий сиёсий ҳаёт моделини Ғарб тизимларида кенг тарқалган плюрализм, оммавий вакиллик ва ҳокимиятни тинч йўл билан алмаштириш каби ялтироқ шиорлар, бекорчи ва ёлғон сарлавҳалардан узоқ ҳолда ёритиб берайлик. Чунки Ислом соясидаги сиёсий ва хизбий ҳаёт ваҳийдан олинган шаръий асосларга, шунингдек, ёрқин фикрлар, аниқ таърифлар ва шаръий нусуслардан олинган аниқ амалларга асосланади. Бу эса, Ислом буюклигини намоён этган сиёсий ҳаёт хусусиятларини аниқ тасвирлаш имконини беради.

Аввало, тадқиқот мавзуси билан боғлиқ аниқ таърифларни ўрганишимиз керак, шунда биз бу таърифлар орқали Исломдаги амалий сиёсий ҳаётнинг зехндаги суратини чизишимиз мумкин.

Сиёсат, бизнинг тушунишимизча, одамларнинг ишларини Ислом билан бошқаришдир. Аммо давлат Исломий Уммат қабул қилган қаноатлар, ўлчовлар ва тушунчалар тўпламини ижро қиладиган вужуддир. Ислом тушунчасидаги сиёсий муҳит ҳокимлар, раҳбарлар, одамларнинг ҳаёти ва яшашида салмоққа эга бўлганлар ҳамда сиёсат билан шуғулланувчи ҳар бир кишидир. Сиёсат билан шуғулланувчи кишилар ҳоким бўладими, ҳисобчи бўладими ёки ўзининг сиёсий қарашларини Ислом асосида тарқатишга ҳаракат қиляётган ва ҳокимият интиляётган кишиларми фарқи йўқ. Аммо сиёсий хизб-партия таърифи одамларнинг ишларини Ислом асосида бошқаришга интиляётган ҳар қандай уюшмадир. Бунда ушбу уюшма ҳокимиятда иштирок этиш орқали бошқарадими ёки муҳосаба орқалими фарқи йўқ.

Бир қарашда, тузилиши жиҳатидан содда бўлган бу таърифлар Исломий давлатдаги сиёсий фаолият ва сиёсий ҳаёт курашини энг кам ва минимал ҳаракатлар билан амалга оширса бўладигандек акс эттириши мумкин. Ҳақиқат шуки, бу соҳага инсоний хусусиятга эга бўлган ва соф ихлосни ўзида мужассам этганлардан бошқа ҳеч ким кира олмайди ва унда сабот билан тура олмайди. Чунки бу

иродаси заиф ва ҳиммати паст кишилар учун кириш қийин бўлган эшикдир. У буюк савоб эшигидир. Бу кимки Аллоҳнинг ҳузурда мақбул бўлган сифатлар билан кирса, унинг мавқеини кўтаради.

Ҳақиқий манзарани кўрсатиш ва унинг кўламини ифодалаш учун ушбу таърифларга тўхталиб, уларнинг маънолари ҳамда улар ўз ичига олган тушунча ва тасаввурлар ҳақида чуқур мулоҳаза қилишимиз лозим. Тасаввур аниқ бўлиши учун керакли бўлган энг муҳим нарса сиёсий ҳаётимиз асосланган асосни тушунишдир. Бу асос Ислom бўлиб, сиёсат, давлат, сиёсий доира ва сиёсий партиялар унга асосланади.

Ислom бу ерда фақат бир маънога эга, яъни у ўз ақидаси ва тузумига эга бўлган мабдaдир. Ислom мана шу эшикдан киришни ва ислomий сиёсий муҳитда мавжуд бўлишни истаган ҳар бир кишининг шахсиятида гавдаланади ва бу сифат Уммат орқали ҳокимиятга эришмоқчи бўлган ҳар бир инсонда изоҳ талаб қилмайдиган тарзда кўринади. Ушбу сифатларнинг биринчиси ва энг юқориси сиёсатчи шахсида ислomий ақиданинг гавдаланишидир. Ақидаки кураш, жанг ва бошқалар учун масъулиятни ўз зиммасига олиш асосига асосланади. Ислomий ақиданинг ҳақиқати ҳамда Аллоҳ Таоло коинот, инсон ва ҳаётни яратган зот, У коинотдаги барча нарсани тадбир қилувчиси, ҳаёт ўткинчи, инсоннинг борадиган жойи ё жаннат ёки дўзах, ризқ ва ажал Аллоҳнинг қўлида, Қуръон инсонларни зулматдан нурга чиқариш учун Аллоҳ томонидан юборилган, уни саййидимиз Мухаммад ﷺ Аллоҳнинг олдидан олиб келган деган қатъий тасдиқнинг ҳақиқати уни қабул қилганлардаги қувватнинг сиридир. Ислomий ақидани қабул қилган кишиларнинг сиёсий фаолиятга интилиши, бошқалар учун масъулиятни ўз зиммасига олиши, уларнинг ишларини бошқаришга ва ислоҳ қилишга иштиёқманд бўлишининг сири мана шудир.

Биз яъни Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари дастур лойиҳасидаги **«Ислomий ақида давлатнинг асосидир, яъни унинг таркибида, жиҳози, муҳосаба қилиниши ёки унга тааллуқли барча ишларда бирор нарсанинг вужудга келиши учун фақат Ислom ақидаси асос қилинади. Бир вақтнинг ўзида Ислom ақидаси дастур ва шаръий қонунларнинг ҳам асосидир, яъни бу иккисининг ҳар қайсисига алоқадор бирор нарсанинг мавжуд бўлишига фақат Ислom ақидасидан келиб чиқсагина руҳсат берилади»** деган биринчи моддани қабул қилганмиз. Ушбу модда луғавий таркиби соддалигига қарамай, ундаги ифоданинг теранлиги диққат билан фикр юритувчига Ислomий давлатдаги

сиёсий ҳаётнинг ёрқин тасаввурини беради. Бу давлатдаги сиёсий доира пок ва соф бўлиб, ақидаси ва низомида Исломга асосланган партияларгина унга кира олади. Ушбу давлат барпо бўлгач, Исломдан бошқа асосга асосланган ҳозирги пайтдаги мавжуд сиёсий доирани тўлиқ бартараф этиш учун бор кучини сарфлайди. Уммат олдидаги жиноятлари учун жавобгарликка тортилиши керак бўлганларни жавобгарликка тортади. Жиноят содир этгани тўғридан-тўғри исботланмаганларни шу ифлос сиёсий доирага алоқадорлар ҳамда ҳожаларига яқин бўлгани учун гумондорлар қаторига киритади. Ҳатто улардан бирортаси айбловдан деярли қутула олмайди.

Аммо мавжуд режимлардан йироқ бўлган, холислиги кузатилган ва эга бўлган фикрлари туфайли режимлар зулмидан азият чекканларга келсак, улар мустақил шахслар бўладими ёки ҳаракат ва жамоаларми бундан қатъий назар, уларнинг сиёсий доирага кириши зарурий шаръий шартларни бажаришларига боғлиқ. Ушбу доирада курашга ундовчи ақида ҳисобланган Ислом ақидасига эга бўлган мустақил шахслар ва уламолар олқишга сазовор бўлади. Қолаверса, агар улар ўз фаолиятларини якка тартибда давом эттирсалар таъсири кучсиз бўлсада, уларнинг сиёсий доирага кириши Умматнинг сиёсий ҳаётини бойитади. Агар улар сиёсий ҳаётда ҳақиқий из қолдиришни истасалар, бунга эътиборга олишлари лозим.

Аммо ҳаракат ва жамоаларнинг сиёсий ҳаёт майдонига кириши, сиёсий муҳитга аралashiши ва Уммат орқали ҳокимиятга чиқишга ҳаракат қилиши учун Ислом асосига асосланган сиёсий партия шартларини бажаришлари талаб қилинади. Бир қарашда талаб содда бўлиб кўринсада, сабр-тоқат, самимият ҳамда Уммат масаласи ва манфаатлари йўлида фидоийлик кўрсатишга тайёр бўлмаганлар учун бунга амалда эришиш осон эмас. Бу жамоалар ҳолатини ҳисобга олганда ва уларда самимийлик борлигига қарамай, агар улар бу соҳага киришни ва унда мавжудлигини давом эттиришни хоҳласалар, енгиб ўтишлари керак бўлган катта тўсиқларга дуч келадилар. Бунга энг кучли далил шунга уринган кишиларнинг ожизликларидир, ҳолбуки, уларда партия сафида фикрий қувват ва амалий тажриба бор эди, шунингдек, халқ майдонида партия билан рақобатлашувчи ҳаракатларни ташкил қилиш учун давлатлар ва ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватлов ҳам олишар эди. Бироқ шунга қарамай, улар бунга амалга оширишда аянчли равишда муваффақиятсизликка учрашди.

Улар дуч келадиган ва енгиб ўтиши керак бўлган энг муҳим тўсиқлар қуйидагилардир:

**Биринчиси:**

Уларда Ислом бу сиёсий ҳаёт майдонида ва жамиятда бошқарув, иқтисод, ижтимоий низом, ички сиёсат ҳамда таълим-тарбия ва сихат-саломатлик ишларини бошқаришда ва бундан бошқа Умматнинг бошқарув ва идора ишларини бошқариш учун керак бўладиган ишларда татбиқ қилинадиган мабдадир деган кенг қамровли қарашнинг етишмаслиги.

**Иккинчи тўсиқ:**

Бу жамоалар ўз вужудларини соф шаръий ва партиявий асосда қуришлари, шу тариқа бузуқ воқелик доғлари ва унинг салбий таъсиридан халос бўлишлари, ўзининг биноси ва ташкил бўлишида Исломни асосга айлантиришлари, миллатчилик ва ватанпарварлик сифатларидан ҳамда шаръан рад этилган фракция ва гуруҳлардан узоқда бўлишлари керак. Чунки Пайғамбаримиз ﷺ айтганларидек ким тарафкашликка чақирса биздан эмас. Бунинг учун катта куч, машаққатли саъй-ҳаракат ва катта қурбонликлар талаб этилади. Токи, бу гуруҳлар Уммат фарзандлари учун мақбул бўлган вакилликка етиша олинлар. Чунки бу уларни сиёсий ҳаётда муҳим, таъсирчан рол ўйнашга ва Уммат орқали ҳокимиятга эришишга яроқли қилади.

**Учинчи тўсиқ:**

Салтанат омонатини кўтара олишларига Умматда қаноат пайдо қилиш. Чунки Уммат ўз йўлининг турли босқичларида ёрдамсиз ташлаб кетган кимсалар туфайли чеккан қайғу ва аламлардан кейин ҳамда ўз ҳокимиятини тиклаб, ўз қарорига эга бўлганидан сўнг, Исломга асосланган жамоатчилик фикри ва ваъйи ом фонидида ўз салтанатини кучли бўлмаган ва омонат, хомийликка кучи етмайдиган кишига топширмайди. Бинобарин, бу жамоалар ўз дастурларининг соғломлиги, кадрларининг кучлилиги ва етакчилик борасидаги фикрининг тўғрилигини кўрсатиш учун сиёсий ҳаётга шўнғиганда амалий синовдан ўтишлари керак. Бу эса Умматда уларнинг етакчилиikka яроқли эканига ишончни пайдо қилади.

Бу шарҳдан, Халифалик давридаги Ислом асосидаги сиёсий фаолият суратини синчиклаб ўйлаб кўрадиган киши учун қуйидаги иккита фактни ҳисобга олиш кераклиги аён бўлади:

**Биринчи факт:** Энг муҳими, Умматда жамоатчилик фикрининг мавжудлиги давомий сақланиб қолиши ва У Исломда ҳокимият эгаси сифатидаги ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Уммат шуни ҳам

англаши лозимки, Исломда сиёсий фаолият ўлжаларни бўлишиш майдони эмас, балки қурбонлик майдонидир. Бу соҳадаги ҳар бир кичик ва катта нарса Уммат томонидан доимий равишда кузатиб борилиши ва муҳосаба қилиниши лозим. Токи сиёсатчи Уммат ишини ўз зиммасига олганда, масъул бўлади ва муҳосаба қилинади, яхшилик қилса ёрдам берилади, суистеъмол қилса, тузатилади деган фикрнинг бардавомлиги таъминлансин. Фақат бунинг ўзигина сиёсий ҳаётнинг Аллоҳ хоҳлаганидек давом этиши учун йўлдор. Бу муҳитга аралашини истаган ҳар бир киши бу соҳада қурбонлик ва фидокорлик қилиш борасида Росулulloҳ ﷺнинг саҳобаларидан ўрнак олиши, шундан сўнг у бу муҳитдаги сафари давомида қилган ҳар бир катта ва кичик иши учун Уммат уни кузатиб бориши ва муҳосаба қилишини кутиши керак.

**Иккинчи факт:** давлатнинг мустақкамлиги ва ундаги сиёсий ҳаётнинг барқарорлиги сиёсий партияларнинг кўплигига ҳам, ҳокимият алмашинуви тамойилига ҳам алоқаси йўқ. Аксинча, ҳақиқий омил йўқлигида, яъни жамоатчилик фикри ва муҳосаба бўлмаса, кўппартиявийлик заифлик омили бўлиши мумкин. Исломий давлатнинг илк давридаги, яъни Росулulloҳ ﷺнинг даврларида бўладими ёки У зотдан кейинги халифалар даврида бундан қатъий назар, одамлар ҳокимиятни саҳобалар уюшмасига топшириб қўйган даврдаги сиёсий ҳаётга кўз югуртириб чиқиш бизга шуни кўрсатадики, у даврда давлат кучи жамоатчилик фикри ва муҳосабадан қувват олган. Жамоатчилик фикри кучсиз бўлиб, муҳосаба йўқ бўлган даврда ҳокимият устидаги рақобат туфайли бу давлатга заифлик кириб борган.

Исломий сиёсий ҳаётга нисбатан бу қарашнинг мавжудлиги бизга Уммат салтанатини тиклаш ва исломий сиёсий ҳаётни қайта бошлаш йўлида ўзини фидо қилганларнинг елкасига қандай омонат юкланганини кўрсатади. Чунки ўшаларгина сиёсий муҳитни шакллантиришга қодир ва яроқлидирлар. Уларнинг зиммасига Уммат орасида кучли жамоатчилик фикрини сақлаш, унинг доимий хушёрлигини таъминлаш, сиёсий ҳаётни синчиклаб кузатиб бориш, эзгулик қилувчига ёрдам бериш ва бепарволарни жавобгарликка тортиш масъулияти тушади. Бу иш партия кадрларидан доимий ишлашни, доимий ҳаракатда бўлишни, узлуксиз меҳнат унумдорлигини сақлашни талаб қилади. Бу иш Уммат соҳасида бўладими, Уммат билан сиёсий фаолият майдонида ҳақиқий етакчилар сифатида мулоқот қилишда бўладими ёки Уммат кенгаши, вилоят кенгашлари ва сиёсий

фаолиятнинг бошқа майдонлари орқали бошқарув ва ҳисобот беришда бўладими фарқи йўқ.

Бу тасаввурнинг мавжудлиги, омонатнинг катталиги ва оғирлиги йигитлардан ўша лаҳзага тайёр бўлиш, Аллоҳдан мадад тилаб, охиратда кутаётган ажр савобга эришиш учун куч-қудратни сарфлашни талаб қилади. Бу эса фақат қуйидагилар билан рўёбга чиқади:

1 – Аллоҳга яқин бўлишга интилиш, кўп ибодат қилиш, Қуръон ўқиш ва ҳар доим Аллоҳга таваккал қилиш лозимлигини ёдда тутиш.

2 – Ҳизбий сақофатга оид китобларни ўқиш ҳамда уларни давлат ва жамиятдаги сиёсий ҳаётнинг боришини тартибга солувчи тушунчалар сифатида ҳазм қилиш, тушуниш ва тарқатиш учун ўзини бағишлаш. Бу эса йигитлардан ҳалқалар бериш учун тўлиқ тайёргарлик кўришни, тўлиқ вақтини самарали фикр олишга ишлатишни, ҳалқа аъзоларини сиёсатчи ва Уммат етакчиси сифатида шакллантиришда ҳалқанинг унумдорлигини назорат қилишга эътибор қаратишни талаб қилади. Шунингдек, уларнинг шахсиятини шу масъулиятни ўз зиммасига оладиган ва Аллоҳ Таоло олдидаги мажбуриятларини бажара оладиган тарзда сайқаллашга эътибор қаратишни талаб қилади.

3 – Уммат билан узлуксиз алоқада бўлиш ҳамда унинг ҳушёрлигини ошириш, ундаги жамоатчилик фикрининг кучини сақлаш учун уни доим Ислоҳ фикрлари билан озиқлантириш, уни Аллоҳ Таоло унга буюрган ишларни бажармаслик, муҳосаба қилмаслик, маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш вазифасини бажармасликдан қайтариш. Мана шу давлат кучини ва ундан сиёсий ҳаёт боришини такомиллаштиришнинг ягона йўлидир.

4 – Йигитлар фаолиятида иймон муҳити ҳукмрон бўлиб қолишига тўлиқ интилиш ва бу муҳитни доим сақлашга ҳаракат қилиш. Чунки мажбуриятларнинг катталиги ва омонатнинг оғирлиги юқини фақат бу муҳитни назорат қилиш орқали кўтариш мумкин.

5 – Даъватчиларнинг шахсиятидаги руҳий жиҳатга катта эътибор қаратиш. Чунки бу шахсияларни такаббурлик ва гердаишдан узоқлаштиради ҳамда сабр-тоқатли бўлиш, ўзидагини сарфлаш ва қурбон қилиш қарорини мустаҳкамлайди.

6 – Аниқ (ҳис қилинган) натижаларни ва ҳизбий ишлардан кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришга жиддий ҳаракат қилиниши керак. Бир лаҳза бўлса ҳам унутмаслигимиз лозимки, бизнинг ишларимиз тариқат ишларидан бўлиб, уларнинг аниқ (ҳис

қилинган) натижалари бўлмоғи керак. Ўқиш тушунчаларни жамлаб, такомиллаштириши лозим. Ҳалқаларда дарс қилиш сиёсатчиларни етиштириб чиқариши лозим. Умнат билан жонли мулоқот қилиш халқ етакчилигини қўлга киритишда, шунингдек, янги аъзоларни касб қилиш орқали ҳизб жисмини ўстиришда ўз таъсирини кўрсатиши керак. Жамойй сақофат ўзининг турли кўринишлари билан Умнат онгини ошириши керак. Муҳосаба хулқ-атворларни яхшилаши керак... Шундай қилиб, ҳизбий ишларнинг ҳар бирида натижалар ҳис қилиниши лозим. Шунинг билан керакки, ҳис қилинган натижаларнинг бўлмаслиги тезда бартараф этилиши лозим бўлган нуқсон борлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтаманки, Халифалик давридаги ҳизбий фаолиятни тасаввур қилиш чоғида ҳамда Аллоҳ розилигини қозониш ва охиратда улуғ ажрни қўлга киритиш учун Ҳизб ва унинг аъзолари бажариши лозим бўлган омонат масаласини ўрганиш чоғида мазкур ишларни аниқладим. Агар яхши иш қилган бўлсам бу Аллоҳдан, хато қилган бўлсам, мендан ва шайтондандир. Охирги дуойимиз оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

## ИБРОҲИМИЙ ДИН... ВА ШАЙТОН СИЁСАТИ

Умму Билол Ҳарбовий – Байтул Мақдис

Ғарб, унинг малайлари ва пасткаш-аҳмоқлар томонидан муртадлик уруши олиб борилмоқда. Ислому муслмонларга нисбатан кек-адоват сақлаган Ғарб тузган режалар туфайли Умму осмонини қора булут қоплади. Ғарб Ислому муслмонларга таянч қолдирмаслик устида ишлаб, бунинг учун макр ҳийла қилди, режа тузди ва фитна тўрини тўқиди. Чунки у исломий ақидаси билан фикрат ва тариқат сифатида кўзга ташланган Ислому мафкурасининг ҳар қандай мафкура ва лойиҳадан кучли, ҳар қандай тузумдан мустаҳкам эканлигини аниқ билар эди. Ислому мафкураси бутун башариятнинг Роббиси томонидан, яъни Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни яхши билгувчи зот томонидан нозил қилинган бўлсаю, нега кучли ва мустаҳкам бўлмасин?!

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир»

[Мулк 14]

Бугун Ғарб эски янги фитна тўрини тўқиб, унинг ипларини ўзларини Ислому муслмонларга қарши курашишга, муслмонларни эътиқодларидан буришга, покиза соф аҳкомларни бадном қилишга бахшида этган малай ҳукмдорлар, ёвузлик шайхлари ҳамда Ғарбни дўст тутган муфаккир ва адиблар ҳомийлиги билан тугалламоқда. Ушбу малай ҳукмдорлар, ёвузлик шайхлари, муфаккир ва адиблар Ислому ақидасини Ғарбнинг беқарор фикрларига, бузуқ маданиятга ва Ислому мутлақо алоқаси бўлмаган янги динга алмаштиришмоқда. Бу янги дин Ислому билан насронийлик ва яҳудийликни тенглаштиради, аниқ тафовутларни йўқ қилади, шунингдек, яхши билан ёмон, олтин билан сифатсиз руда аралаштирилганидек, ҳақ билан ботилни аралаштириб юборади.

«Иброҳим дини» деган номдаги хавф яҳудийлик, насронийлик ва Исломуни бирлаштиришга ёки уларни ўзаро яқинлаштириб мувофиқлаштиришга чақиришда гавдаланади. Саййидимиз Иброҳим га мансублик номи остида уларнинг ўртасидаги асосий фарқлардан воз кечишга ҳамда уларнинг ҳаммасини тўғри деб тан олишга чақирилар экан, бу уч динга мансуб бўлганларнинг ўз динларини тарк этишларига эҳтиёж йўқлиги айтилади... Улар бадбахтликка учраб, адашишди. Аллоҳ Таоло

﴿وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾

**«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охирада зиён кўргувчилардандир»** [Оли Имрон 85]

дея нақадар ҳақ сўзлаган.

Бирлашган Араб Амирликлари билан яҳудий вужуди ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш келишувига «Иброҳимий келишуви» деган номнинг берилиши бежиз эмас эди. Бу келишув 2020 йил 13 августда эълон қилинди ва Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн ва яҳудий вужуди ўртасида Оқ уйда Американинг собиқ президенти Доналд Трамп ҳомийлигида имзоланди. Американинг яҳудий вужудидаги элчиси келишувга бундай ном берилиши сабабини қуйидагича изоҳлади: «Иброҳим уч буюк диннинг ҳаммаси учун ота бўлган. У насронийликда «Абраҳам», Исломда «Иброҳим» ва яҳудийликда «Абрам» деб аталган. Бу динлар ўртасидаги бирлик имкониятини Иброҳимдан кўра яхшироқ тамсил этувчи бирон бир шахс мавжуд эмас. Шунинг учун бу келишувга ушбу ном берилди». Бу ерда ушбу келишувнинг сиёсий эксплуатация қилиш хавфи даражасини, шунингдек, улар орқали диний никоб остида сиёсий режалар амалга оширилиши ирода қилинган диний ва тарихий жиҳатларни билиш лозим.

Иброҳимий атамаси сўнги йилларда кенг қўлланмоқда. У учта дин (Ислом, насронийлик ва яҳудийлик) ўртасидаги тинчлик, бағрикенглик ва яқинлик рамзи сифатида илгари сурилмоқда. Бу атама яҳудий вужуди, Бирлашган Араб Амирликлари ва Баҳрайн ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш келишувларига ном қилиб берилганида расман ишга туширилиб, эълон қилинди. Иброҳимийлик ҳақидаги гаплар учта самовий дин издошлари ўртасидаги келишмовчиликларни рад этишга, шунингдек, араблар ва яҳудийлар ўртасида давом этаётган зиддиятга барҳам бериш мақсадида минтақада биродарлик, бағрикенглик ва бирга яшаш кадрятларини ўзида мужассамлаштирган умумий асосларни излашга чақирик эди. Ҳеч кимга сир эмаски, ўрин алмашиб келаётган АҚШ маъмуриятлари ташқи сиёсатидаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири иттифоқдоши бўлган яҳудий давлати хавфсизлигини сақлаш ва унинг минтақавий устунлигини таъминлаш эканини доим таъкидлаб келади. Баъзи тадқиқотчилар бу чакирувни Америка ёндашувининг давоми деб ҳисоблайдилар. Бу атама янги эмас, балки эски бўлиб, турли давр босқичларида қўлланиб келган. Лекин унинг қўлланиши бир босқичдан иккинчисига ўзгарган.

Кейин Бирлашган Араб Амирликлари учта асосий самовий динни, яъни насронийлик, яҳудийлик ва Ислом динларини бирлаштирган бинони қуриш режаси борлигини, шунингдек, бу бинога «Иброҳим оиласининг уйи» номи берилишини маълум қилди.

Иш Ҳижоз юртида бир жойда учта дин ибодатхоналарини ўз ичига олган мажмуани барпо этишгача етиб борди. Кейин, Қуръони Карим, таврот ва инжилни битта муқовада нашр қилиш, шунингдек, яҳудий, насроний ва мусулмонларни бирлаштирган қўшма ибодатни адо этиш ғояси илгари сурилди. Улар буни «Иброҳимий ибодат» ёки «Иброҳим фарзандлари ибодати» деб номлашди.

Аллоҳ Таоло Ўзининг азиз Китобида бизни яҳудий ва насронийларнинг хийла-найранглари, ёмонликлари ва макрларидан огоҳлантирган.

﴿وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ﴾

*«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча харгиз сиздан рози бўлмайдилар»* [Бақара 120]

Эй мусулмонлар!

«Динлар бирлиги», «динлар ўртасида мулоқот», «бағрикенглик», «тинчлик ва муносабатларни нормаллаштириш» кабилар жуда хавфли атамалардир. Уларнинг хавфлилиги бу атамалардан Ислом динининг ўзлигини йўқ қилиш ҳамда мусулмонларнинг қалбидан исломий белги ва арконларни ўчириш кўзланганлигидир. Бу мусулмон кишининг Исломни маҳкам ушлаш ва у билан фахрланиш иштиёқини сусайтиради. Қолаверса, иш, баъзан Исломдан чиқиб бошқа динга ўтишни, яъни Аллоҳ сақласин, диндан қайтишни арзимас санаш даражасига етиб бориши ҳам мумкин.

Ғарб сионистларининг ушбу барча алдовлари ва унинг катта хавф-хатарлари мустамлакачиликни мустаҳкамлаш, исломий ўзликнинг таркибий қисмларини парчалаб, ришталарини узиб ташлашдан келиб чиқади. Шу тариқа яҳудийлар ва Ғарб манфаати учун Ислом Уммати ва Ислом халқлари устидан ҳукмронлик қилиш осонлаштирилади.

Ботил аҳли ҳақиқатни илдизи билан қуриштириш ҳамда унга ва унинг аҳлига зарар етказишга қаратилган уринишларини тўхтатмаган ва асло тўхтатмайди.

Шунинг учун ҳақ аҳли ўзининг ҳақ динини маҳкам ушлаши, қўлидан келишича уни ҳимоя қилиши, шунингдек, Умматни

тавҳид байроғи ва мусулмонлар Халифаси бошчилиги остида бирлаштириш учун қўзғалиши лозим. Зеро, халифа қалқон бўлиб, у билан ҳимояланилади ва унинг ортида туриб жанг қилинади ҳамда дин ҳимоя қилинади. Ғарбнинг зулми ва тузоқларидан нажот топиш, шунингдек, мусулмонлар азизлиги, бирлиги ва шон-шавкати қайта тиклаш ёлғиз шу дин орқали бўлади.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

*«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим»* [Моида 3]

﴿وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَٰكِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

*«Ҳолбуки куч-қудрат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар (буни) билмаслар»*

[Мунофиқун 8] □

## УЛАМОЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛНИ ЎЙНАЙДИЛАРМИ? (2)

Абдурахмон Омирий – Яман

### Суфён Саврий ва халифа Маҳдий ўртасида:

Имом Суфён Саврий бундай дейди: халифа Маҳдий ҳаж қилиб бўлгач, Суфён билан учрашмасам бўлмайди, дебди. Шунда улар уй атрофига кузатув ўрнатиб, тунда мени олиб кетишди. Унинг ҳузурига боргач, у менга: «нима учун келмайсиз, келсангиз сиздан ишларимизда маслаҳат сўрар, буюрганингизни қилар ва қайтарганингиздан қайтар эдик», деди. Мен «ушбу сафарингизга қанча сарф қилдингиз», деб сўрадим. «Билмайман, менинг ишончли одамларим ва вакилларим бор», деди. Шунда мен бундай дедим: «Эртага Аллоҳнинг ҳузурини турганингизда шундан сўраса, нима узрингиз бор? Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه ҳаж қилиб бўлгач, хизматкоридан «ушбу сафаримизда қанча сарф қилдингиз», деб сўрайди. Хизматкори «эй мўминлар амири, ўн саккиз динар», дейди. Шунда ҳазрат Умар «ҳолингга вой бўлсин, мусулмонларнинг Байтулмолига талафот етказибмиз-ку?!», дейди. Мен Мансур Асвад ибн Алқамадан, у эса Ибн Масъуддан қилинган ривоятни эшитганман, унда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم бундай деганлар:

«رَبِّ مَتَّحَوِّضٍ فِي مَالِ اللَّهِ وَمَالِ رَسُولِ اللَّهِ فِيمَا شَاءَتْ نَفْسُهُ لَهُ النَّارُ غَدًا»

«Аллоҳ ва Росулнинг молида нафси хоҳлаганча тасарруф қиладиган баъзи кимсалар борки, эртага улар учун дўзах бўлур». Шунда Маҳдийга ёзувчилик қилаётган Абу Убайда «ахир, мўминлар амирига нисбатан ҳам шундай муносабатда бўладими?» дейди... Суфённинг ўзи Абу Убайдага «сиз жим тулинг» деб «Фиръавн Ҳомонни, Ҳомон Фиръавнни ҳалок қилган», дея кучли мўмин ва мусулмоннинг жавобини қилган: (Устоз Аҳмад Шокирнинг Муснади: биринчи қисм – Вафийётул аъён, 2/387-саҳифа).

### Саврийнинг иккинчи позицияси:

Бир куни халифа Маҳдий Хайзаронга «сизга уйланмоқчиман», деди. Хайзарон «менга уйланишингиз жоиз эмас», деб жавоб қилди. Халифа «асло ундай эмас» деганида, аёл «ўртамызга хоҳлаган кишингизни ҳакам қилинг» деди. Маҳдий «Суфён Саврийга розимисиз», деганида «ҳа» деб жавоб қилди. Халифа Суфёнга чопар юбориб, «Умму Рошид менга уйланишингиз жоиз эмас» деган даъвони қияпти, ахир Аллоҳ Таоло

﴿فَأَنكِحُوا مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ مَنِّي وَتِلْكَ وَرُبَعٌ﴾

**«Агар адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар»** [Нисо 3]

деганку, дейди ва сукут қилди. Шунда Суфён «оятни давомини ҳам ўқинг, чунки сиз адолат қила олмайсиз», деб жавоб қилган. Саврий бу ерда Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تَعْدِلُوا فَوَاحِدَةً﴾

**«Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг)»** [Нисо 3]

деган каломига ишора қилган. Шунда Халифа Суфёнга ўн минг дирҳам беришларини амр қилган, Суфён уларни олишдан бош тортган. (Вафийётул аъён, 2/389).

#### **Унинг учинчи позицияси:**

Қаъкоъ ибн Ҳаким бундай дейди: Маҳдийнинг ҳузурида эдим, ўз асрининг буюк уламоларидан бири Суфён Саврий келди. Суфён Маҳдийнинг ҳузурига киргач, унга салом берди, лекин саломида «халифа» сўзини қўшмади. Робеъ унинг бош томонида, унинг буйруғини кутиб, қиличига суяниб турар эди. Маҳдий хотиржам юз билан унга яқинлашиб бундай деди: «Эй Суфён, у ёқ, бу ёққа қаранг, сизга бирор ёмонликни хоҳласак, уни қила олмайди, деб ўйлайсизми? Биз бунга ҳозир ҳам кодирмиз. Сизга нисбатан ўз ҳавойи нафсимиздан келиб чиқиб ҳукм қилишимиздан қўрқмайсизми». Суфён «агар сиз менга ҳукм қилсангиз, сизга ҳақ ва ботилнинг ўртасини ажратувчи кодир подшоҳ ҳукм қилади», деди. Шунда Робеъ «эй мўминлар амири, бу нодон сиз билан шундай муносабатда бўладими, рухсат беринг бошини танасидан жудо қилай?!», деди. Шунда Маҳдий бундай дейди: «Овозингни ўчир, ҳолингга вой бўлсин, бу ва унга ўхшаганлар биз уларни ўлдиришимизни ва уларнинг бахти учун азоб чекишимизни хоҳлаяпти. Унинг Кўфа қозилигига тайинланиши ва бу нарсага қарши чиқмаслиги тўғрисида фармон ёз». Фармон ёзилиб, Суфёнга тутказилди, аммо Суфён ташқарига чиқиб, фармонни Дажла дарёсига ташлаб юборди, сўнг одамлар назаридан ғойиб бўлди. Уни барча юртлардан излашди, лекин топишолмади. Шунинг учун унинг ўрнига Шарик Нахайй қози бўлди. (Тазкиротул Хуффоъ китоби, 1/160. Вафийётул Аъён 2/390).

#### **Унинг тўртинчи позицияси:**

Буюк олим Суфён Саврий Абу Жаъфар Мансурнинг ҳузурига кирган эди, «эҳтиёжларингиз бўлса менга айтинг», деди. Суфён эса унга «Аллоҳдан қўрқинг, ер юзи зулм ва зўравонликка тўлиб

кетди», деб жавоб қилди. Мансур бошини эгиб, саволини яна такрорлади. Суфён унга «сиз бу мансабга муҳожир ва ансорлар қиличи билан ўтиргансиз, уларнинг болалари очликдан ўлмоқда, Аллоҳдан қўрқинг, уларнинг ҳуқуқларига риоя қилинг», деб жавоб берди. Мансур шукр қилган ҳолда бошини эгди ва саволини яна такрорлади. Лекин Суфён уни тарк этиб, ортига қайтди. (Бешинчи жузнинг янгиланган қисми 120-саҳифа).

### **Ҳаммод ибн Салама ва Муҳаммад ибн Сулаймон ўртасида:**

Ибн Сулаймон бундай дейди: «Мен Ҳаммод ибн Салама ҳузурига кирдим, уйда бўйрадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди, Ҳаммод эса қўлида Қуръон ўқиб ўтирар эди. У ерда яна танга солинган халта ва таҳорат оладиган идиш бор эди. Мен у ерга кириб ўтиргач, кимдир эшикни тақиллатди. Шунда Ҳаммод Ҳабибага «эй Ҳабиба, чиқиб қаранг ким экан», деди. Ҳабиба «Муҳаммад ибн Сулаймоннинг Ҳаммод ибн Саламага юборган элчиси экан», деди. Элчига кириш учун изн берилди. Элчи салом бергач деди: «Аммо баъд, Аллоҳ ўз авлиёлари ва итоатгўйларини баракали қилгани каби, сизни ҳам баракали қилсин. Бир масала ҳақида сиздан сўраш учун ташриф буюрдик». Ҳаммод «эй Ҳабиба, сиёҳдонни олиб келинг», деди.

Ҳаммод менга деди: «Мактубининг орқасига бундай деб ёзинг: Аммо баъд, Аллоҳ ўз авлиёлари ва итоатгўйларини баракали қилган нарса билан сизни ҳам баракали қилсин. Биз уламоларни одамларнинг олдига боришганини кўрмаганмиз. Агар сизда бирор муаммо туғилиб қолса, ўзингиз келинг ва хоҳлаганингизни сўранг. Менинг олдимга келмоқчи бўлсангиз, отингиз билан ҳам, одамларингиз билан ҳам келманг...». Ибн Сулаймон бундай дейди: Мен ўша ерда ўтирган эдим, ҳеч қанча вақт ўтмай яна эшик тақиллади. Ҳаммод «эй Ҳабиба, қарангчи ким экан», деди. «Муҳаммад ибн Сулаймон экан», деди Ҳабиба. Ҳаммод «ўзи ёлғиз кирсин», деди. Муҳаммад ибн Сулаймон унинг ҳузурига кириб ўтирди ва «менга нима бўлди, сизга қарасам кўрқиб кетяпман-а!», деди. Ҳаммод бундай деди: «Менга Собит Баноний Анаснинг бундай деганини ривоят қилган. Анас бундай дейди: Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганини эшитганман:

«إِنَّ الْعَالَمَ إِذَا أَرَادَ بِعِلْمِهِ وَجْهَ اللَّهِ هَابَهُ كُلُّ شَيْءٍ، وَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَكْنِزَ الْكُنُوزَ هَابَ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ»

«Агар олим ўзидаги илм билан Аллоҳнинг розилигини истаса, Аллоҳ уни барча нарсадан қўрқмайдиган қилиб қўяди. Агар олим (ўзидаги илм билан) дунё йиғишни хоҳласа, уни барча нарсадан қўрқадиган қилиб қўяди». Муҳаммад ибн Сулаймон

Ҳаммода «Аллоҳ сизга марҳаматини берсин», дея бундай савол берди: «Бир киши ҳақида нима дейсиз, унинг иккита ўғли бор, аммо улардан бирига кўпроқ рози бўлган ва тириклигида ўз молининг учдан икки қисмини ўшанга бермоқчи?».

Ҳаммод деди: «Аллоҳ сизга ҳам марҳаматини берсин. Киши деган бундай қилмайди. Чунки мен Анаснинг Росулulloҳдан бундай деганини эшитганман:

«إِذَا أَرَادَ اللَّهُ أَنْ يُعَذِّبَ عَبْدًا مِنْ عِبَادِهِ فِي حَيَاتِهِ وَقَفَّهُ إِلَىٰ وَصِيَّةٍ جَائِزَةٍ»

**«Агар Аллоҳ бандаларидан бирини тириклигида азобламоқни истаса, унга адолатсиз васият қолдиришига йўллаб қўяди».** Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳаммода мол таклиф қилган эди, у қабул қилмади. Шунда Муҳаммад ибн Сулаймон у ердан чиқиб кетди. («Ал-Ислам байнал улама вал ҳуккам» китоби, 99-саҳифа).

### **Солиҳ Маррий билан Маҳдий ўртасида**

Маҳдий Солиҳни чақиртирди. Ўшанда Солиҳ Маҳдийнинг хузурига кириб, бундай деган экан: Эй мўминлар амири, бугун сизга бундай дейдиган гапларимни Аллоҳ учун кўтаринг-сабр қилинг. Чунки одамлардан Аллоҳ Таолога энг яқини қаттиқ насихатни кўтарадиган кишидир. Росулulloҳга яқин бўлган киши эса у зотнинг ахлоқини мерос қилиб олишга ва ҳидоятга эргашга лойиқ кишидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло сизга илмни тушуниш ва далилни ёритиб беришни мерос қилиб бериб қўйган. Бас, сизда ҳеч қандай узр йўқ. Қандай иддаолар қилманг, ёки Аллоҳ тарафидан ҳеч қандай асоси йўқ гумонга минманг, сизга Аллоҳнинг ғазаби тушмай қолмайди. Унинг бу ғазаби илмдан қанчалар кўз юмганингиз ва қанчалар ботил гумон келтирганингизга қараб бўлади. Билингки, Росулulloҳ ﷺ ўз Умнатларига нисбатан хилоф йўл тутган ва Умнатнинг аҳкомларини бузиб кўрсатган кимсага душмандирлар. Ким Муҳаммад ﷺга душман бўлса, Аллоҳ ҳам унга душман бўлади. Шундай экан, Аллоҳ ва Росулига душман бўлиш учун шундай ҳужжат топингки, у сизга нажотни кафолатлай олсин ва сизни ҳалокатдан сақлай олсин... Қиёмат куни Аллоҳнинг китоби ва Росулунинг суннатини маҳкам тутган кишиларнинг қадами мустаҳкам бўлади. Сиз кабилар янги-янги осийликлар билан кибрланмайди, бироқ унга ёмонлик яхшилик қилиб кўрсатилади ва унга қиёматда хоин уламолар шоҳидлик беради, дунё шундай тузоқ билан ҳамкасбларингизни овлайди. Бас, чиройли матонат кўрсатинг, шунда вазифангиз чиройли тугайди...». Буни эшитган Маҳдий йиғлади. Сўнг Солиҳга бирор нарса беришларини

буюрганди, у олмади. Баъзи ёзувчилар бу ҳикояни Маҳдий девонида ёзилган ҳолда кўрганини бундай дейди. (Вайиётул Аъён, 2/494).

### **Имом Молик билан Жаъфар ибн Сулаймон ўртасида:**

Имом Моликни халифа Абу Жаъфар Мансурнинг амакиваччаси Жаъфар ибн Сулаймон ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббоснинг ҳузурига олиб келиб, Имом Молик сизларнинг байъатингизни ҳеч нарса эмас деб ҳисобляпти дейишди. Шунда Жаъфарнинг ғазаби қайнаб, уни чақиртирди ва ечинтириб, камчи билан савалади... Имом Моликнинг қўлини тортишганди, елкаси чиқиб қолди. Жаъфардан оғир қийноқлар тотди, лекин шундай бўлсада ўзида олийҳимматлик ва мағрурликдан бошқа нарсани кўрсатмади. Ибн Жавзийнинг «Шузул уқуд» китобида айтилишича, 147 йили Жаъфар Молик ибн Анасни султоннинг мақсадига тўғри келмайдиган фатво чиқаргани учун етмиш дарра урган. (Вафийётул аъён китоби, 4/137).

### **Фузайл ибн Иёз билан Ҳорунар Рошид ўртасида:**

Фузайл ибн Робеъ ҳикоя қилади: Бир куни уйимда кийимларимни ечиб, ухлашга тайёрланаётган эдим, тўсатдан эшигим қаттиқ тақиллаб қолди. Хавотирланиб, «ким у?!» дедим. Тақиллатган одам «мўминлар амири чақиряпти чиқинг», деди. Мен шопилганча, қадамларимда қоқилиб-суқилиб чиқсам, эшигим олдида юзлари маъюс, қошлари чимирилган Ҳорунар Рошид турибди. Мен «эй мўминлар амири, одам юборсангиз борардим?!» дедим. «Ҳолимизга вой! Қалбимни бир нарса тимдалаб уйқумни бузди, виждонимни қийнади, буни сизнинг зоҳид тақводор уламоларингиздан бирортаси кетказа олади, холос, бас, менга шу ҳақида сўрайдиганим кишини кўрсатинг», деди. Ибн Робеъ ҳикоясида давом этди: Мен уни Фузайл ибн Иёзнинг олдига олиб бордим. Боргандан сўнг Ҳорунар Рошид: Мени унинг олдига олиб кир деди. Биз унинг олдига кирсак, у хонасида намозда қиёмда турар ва Аллоҳ Таолонинг ушбу каломини тиловат қилар эди:

﴿أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ اجْتَرَحُوا السَّيِّئَاتِ أَنْ نَجْعَلَهُمْ كَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَوَاءً مَحْيَاهُمْ وَمَمَاتُهُمْ سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ﴾

*«Балки ёмонлик-гуноҳлар касб этган кимсалар Биз уларни ҳам имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам (яъни дунёлари ҳам, охираглари ҳам мўминлар билан) баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон (нотўғри) ҳукм қилурлар-а?!»*

Шунда Ҳорунар Рошид «агар бир нарсадан фойдалансак, шунинг ўзи етарлидир» деди. Сўнг мен эшикни тақиллатган эдим, Фузайл «ким у?» деди. «Мен мўминлар амири чақиряпти» дедим. Фузайл «Мўминлар амири билан ўртамизда ҳеч қандай иш йўқ» деди. Мен «субҳаналлоҳ, сиз унга итоат қилишингиз вожиб эмасми?!» дедим. Шундан сўнг у тушиб, эшикни очди, кейин хонасига кўтарилиб, чирокни ўчирди ва хонанинг бир бурчагига яширинди. Кейин биз кўлларимиз билан пайпаслаб, уни излай бошладик ва Ҳорунар Рошиднинг кафти унинг кафтига тегди. Шунда у «бу кўллар қандай ҳам майин экан, уларнинг эртага Аллоҳнинг азобидан нажот топишини тилаймиз», деди. Ибн Робъ давом этди: Мен ичимда «бугун кечаси Фузайл билан чин қалбдан ва соф сўзлар билан гаплашганим бўлсин» деб қўйдим. Ҳорунар Рошид «биз сизга олиб келган нарсаларни олинг, Аллоҳ хайрингизни берсин», деди.

Шунда Фузайл деди: «Сиз олиб келган нарсага келсак, ҳолбуки, ўзингизнинг устингизда барча фуқаронинг гуноҳи турибди. Чунки уларни сиз хор-зор аҳволга туширдигиз. Қиёмат куни барча аъёнларингиз ва волийларингизнинг гуноҳи ҳам сизга қўшилади. Чунки улар ҳам зулм ва зўравонликни сиз билан қилишган... Шунга қарамай, ҳисоб кунида сиздан энг тез қочадиган ва сизни энг ёмон кўрадиган кишилар ўшалар бўлади. Сиз ҳатто ўзингиздан ва улардан гуноҳлар ошкор бўлиб қолган ўша кунда бу дунёда қилган гуноҳларингизнинг бир қисмини кўтариб юборишларини улардан илтимос қиласиз... Аммо улар рози бўлишмайди. Чунки бу дунёда сизни энг кўп севган инсон, у пайтда сиздан энг кўп қочувчига айланади».

Фузайл сўзини давом этди: Умар ибн Абдулазиз Халифаликка ўтирган кун солиҳ уламолардан бўлган Солим ибн Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Каъб ва Ражоъ ибн Ҳайваларни чақириб, бундай деган эди: «Менга ҳам шу бало етди, менга насиҳат қилинглар». Қаранг, Умар ибн Абдулазиз Халифаликни бало деяпти... Бироқ сиз ва дўстларингиз Халифаликни неъмат деб ҳисобладингиз.

Солим ибн Абдуллоҳ Умар ибн Абдулазизга бундай насиҳат қилди: «Агар эртага Аллоҳнинг азобидан омон қолишни истасангиз, катта ёшдаги мусулмонларни ўзингизга ота, ўрта ёшдагиларни ака-ука ва кичкина ёшдагиларини ўзингизга бола тутининг. Шундан кейин отангизни ҳурмат қилинг, укангизга иззатда бўлинг ва болангизга раҳм қилинг». Ражоъ ибн Ҳайва бундай деди: «Эртага Аллоҳнинг азобидан омон бўлай десангиз,

Ўзингизга яхши кўрганни мусулмонларга ҳам яхши кўринг ва ўзингизга ёмон кўрган нарсани уларга ҳам ёмон кўринг. Ана шундан кейингина истасангиз ўлишингиз мумкин». Фузайл сўзини давом этиб, «менинг сизга айтар сўзим, эй Ҳорунар Рошид, мен сиз учун оёқлар тойиладиган кундан кўрқаман», деди... Ҳорунар Рошид йиғлаб юборди. Ибн Робъ бундай дейди: Мен Фузайлга «мўминлар амирига раҳм қилинг» дедим.

Шунда у «уни сиз ва дўстларингиз ўлдирияпсиз-у, мен унга раҳм қилайми?!» деди. Сўнг деди: «Эй гўзал юзли инсон, қиёматда Аллоҳ Таоло бу халқ ҳақида сиздан сўрайди... Бас, шу жиҳатдан бу гўзал юзингизни қаро бўлишдан сақлаб қола олсангиз, сақлаб қолинг. Эртами-кеч фуқароларингиздан кимнидир алдашдан эҳтиёт бўлинг. Чунки Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:

«مَا مِنْ عَبْدٍ يَسْتَرْعِيهِ اللَّهُ رَعِيَّةً، يَمُوتُ يَوْمَ يَمُوتُ وَهُوَ غَاشٌّ لِرَعِيَّتِهِ، إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ»

«Аллоҳ кимни фуқаро устидан бошлиқ қилиб қўйсаю, у бир кун келиб шу фуқаросини алдаган ҳолда вафот топса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади». Бу сўзларни эшитиб, Ҳорунар Рошид яна йиғлади ва Солимдан «қарзингиз борми?» деб сўради. Шунда Солим «ҳа, Роббимдан қарзим бор, Роббим уни ҳисоб-китоб қилмади, агар Роббим у ҳақда сўраса ва муҳокама қилса, ҳолимга вой бўлади, агар ҳужжат келтира олмасам, ҳолимга вой бўлади», деди.

Ҳорунар Рошид «мен бандалар олдидаги қарзингизни сўраяпман» деган эди Солим бундай деди: «Роббим бунга буюрган эмас, балки Аллоҳ Азза ва Жалла бундай деди:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥١﴾ مَا أُرِيدُ مِنْهُمْ مِنْ رِزْقٍ وَمَا أُرِيدُ أَنْ يُطْعَمُوا

﴿٥٢﴾ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الرَّزَّاقُ ذُو الْقُوَّةِ الْمَتِينُ﴾

*«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим. Мен улардан бирон ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини истамасман. Зеро Аллоҳнинг Ўзигина (барча халойиққа) ризқу рўз бергувчи, куч-қувват соҳиби ва қудратлидир»*

[Зарийёт]

Ҳорунар Рошид Солимга «мана сизга минг динар, олинг, оилангизга сарфланг ва у билан ибодат қилишда куч-қувватли бўлинг» деди. Солим эса, «субҳаналлоҳ, мен сизга нажот йўлини кўрсатяпман, сиз эса мени мана шундай нарса билан мукофотламоқчимисиз» деди. Ибн Робъ бундай дейди: Биз у ердан чиққанимизда, Ҳорунар Рошид бундай деди: «Агар мени

бирортасига йўлласангиз, мана шундай кишиларга йўлланг. Чунки Солим бугунги мусулмонлар саййидидир». Бухорий буни Имон китобида ривоят қилган. (Сияру аъломун нубалоъ китоби 8/378).

### **Шуайб ибн Ҳарб ва Ҳорунар Рошид ўртасида:**

Шуайб ибн Ҳарб бундай дейди: Макканинг йўлида кетаётиб тўсатдан Ҳорунар Рошидни кўриб қолдим. Мен ўзимга «маъруфга буюриб, мункардан қайтариш фурсати келди», дедим. Аммо нафсим менга «йўқ, бундай қилма, чунки бу кучли одам, агар уни мажбурласанг, бўйнингга уради» деди. Мен «йўқ, шундай қилмасам бўлмайди» дедим ва унга яқинлашиб, «эй Ҳорунар Рошид, Умматга зарар етказдингиз ва ҳайвонларни қийнадингиз», деб қичқирдим. Шунда у «ундай бўлса, ҳаққингизни олинг», деди. Ҳорунар Рошиднинг ҳузурига кирсам, курсида ўтириб, кўлида бир ёгочни ўйнаётган экан. Менга «кимсиз» деган эди, мен «одамлар ичида энг фониисиман», деб жавоб қилдим. У «онангиз сизни кимдан маҳрум қилди?» – деган эди, мен «фарзандлардан» дедим. «Мени исмимни айтиб чақиришга нима мажбур қилди», деган эди, мен: Мен Аллоҳни ҳам исми билан чақириб, «эй Аллоҳ, эй Раҳмон», дейман-у, сизни исмингиз билан чақиришимдан мени нима қайтарсин. Дарҳақиқат, Аллоҳ ўзининг китобида энг яхши кўрган бандасини Муҳаммад деб исмлади, энг ёмон кўрган бандасига эса Абу Лаҳаб деб лақаб берди дедим. Шунда у бу кишини чиқариб юборинг деб буйруқ қилди. (Вафийётул аъён 2/470).

### **Мунзир ибн Саид билан халифа Носир ўртасида:**

Тахаллуси Аллоҳнинг динига нусрат берувчи бўлган халифа Абдурраҳмон Заҳродаги иморатни қуришга иштиёқ билан киришди. Уни қуриш ва безаш учун давлат молидан катта харажат ажратди. Аслида у ҳашаматли саройлар мажмуасидан бошқа нарса эмас эди. Халифа уни қуриш ва безаш ишларига ўзи бош қош бўлгани учун бир марта жума намозидан ҳам қолди. Мунзир ибн Саид эса жума хутбаси ва қозиликка масъул эди. Мунзир ибн Саид Аллоҳ уламоларга фарз қилган нарсада бепарволик қилиш оқибатидан қутилиш мақсадида Халифа Носирга Заҳро шаҳридаги исрофгарчиликлари ва сарф харажатларига кўра муҳосаба қилишга қарор қилди. Шунингдек, муҳосабани Заҳро масжидидаги одамлар ҳузурда қилишни хоҳлади. Жума куни келгач, минбарга кўтарилди, масжид тўла одам бўлиб, улар орасида халифа Носир ҳам бор эди. У хутбани бошлар экан, Аллоҳ Таолонинг ушбу оятини тиловат қилди:

﴿أَتَبْنُونَ بِكُلِّ رِيعٍ ءَايَةَ تَعْبَثُونَ ۚ ۱۲۸ وَتَتَّخِذُونَ مَصَانِعَ لَعَلَّكُمْ تَخْلُدُونَ ۗ ۱۲۹ وَإِذَا بَطَشْتُمْ بَطْشَتُمْ جَبَّارِينَ ۚ ۱۳۰ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا ۚ ۱۳۱ وَاتَّقُوا الَّذِي أَمَدَّكُمْ بِمَا تَعْلَمُونَ ۚ ۱۳۲ أَمَدَّكُمْ بِأَنْعَمٍ وَبَيْنَ ۱۳۳ وَجَنَّتِ وَعُيُونِ ۚ ۱۳۴ إِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ

عَظِيمٍ﴾

*«128. Сизлар ҳар бир тепаликка ўйин-кулги учун бир белги-баланд бино қураверасизларми?! 129. Ва гўё мангу яшаб қоладигандек қаср-саройлар соласизлар?! 130. Қачон (бирон кишини жазолаш учун) ушласангизлар, бераҳмларча ушлайсизлар?! 131. Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! 132. Ва сизларни ўзларингиз биладиган неъматлар билан қўллаган-сийлаган зотдан (Аллоҳдан) кўрқингиз! 133-134. У сизларни чорва ҳайвонлари ва ўгиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку! 135. Албатта мен сизларнинг устингизга улуг куннинг-Қиёматнинг азоби тушишидан кўрқурман»»* [Шуаро 128-135]

Сўнг у қурилишдаги исрофгарчиликни каттиқ сўзлар билан қоралади. Кейин Аллоҳ Таолонинг ушбу

﴿أَفَمَنْ أَسَّسَ بُنْيَانَهُ عَلَى تَقْوَىٰ مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانٍ خَيْرٍ أَمْ مَنْ أَسَّسَ بُنْيَانَهُ عَلَىٰ شَفَا جُرْفٍ هَارٍ فَأَنْهَارُ بِهِ فِي نَارٍ جَهَنَّمَ ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾

*«Бас, бу биноларини Аллоҳдан кўрқиб ва Унинг ризолиги асосига қурган киши яхшироқми ёки биноларига емирилаётган жар ёқасини асос қилиб олиб, шу сабабли ўзи ҳам жаҳаннам ўтига қулаган кимсами?! Аллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас»* [Тавба 109]

оятини ўқиди.

У ўша ерда ҳозир бўлган барча одамларни эслаб, бош эгмагунларича уларни кўрқитиш, огоҳлантириш ва муҳосаба қилишда давом этди. Бундан энг кўп улушни халифа Носир олди. Дарҳақиқат бу гаплар ўзига қарши айтилаётганини у тушунди ва йиғлади, исрофгарчилигидан пушаймон бўлди. Лекин эшитган оғир гапларни ва очиқ муҳосабани юраги кўтаролмади ҳамда шунинг учун ўгли Ҳакамга шикоят қилиб «имом ўз хутбасида фақат мени қасд қилди ва мени ҳаддан ташқари танқид қилиб, сўкди» деди... Имомнинг гапларини эслгани сари ғазабланаверди ва бунинг учун уни жазоламоқчи бўлди!! Яъни унинг ортида жума намози ўқимасликка қасам ичди, жума намозини Қуртуба масжиди

хатиби Аҳмад ибн Муторриф орқасида ўқийдиган бўлди. Ўғли Ҳакам отасининг Заҳро қасрига ва у ерда намоз ўқишга боғланиб қолганини кўргач, отасига «агар ёмон кўрсангиз, Мунзирни намоздан четлатишдан сизни нима тўсяпти?» деди. Лекин халифа Носир ўғлига танбеҳ бериб, бундай деди: «Илм, фазл ва яхшиликда тенги йўқ Мунзир ибн Саид рушду хидоятдан тойган ва адолат томон юрмаган нафсни рози қилиш учун четлаштириладими? Бундай бўлмайди. Мен Мунзирдек тақво ва ростўйликда шафоатчи инсонни жума намозидаги имомликдан олиб ташлашдан Аллоҳдан уяламан. Лекин у мени хижолат қилган эди, унинг ортида жума намози ўқимасликка қасам ичиб қўйдим, қани энди қасамимдан чиқиб, молим билан каффорат беришга йўл топсам эди. Мунзир ўзининг ҳаётида ва бизнинг ҳаётимизда одамларга намоз ўқиб беришда давом этади, инша Аллоҳ. Мен ундан абадий хафа бўламан деб ўйламайман». Заҳро қурилишидаги исрофгарчиликлар устида шайх Мунзир ибн Саид халифа Абдурахмонни муҳосаба қилиши натижасида иккиси ўртасида бўшлиқ кучайгач, унинг ўғли Ҳакам улар ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этмоқчи бўлиб, халифа олдида шайхдан узр сўради.

Ҳакам бундай деди: «Эй мўминлар амири, у солиҳ кишилардан ва у фақат яхшиликни хоҳлаган эди. Агар сиз нима сарфлаганингизни ва у бинони обод қилганингизни кўрганида сизни оқлаган бўлур эди. (Бу ерда бино дейилганда Носир томонидан Заҳро шаҳрида кошинлари кумушдан, бир қисми олтин билан қопланган ва шифтига кишини кўзларни камаштирувчи оч сариқ ва оппоқ рангли заррин қопланган гумбаз тушунилади). Ўғли бундай дегач, кўрпача тўшашларини буюриб, ўз давлати аъёнлари билан бирга ўтирди. Сўнгра яқинлари ва вазирларига: «Мендан олдин бирорта подшоҳнинг мендек ишни қилганини кўрганмисиз ёки эшитганмисиз?!», деди. Шунда улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ асло, эй мўминлар амири, бу ишда сиз яғонасиз дейишди». Улар шундай ҳолатда туришганида Мунзир ибн Саид бошини эгиб кириб келди. У мажлисга келиб қўшилгач, халифа унга ҳам ўз яқинларига айтган гапни айтди. Лекин бу аҳволни кўрган Мунзирнинг кўз ёшлари оқиб соқолини ҳўл қилди... ва бундай деди: «Аллоҳга қасамки, эй мўминлар амири, шайтон сизга нисбатан бу даражага етади деб ўйламаган эдим. Шунингдек, шайтон сизни жиловлаб олади, Аллоҳ сизга мусулмонлар олдида берган фазилати даражасидан кофирлар даражасига тушириб юборади, деб ўйламаган эдим». Халифа унинг гапларидан титраб

кетди ва унга «оғзингга қараб гапир, нега Аллоҳ мени кофирлар даражасига туширар экан?!» деди.

Шунда Мунзир: Ҳа, лекин Аллоҳ Таоло:

﴿وَلَوْلَا أَن يَكُونَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً لَجَعَلْنَا لِمَن يَكْفُرُ بِالرَّحْمَنِ لِيُؤْتِيَهُم مِّنْ فَضْلَةٍ وَمَعَارِجَ عَلَيْهَا يَظْهَرُونَ﴾

*«Агар (имонсиз кимсаларнинг бой-бадавлат, тўкин-сочинликда яшаётганларини кўришиб, барча) одамлар бир миллат (яъни кофир) бўлиб олишлари бўлмаганида эди, албатта Биз Раҳмонга (яъни Бизга) кофир бўладиган кимсалар учун уйларининг шифтларини ҳам, унга чиқадиған нарвонларни ҳам қумушдан қилиб қўйган бўлур эдик»* [Зухруф 33]

дейди.

Буни эшитган халифа изза бўлиб, бошини чуқур эгди, кўзининг ёшлари эса соқолига оқиб тушди. Сўнг Мунзирга қараб, «Аллоҳ сизни дин учун яхшилик билан мукофотласин, сизнинг гапларингиз ҳақиқат», деди. Кейин мажлисдан чиқиб гумбазнинг шифтини бузиб юборишга буюрди. Қубба амири уни бошқача тарзда лойдан ясаттирди. (Бу иборалар Устоз Абдулҳамид Ибодийнинг *Азҳар* журнали, 1371 йил рамазон ойи сони, халифа билан қози ўртасида номли мақоласида келган. «Ал-Ислам байнал улама вал ҳуккам» китобининг 93-саҳифасига мурожаат қилишингиз мумкин).

**Абдулқодир Кайлоний билан Муқтафи ўртасида:**

Шайх Абдулқодир Кайлоний минбарда туриб халифа Муқтафи Лиамриллахни муҳосаба қилди. Унга «Мазоҳим ўғли золим», дея танилган Яҳё ибн Саидни қози этиб тайинлаганига эътироз билдирди. Шайх халифага «мусулмонлар устидан золимлар золимини раҳбар қилдингиз, эртага раҳмлилар раҳмлисининг ҳузурида бунга қандай жавоб берасиз», деди. Халифа сесканиб, ўша кимсани ўша заҳоти ишдан олди. □

| ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ  | قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾<br>«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир» | ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ |
|--|--|-----------------------------------|
| <b>Австралиялик кўшиқчи қиз Саудиядаги концерти чоғида Аллоҳнинг зоти-сифатига журъат қилди</b>  |  |                                   |
| <p>Австралиялик репер ва порно кўшиқчи, раққоса Игги Азалия Риёзда берган концертида қаттиқ ғазаб тўлқинини келтириб чиқарди. Кўшиқлар концертини ўтказиши учун Саудия режими томонидан олиб келинган Азалия саҳнага ҳаёсиз кийимда чиқиб, Ислом дини таълимотларига зид кўшиқ куйлади ва Аллоҳнинг зоти-сифатларини таҳқирловчи, мусулмонларнинг туйғуларини қўзғовчи сўзларни айтишга журъат қилди... Хонанда «Gamers Season» тадбирларининг саккизинчи ҳафтаси доирасида Риёздаги «Boulevard City» худудида бўлиб ўтган айни концертида саҳнага ҳаёсиз кўринишда чиқиб, шимини йиртиб ташлаш билан кенг баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Саҳнада шимини йиртиши ортидан ижтимоий тармоқларда айни хатти-ҳаракатига қаршилиқ аланга олиши ва блогерлар томонидан қаттиқ ҳужумларга учраши ортидан Саудия режими Азалиянинг Риёздаги тадбирларини давом эттиришини ман қилди ва режалаштирилган вақтдан илгари тўхтатди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Мусулмонларнинг бу ғазаб ва ҳужумлари Саудия режимига қаратилиши керак. Чунки Аллоҳ қиёмат кунигача нобакор кофирлар ифлослигидан пок сақланишини истаган ушбу энг муқаддас тупроқда Азалия ва ундан ҳам ёмонларнинг динимиз ҳурматини оёқ ости қилишларига айнан мана шу Саудлар режими йўл қўйишмоқда.</p> |  |                                   |
| <b>Ассошйетед Пресс: тез вақт ичида Амирликларда қимор ўйини бошланажagini таъкидламоқда</b>   |  |                                   |
| <p>Бирлашган Араб Амирликлари «тижорат ўйинлари», дея таърифлаган миллий лотерея ўйинларини бошқариш учун махсус федерал комиссия тузилганини билдирди. Ассошйетед Пресс ахборот агентлигига кўра, бу шуни англатадики, Амирликлар қимор ўйинларига рухсат бериш арафасида турибди ва эртага йирик казино операторлари Форс кўрфази мамлакатларига оқиб келиши кутилмоқда. Амирликлар расмий ахборот агентлиги «WAM» ушбу федерал комиссия тузилгани тўғрисида яқшанба куни кечқурун эълон нашр қилди ҳамда унга Кевин Маллалли ижрочи директор этиб тайинланди. Бу кимса илгари АҚШнинг Миссурия штатида казино ўйинларини бошқариш комиссиясининг ижрочи директори бўлиб ишлаган. Амирликлар ҳокимлиги комиссиянинг бошқарув кенгаши раиси қилиб Жим Моренни</p>   |  |                                   |

|                                   |  |                                   |
|-----------------------------------|--|-----------------------------------|
| ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ | قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾<br>«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир» | ОЛАМ<br>МУСУЛМОНЛАРИ<br>ХАБАРЛАРИ |
|-----------------------------------|--|-----------------------------------|

тайинлади. Жим Морен илгари казиноларни идора қилувчи «MGM Resorts International» компаниясида бошқарув раиси ва ижрочи директор бўлиб ишлаган. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг таъкидлашича, пул топишда ва туризм секторини ривожлантиришда казиноларга эътибор бериш анчадан бери Амирликларда, айниқса Дубайда авж олган. 2022 йилда Амирликлар мамлакат шимолида жойлашган Роъсул Хайма шаҳрида «интеграциялашган комплекс» бунёд этиш учун қароргоҳи Лас-Вегасда бўлган «Wynn Resorts» козино корпорацияси билан миллиардлаб долларлик лойиҳа имзолаганини эълон қилди. «Интеграциялашган комплекс» бир истилоҳ бўлиб, казино ва бошқа қулайликларни ўз ичига олган меҳмонхона тушунилади. Харажати 3,9 миллиард долларга баҳоланаётган ушбу лойиҳа 2027 йил очилиши белгиланган.

**Ал-Ваъй:** Аллоҳ ҳар қандай нопокликдан мусаффо бўлишини истаган ушбу орол заминини у ердаги ҳукмдорлар ҳаёсизлик, фаҳш-фужур ва барча ифлос ишлар маконига айлантиришмоқчи. Бас, шундай бўлгач, Форс кўрфази аҳли ҳукмдорларга сукут қилишаётгани ва ўзгартиришга ҳаракат қилишмаётгани сабабли қиёмат куни ҳукмдорлар дохил бўлажак жазога дохил бўлмасликлари учун бундай ҳукмдорларга яқун ясашдек ўз бурчларини адо этмоқлари лозим.

**Рус генерали: Америка тўртта араб давлатида биологик тадқиқотлар олиб бормоқда**

Россия Қурулли кучларидаги радиациявий, кимёвий ва биологик мудофаа кучлари раҳбари Крилов Қўшма Штатларни биологик дастурлар фаоллигини кенгайтиришни ўз ҳудудидан ташқарида, дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, тўрт араб мамлакатаида амалга ошираётганликда айблади. Криловга кўра, АҚШ нодавлат ва ноижорат ташкилотларни айни дастурларда иштирок этишга жалб қилиш учун 40 миллион доллар ажратган. Бундан ташқари, ўзининг малайларини ва тадқиқотдан кўзланган мақсадларини яшириш учун хорижий ҳамкорлардан ёрдам сўраш истаги ҳам мавжуд. Россия Мудофаа вазирлигининг расмий сайтида нашр қилинган баённомада таъкидланишича, Қўшма Штатлар Ироқ, Яман, Иордания, Индонезия, Филиппин, Кения, Марокаш ва Уганда давлатларида биологик тадқиқотлар ўтказишга алоҳида катта аҳамият бермоқда... Оқ уй пандемияга тайёргарликни ошириш учун махсус идора ташкил қилган ҳамда

| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ  | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ»<br>«Муслмон муслмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|--|--|-----------------------------|
| <p>глобал фавкулудда вазият келтириб чиқариши мумкин бўлган патогенларга эътибор қаратмоқда. Баённомада Қўшма Штатларнинг дунёдаги биологик вазият устидан ўз назоратини ўрнатиш учун маъмурий, молиявий ва дипломатик ҳаракатларни амалга ошираётгани айтилди. Крилов Американинг айти тадқиқотлар бўйича бошбошдоқлиги ҳақида гапирар экан, «АҚШ маъмурияти дунё бўйлаб биологик лабораториялар сонини аниқ билмайди», деди. Унга кўра, 2023 йил март ойида Калифорния штатидаги Ридли шахрида ер ости лабораторияси фош этилган. Ушбу ташландиқ-пана майдон остида касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар бўйича тадқиқот ўтказилганлиги ва у ерда 30га яқин музлаткич ва музлатувчи аппаратлар ҳамда микроорганизмни етиштиришга мўлжалланган ускуналар топилган. Кириловнинг маълум қилишича, махфий лабораторияда минглаб генетик модификацияланган синов ҳайвонлари ва 800га яқин биологик материаллар намуналари топилган. Тергов-суриштирувлар натижасида биологик хавфсизликнинг асосий қондалари жиддий равишда бузилганлиги аниқланган. Аммо лабораториянинг ҳақиқий эгаси топилмади, унинг қандай мақсадларда фаолият олиб борганлиги ҳам аниқланмади, деди Кирилов. Россиялик генералнинг қўшимча қилишича, дунё бўйлаб тарқалган бундай биологик махсус лабораториялар ва уларнинг фаолиятлари айниқса, лаборатория жойлашган минтақалар аҳолиси учун доимий биологик таҳдид манбаи ҳисобланади, жумладан, Украина ҳам ана шундай минтақалардан биридир.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Инсоният учун энг катта хавф Америкадир, унга дунё давлатлари ва Кириловнинг давлати ҳам шерик. Олам ўзгаришга жуда муҳтож. Уни ҳимоя қиладиган, ҳалокатига йўл қўймайдиган, ўлдириш ўрнига жон бахш этадиган таълимотлар керак. Бу эса, бугунги кунда фақат Исломда бор.</p> |  |                             |
| <p align="center"><b>Индонезия билан Тель-Авив ўртасида муносабатларни нормалантиришга қаратилган яширин алоқалар</b></p>  |  |                             |
| <p>«Едиот ахронот» газетасининг таъкидлашича, босқинчи давлат Америка кўмагида Индонезиядаги томонлар билан икки давлат ўртасида муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган «махфий алоқалар» олиб бормоқда. «Исроиллик» доираларнинг таъкидлашича, Индонезия Тель-Авив билан муносабатларни Саудиядан олдин нормаллаштиришни истамаяпти. Шунинг учун америкалик расмийлар Жакартани бунга кўндиришга парда</p>  |  |                             |

ортидан ҳаракат қилишяпти, дейилади газетада. Келаси йилнинг феврал ойида Индонезияда президент, вице-президент ва парламент сайловлари бўлиб ўтади. Газетага кўра, ушбу сайловлар Тель-Авив билан муносабатларни нормаллаштириш хусусида ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлади. Ҳозирда босқинчи давлат Индонезия билан муносабатларни расман нормаллаштираётгани йўқ. Бироқ газета Индонезияда алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ томонлар билан бевосита алоқа қиладиган каналлар мавжудлигини таъкидлади. Икки томон ўртасида савдо, туризм ва «хавфсизликка оид ҳамкорлик» алоқалари ҳам мавжуд. Газетанинг ёзишича, Индонезия Тель-Авив билан Саудиядан олдин муносабатларни нормаллаштириши ёки унинг изидан боришни афзал кўриши хусусида Индонезияда келишмовчиликлар мавжуд. Шунингдек, муносабатларни илиқлаштириш учун дастлабки қадамларга умид қилаётганлар бор. Бу ёқда «исроиллик» расмийлар ҳам айна масалага шубҳа билан қарашади ҳамда индонезияликлар бунга ҳақиқатдан тайёр эмаслар, деб билишади. Уларнинг таъкидлашларича, сўнгги ойларда Индонезия ўз тупроқларига «исроиллик» спортчиларнинг киришига рухсат бермаган ва бу унинг кўплаб халқаро турнирларга мезбонлик қилмаслигига сабаб бўлган. Газета юқори мартабали «исроиллик» бир расмийнинг «Индонезия» норозилик намойишларидан кўрқяпти, шунинг учун Саудияни кутаётгани мантиқлидир, деган гапидан иқтибос келтирди. У «Исроил»даги ҳозирги ҳукумат даврида Индонезияни Тель-Авив билан нормаллашув қадамини ташлашга ундаши осон бўлмайди, деди.

**Ал-Ваъй:** давлатлар режимлари яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришга шошилишяпти, халқлар эса буни покиза Қуддуси Шарифга нисбатан ҳақорат, деб билмоқдалар. Биз ростгўй ва ростгўйлиги рост Муҳаммад ﷺнинг «Яҳудийлар сизларга қарши жанг қилишади, сизлар уларни йўқ қиласизлар», деган сўзларини айтамыз. □

## ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا  
وَالرَّبَّانِيُّونَ وَالْأَحْبَارُ بِمَا اسْتُحْفِظُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ وَكَانُوا عَلَيْهِ شُهَدَاءَ فَلَا تَخْشَوُا النَّاسَ  
وَأَخْشَوْنَ وَلَا تَتَّبِعُوا بِآيَاتِي ثَمَنًا قَلِيلًا وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ  
﴿۝﴾ وَكَتَبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا أَنْ النَّفْسَ بِالنَّفْسِ وَالْعَيْنَ بِالْعَيْنِ وَالْأَنْفَ بِالْأَنْفِ وَالْأُذُنَ بِالْأُذُنِ  
وَالسِّنَّ بِالسِّنِّ وَالْجُرُوحَ قِصَاصٌ فَمَنْ تَصَدَّقَ بِهِ فَهُوَ كَفَّارَةٌ لَهُ وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ  
اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

*«Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз. Аллоҳга бўйсунувчи бўлган пайгамбарлар, раббоний кишилар (илоҳий билим эгалари) ва донишмандлар ўзларига Аллоҳнинг китоби омонат қўйилгани сабабли яҳудийларга у (яъни Таврот аҳкомлари) билан ҳукм қиладилар. Улар бу китоб устида гувоҳдирлар. Бас, (эй яҳудий уламолар), одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз ва Менинг оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштирмангиз! Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир. Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва (яна бошқа барча) жароҳатларга ҳам қасос олинади, деб ёзиб қўйдик. Энди ким уни (яъни қасосни) кечиб юборса, ўзи учун каффорат (яъни гуноҳларни ўчириб юборувчи) бўлур. Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир»* [Моида 44-45]

Шайх Муҳаммад Мутавалли Шаъровий бундай хотирлайди:

Ҳидоят ғояга олиб борадиган йўлдир. Йўлда эса тунлар ва кунлар ўтади. Тун зулматли бўлиб, йўловчи турли тўсиқларга дуч келади. Баъзида йўловчи тўғри йўлда, бошқача айтганда йўлнинг ўртасида юрмай, чуқурчаларга тушиши ёки тошларга тўқнашиши мумкин. Ҳақ Таоло ушбу оятда Мен сизлар учун йўлни ёритиб бердим ва сиз ҳеч нарса билан тўқнашмаслигингиз ёки тошларга дуч келмаслигингиз учун уни ёритиб бердим, демоқда. Бу нарса барча элчилар олиб келган манҳажда ифодаланган. Ўтмишда дунё

бир нечага бўлинган бўлиб, тарқоқ гуруҳлар ҳолатида эди. Транспорт йўқ, ҳар бир гуруҳ якка ва ярим мустақил ҳаёт кечирарди. Агар бир жойда қандайдир касаллик-иллатлар пайдо бўлса, ўша жойнинг ўзига чекланиб-қамалиб қолган. Аллоҳнинг бир элчиси бирор касаллик-иллатни муолажа қилиш учун келган бўлса, иккинчиси бутларга сиғиниш касаллигини муолажа қилиш учун келган. Яна бири тарози ва мезон масаласини муолажа қилиш учун ва бошқаси яҳудийлардаги никоҳ ҳаётини тартибга солувчи масалаларни муолажа қилиш учун келган. Ушбу иллатлар томонлар турли бўлишига қараб турлича бўлган. Ҳақ Таоло одамлар ўзаро бир-бирлари билан учрашсин деб, машаққатларни кетказадиган ва масофаларни яқинлаштирадиган нарсаларни ихтиро қилишлари учун уларга Ўз коинотининг сир-асрорларидан боҳабар қилишни истагач ва бунинг натижасида халқлар бир-бирлари билан учрашишни бошлагач, иллатлар ўртасида ҳам бўлиниш тўхтаб, Шарқда пайдо бўлган иллат Ғарбга кўча бошлади. Гўё иллатлар ҳам бирлашаётгандек.

Демак, барча иллатларни ҳал қилиш учун кенг қамровли ечимга эга пайғамбар лозим. Шу сабабдан Росулulloҳ ﷺ кенг қамровли ечим билан ҳаром ишлардан ман қилувчи ҳолатда келди. Энди, Ҳақ Таоло

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا﴾

*(Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз),* деяптими, демак инжилда ҳам ҳидоят ва нур бор деганидир. Лекин ҳар қандай китобдаги ҳидоят ва нур алоҳида муҳитда пайдо бўлган иллатларни муолажа қилиш учундир. Масалан Саййидимиз Иброҳим ﷺ саййидимиз Лут ﷺ билан бир даврда яшаган. Саййидимиз Мусо ﷺ эса Шуайб ﷺ билан бир даврда яшаган. Пайғамбарлар баъзида замондош бўлсаларда, лекин уларнинг ҳар бири муайян иллатни муолажа қилган. Шундай қилиб, рисолатлар замон ва маконга чекланган ҳолда келган. Аммо Муҳаммад ﷺ га эса, Аллоҳ Таоло ул зотни барча инсонлар учун юборди, зеро қиёмат ҳам ул зотнинг манҳажи бор замонда бўлади. Шунинг учун ер юзи энди бошқа пайғамбарга муҳтож эмас. Шунингдек, Муҳаммад ﷺ сўнгги элчи бўлиши мантикий иш бўлиб қолди.

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا﴾

*(Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз. Аллоҳга бўйсунувчи бўлган*

**пайғамбарлар у (яъни Таврот аҳкомлари) билан ҳукм қиладилар»).** Нима учун Аллоҳ Таоло бу ерда анбиёларнинг бўйсунуши-исломини келтириб ўтди? Бунинг жавоби шуки, Аллоҳ Таоло Исломни улуғлаш учун пайғамбарларнинг исломи ҳақида айтиб ўтди. Чунки Ислом ҳар бир пайғамбар манҳажининг моҳиятидир. Ҳақ Таоло ўз каломида пайғамбарларни **الَّذِينَ اسْلَمُوا** бўйсунган (яъни Исломдаги) деб сифатлар экан, ўз тизгинини Аллоҳга топширган пайғамбарларни келтириш билан Исломни улуғлашни истади. Зеро, барча пайғамбарлар Исломда асл яхшиликни топганлар. Пайғамбарларнинг исломи том маънодаги Исломдир. Бошқача айтганда, у Аллоҳнинг буйруқларига итоат қилишдир. Қайсики пайғамбар даъвати туфайли унга ёмонлик келиши, ёки кимдир уни қувғин қилиши ёки кимдир уни хафа қилиши тўғрисида фикрласа у ўз ишини Аллоҳга топширади. Чунки улардан ҳар бири фақат ҳақиқатни айтади ва кейин нима бўлишига аҳамият бермайди.

﴿يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ اسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا﴾

**(Аллоҳга бўйсунувчи бўлган пайғамбарлар у (яъни Таврот аҳкомлари) билан ҳукм қиладилар»).** Ҳа, улар Таврот билан яҳудийлар орасида ҳукм қиладилар. Шунингдек, у билан раббоний кишилар ва аҳбор-донишмандлар ҳам ҳукм юритадилар. Раббоний деганда Робга нисбатан олинган. Бошқача айтганда ҳар бир иши Аллоҳга мансуб деганидир. Аҳборлар эса илм қозони бўлган уламолардир. Лекин улар бу ишни бажо келтиряптими ёки йўқми бу бошқа нарса. Тўғри, ҳар бир олим илм қозонидир, лекин у баъзида ўз илмидан фойдаланса, баъзида фойдаланмайди. Аммо унинг илми ундан фойдаланадиган одамга ўтади. Шунинг учун уламолардан бири бундай деган эди:

Менинг илмимни олинг, лекин амалимга суянманг. Меваларни тераверинг, новдасини ўтга ташланг.

Шунинг учун бу олим бизга ундай-бундай деяпти-ю, лекин ўзининг айтганларига тескари иш қиляпти, деманг. Сиз илмининг мевасини олинг-да, новдасини ёқиб юборинг. Лекин олим киши охиратда азобланмаслиги ва Аллоҳ Таолонинг қуйидаги каломи остига тушиб қолмаслиги учун айтганига амал қилиши лозим.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿۱﴾ كَبُرَ مَقْتًا عِنْدَ اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا

تَفْعَلُونَ﴾

«Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз деб) айтурсизлар. Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)» [Соф 2-3]

﴿وَالرَّابِّئِينَوْنَ وَالْأَحْبَابُ بِمَا اسْتُحْفِظُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ﴾

*(Раббоний кишилар ва донишмандлар ўзларига Аллоҳнинг китоби омонат қўйилгани сабабли (Таврот аҳкомлари билан ҳукм қиладилар)).*

Биз билдикки, Тавротда ҳидоят ва нур бор бўлиб, у билан пайғамбарлар, раббоний кишилар ва донишмандлар ҳукм чиқарадилар. Яъни улар Аллоҳ ва пайғамбарлари улардан сақлашни талаб қилган восита (Таврот) билан ҳукм чиқарадилар. Ҳақ Таоло бу ерда (أَسْتُحْفِظُوا) *омонат қўйилган* деди, (حَفْظُوا) сақлашди) демади ва шу орқали Қуръондан олдинги китоблар билан Қуръон ўртасидаги фарқни бизга баён қилди. Чунки ҳар бир элчи ўзининг Аллоҳ томонидан етказишда содиқ эканлигига далолат қилувчи бир мўъжиза келтирганлиги бизга маълум. Муҳаммад ﷺ дан олдинги элчиларнинг келтирган мўъжизалари уларнинг манҳажидан алоҳидадир. Масалан саййидимиз Мусо ﷺ нинг мўъжизаси асо ва денгизни ёриш бўлса, унинг манҳажини Тавротдир. Саййидимиз Исо ﷺ нинг мўъжизаси кўр ва моховларни даволаш бўлса, манҳажини Инжил бўлган. Аммо саййидимиз Муҳаммад ﷺ нинг мўъжизаси манҳажининг айнан ўзи, яъни Қуръондир. Ҳар бир элчи учун мавжуд бўлган тартиб унинг даври ва жамоаси билан боғлиқ бўлиб, тегишли мўъжиза ва тегишли манҳажга муҳтож эди. Лекин Аллоҳ Таоло инсонларнинг барчасига юборган ва пайғамбарларнинг сўнгисини қилган Муҳаммад ﷺ нинг мўъжизаси манҳажини билан бир хил бўлиб қолиши лозим. Шунда ҳар қандай мусулмон то қиёмат кунига қадар Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси, мана унинг мўъжизаси дея олади. Қуръон қиёматгача мўъжиза бўлиб қолади. Чунки Аллоҳ Таоло уни бошқа мўъжиза ва манҳажлардан ўзгача бўлишини хоҳлади. Зеро, олдинги мўъжизалар бир марта ёритадиган гугуртга ўхшар эди. Уни ёниб турган пайтда кўрган одам учун масала ёрқин эди. Аммо уни кўрмаган одам уни тасдиқлай олмайди. У тасдиқлайдиган киши унга хабар бериши билангина тасдиқлаши мумкин.

Дарҳақиқат Аллоҳ Таоло раббоний кишилар ва донишмандларга Тавротни омонат қилиб берди, яъни улардан уни сақлашни талаб қилди. Бу тақлифий буйруқ эди. Тақлифий буйруққа гоҳ итоат

қилинса, гоҳида итоат қилинмайди. Аллоҳ Таоло уларга Таврот ва Инжилни омонат қилиб берди:

﴿فَنَسُوا حَظًّا مِمَّا ذُكِّرُوا بِهِ﴾

**«Улар эса ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан (кўп) ҳиссасини унутиб юборганлар»** [Моида 13]

Манҳаж масаласи унутилди. Чунки улар кўп ҳам уни зеҳнда тутмай қўйишди. Агар иш зеҳнга ўрнашса ва ҳар доим шуурга жойлашса, хотирада қолади. Агар иш зеҳндан узоқ бўлса, унутилади. Ҳақ Таоло улардан манҳажни сақлашларини талаб қилди, лекин пайғамбарлардан ташқариси уни бажармади. Ҳар қандай таклиф масаласи ихтиёр доирасига киради. Шунинг учун раббоний кишилар ва донишмандлар унутдилар, унутмаган нарсаларни эса яширдилар. Сақламасликнинг биринчи босқичи унутишган бўлса, иккинчи босқичи унутмаган нарсаларни яширишди. Учинчи босқич эса яширмаган нарсаларини ўзгартириб, чигаллаштиришди. Улар фақат шу босқичга чекланмадилар, балки ўзларининг сўзларини кўшиб ёзишди. Сўнг бу Аллоҳ ҳузуридан дейишди. Ваҳоланки улар Аллоҳ ҳузуридан эмас эди.

﴿فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ يَكْتُمُونَ الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ﴾

**«Ўз қўллари билан китоб ёзиб, сўнгра озгина қийматга сотиш учун: «Бу китоб Аллоҳ ҳузуридан келди», дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлгай»** [Бақара 79]

Шундай қилиб, улар сақламадилар. Шунинг учун Аллоҳ Таоло Қуръонни таклифий йўл билан сақлашни буюрмади. Чунки Аллоҳ Таоло инсониятни олдин ҳам синовдан ўтказгани сабабли Қуръонни мўъжиза бўлиб қолишини хоҳлади. Шунинг учун Аллоҳ Қуръонни сақлашни бандаларга юкламай, уни сақлашга ўзи кафил бўлди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

**«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз»** [Ҳижр 9]

Ушбу нусуснинг ҳаққонийлиги шундаки, баъзи мусулмонлар Ислом манҳажини ва Қуръон манҳажидан воз кечишда ҳаддан ошди. Бироқ ажабланарли жойи шундаки, улар амалда Ислом манҳажидан қанчалик узоқлашсалар Қуръонни амалда сақлаб қолмоқдалар. Мусулмонлар Қуръонни турли рангдаги китобларда ва турли катта-кичик ҳажмларда ёзмоқдалар. Масалан, аёллар бўйнига тақиб оладиган тақинчоқ ва қўлга тақиб оладиган

билакузук ҳажмидаги Қуръон бор... Ҳатто кофирларнинг ўзлари битта вараққа Қуръоннинг ҳаммасини ёзиш йўлини ўйлаб топишган. Чунки Аллоҳ Таоло мусулмон бўлмаганларни ҳам Қуръонни сақлашга бўйсундириб қўйган ва бу Аллоҳнинг хоҳишидир. Биз ҳар куни Ислом манҳажидан оғишаётган лекин Қуръонни сақлаш учун пул сарфлаётган инсонларни кўрамиз. Ҳа, биз Қуръонни сақлаш учун минглаб воситалар ишга солинаётганини кўрамиз: Масалан, эркак машинасига ҳам Қуръон қўйиб оляпти, ётоқхонасига ҳам. Аёл ўзи очиқ-сочик, кўкраги кўриниб турган бир аҳволда бўла туриб, тилла тақинчоқ шаклидаги Қуръонни тақиб оляпти. Буларнинг барчаси бизга Қуръонни сақлаш таклифий иш эмас, балки Аллоҳнинг иродаси эканини исботлайди. Агар иш таклифий бўлганида Қуръон унутилиши мумкин эди. Чунки мусулмонлар баъзи ишларида Қуръон манҳажидан узоқлашишди ва бу нарса уларнинг Қуръонни сақлашдан ҳам узоқлашишларини кўрсатади. Лекин иш бунинг акси бўлди. Мусулмонлар манҳаждан узоқлашган эсаларда, лекин Қуръон абадий сақланиб қолди. Ажабланарлиси шундаки, кўпчилик манҳаж борасида чегарадан чиқиб кетган бўлсада, Қуръонга бирор нарса етганини эшитиб қолса, дунёни турғизиб, ўтказади. Шунинг учун Қуръонни сақлаш инсоннинг иши эмас. Балки уни сақлайдиган Аллоҳ Азза ва Жалланинг ишидир. Агар Ислом душманлари томонидан Қуръонга ўзгартириш киритиш ҳаракати содир бўлса, Ислом Уммати бир ёқадан бош чиқариб, унга қарши чиқади. Дарҳақиқат айрим бузғунчилар Қуръонга ундаги бўлмаган нарсани киритмоқчи бўлиб, Фатҳ сурасидаги:

﴿فُحَمَّدٌ رَسُولَ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءَ بَيْنَهُمْ﴾

*«Муҳаммад Аллоҳнинг пайгамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар»* [Фатҳ 29]

оятда صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ деган ерга келганда унга кўшишди, гўё бу билан Росулulloҳни янада кўпроқ улуғламоқчи бўлишди... Лекин мусулмонлар буни билгач, ғалаён кўтариб, ўша Қуръонларни ёқиб юборишди.

﴿فَلَا تَخْشَوُا النَّاسَ وَاخْشَوْنِ﴾

*(Бас, (эй яҳудий уламолар), одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз).* Ушбу оятдаги خَشْيَةَ қўрқиш бу фалончи менга зарар етказа олади деб гумон қилган кишининг ваҳимасидир. Ваҳоланки, фойда етказишга ҳам, зарар етказишга ҳам фақат Аллоҳ кодир.

Шунинг учун инсон Аллоҳдан бошқасидан қўрқиши тўғри эмас. Султон ёки унга яқин одам зарар етказиши мумкин деб ўйлашингиз ҳам дуруст эмас. Ҳар бир инсон Ҳақ Субҳанаҳудангина қўрқиши лозим. Чунки улуғ ва буюк Аллоҳ бизга ўзидан бошқасидан қўрқмасликка буюрган. Агар бирор киши манҳаж-шариат аҳкомларидан бирортасини султон ёки унинг яқинлари ёки унинг дўстларини рози қилиш учун ўзгартирса, бу айни фасоднинг ўзидир. Бало офат ва ёмонликлар мана шундан келади. Баъзида султон буни билмаслиги мумкин, баъзида султоннинг қариндоши – султоннинг хабарисиз – уламолардан баъзи манҳажларни ўзгартиришни талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолатда фақатгина заиф уламолар унга таслим бўлади. Саййидимиз Умар ибн Хаттоб шуни билганидан: Фитна баъзида султон томонидан эмас, балки унинг атрофидагилар томонидан келади, деган эди. Бундай ҳолатда қўрқув Аллоҳдан бошқасидан бўлади. Шунинг учун саййидимиз Умар қариндошлари ва атрофидагиларни тўплаб, уларга «Мен фалон ва фалон буйруқларни чиқармоқчиман, жоним қўлида бўлган зотга қасамки, орангиздан ким бу ишда қарши чиқса, мен унга бериладиган жазони мусулмонлар учун ибрат қиламан» деган. Бу гуноҳлардан фориғ бўлган ҳолда одамларга хизмат қилиш ва ҳукм юритиш услубларидан биридир. Шунинг учун биз ҳокимиятдаги бузилишнинг сабаби

﴿فَلَا تَخْشَوُا النَّاسَ وَآخِشُونَ﴾

**(Бас, (эй яҳудий уламолар), одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз),** деган ҳикматли коиданинг бузилиши оқибатида юзага келаётганини гувоҳи бўляпмиз.

Шундан кейин Ҳақ Таоло

﴿وَلَا تَشْتَرُوا بِآيَاتِي ثَمَنًا قَلِيلًا﴾

**(Менинг оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштирмангиз!),** демоқда. Аллоҳнинг оятларини алмаштириш билан эришилган қиймат манфаати, ҳар қанча муболаға қилинмасин, бу дунёдан ошиб кетмайди. Зеро, дунё – аввалда айтганимиздек – Аллоҳ инсониятни тугатгунича бўлган ўзининг ҳақиқий умри билан ўлчанмайди. Балки ундаги ҳар бир тирик жоннинг умри билан ўлчанади... Модомики Аллоҳнинг оятлари ва аҳкомларини ўзгартириш учун порахўрлик қилаётган хоинлар эришган қиймат уларга шу дунёдагина фойда келтирар ва уларнинг бу дунёдаги умри чекланган экан, уларнинг умри дунё умрига нисбатан жуда қисқа эканлигини унутмасликлари керак...

Ҳар қанча узун умр бўлмасин барибир чекланган. Агар инсон ўз ҳаётини охират ҳаёти билан таққосласа, дунёдаги умрининг ниҳояси борлигини топади. Агар умрини охиратдаги умри бўлган чексиз ҳаётга алмаштира, бу буюк ғалабадир... Демак дунё ҳаёти Аллоҳ тақводорларга ваъда қилган нарсага нисбатан қисқа экан.

Шундан кейин Ҳақ Таоло бундай демоқда:

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

*(Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир).*

Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмасликнинг маъноси нима? Бизга маълумки, Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло борлиқдаги ҳар бир зиддиятли масала учун ҳукм чиқарган. Шунинг учун, эй инсон, агар бирор ишда ҳукм қилмоқчи бўлсанг, унинг моҳиятини ушбу масаланинг тарихидан излашинг керак. Биз ҳамма нарсанинг чўққиси ақида (яъни бор бўлиши зарур бўлган Аллоҳ Таоло) эканини топамиз. Агар У зотни йўқ деб ҳукм қилсанг, бу куфрдир. Агар инсон Аллоҳга ишонса-ю, кейин Аллоҳ нозил қилган аҳкомларга етиб келганда – бундай ҳукм юритиш ақлга тўғри келмайди деса, бу Аллоҳнинг ҳукмини рад қилиш, яъни куфрнинг бир тури бўлади.

Аммо инсон ҳукмга ишонса ва мен Аллоҳнинг ҳукмини тасдиқлайман, лекин бунга кодир эмасман деса, бу куфр бўладими ёки зулми? Бунинг жавоби шуки, бу куфр бўлмайди. Агар ҳукм икки киши ўртасида чиқарилган ҳукм бўлса, бу зулм бўлади. Агар ўзи билан бошқа инсон ўртасида чиқарган ҳукм бўлса, фосиқлик бўлади. Чунки у, худди хурмо пўстлоғидан ажралиб чиққани каби, Аллоҳнинг ҳукми доирасидан чиққан бўлади. Зеро, фосиқ таклиф-вазифалар уни ўраб турибди-ю, лекин у худди хурмо пўстлоқни ёриб чиққанидек ўша ўраб турган доирани ёриб чиққан кишидир. Зотан, хурмо ўз пўстлоғидан ажралиб қолса айниши муқаррар. Шундай экан, сиз Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

*«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир»* [Моида 44]

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

*«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир»* [Моида 45]

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفٰسِقُونَ﴾

**«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар фосиқлардир»** [Моида 47]

деган оятларини эшитганингизда, Аллоҳнинг аҳкомларини эслаб, ўзингизни назорат қилишга ҳаракат қилинг.

Баъзилар бу яҳудийлар учун айтилган, чунки Ҳақ Таоло:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ﴾

**«Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз»** [Моида 44]

деяпти дейдилар. Баъзилар иккинчи оят Инжил билан ҳукм қилмаган насронийларга нозил бўлган дейдилар. Лекин биз бу сўзларга раддия сифатида бундай деймиз: Наҳотки, бу ҳол Исломдан олдинги динларда бўлгану, аммо Исломда мавжуд бўлмаган бўлса?! Бу на ақлга тўғри келади ва на мантиққа. Чунки бу оятлар бошқарув борасида умумий ҳолда нозил бўлган. Агар инсон чўкки яъни ақида масаласида ноҳақ ҳукм чиқарса, бу куфрдир. Агар инсон ҳукмни келиб чиқиши, яъни Ҳақ Таоло томонидан келаётганлиги жиҳатидан инкор қилса, бу ҳам куфрнинг бир тури. Агар инсон Аллоҳга ишонган ҳолда масалага ҳам ишонса, лекин нафси ғолиб келса, бу фосиқликдир. Агар инсон икки киши ўртасида ҳукм қилса-ю, лекин Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа томонга мойил бўлса, бу зулмдир.

Демак (*الكُفْرُونَ* **кофирлардир**), (*الظَّالِمُونَ* **золимлардир**) ва (*الْفٰسِقُونَ* **фосиқлардир**) бу ерда ҳукм остига тушаётганларнинг ҳолати турли бўлгани учун, лафзлар ҳам турлича келмоқда. Ҳеч ким айтмасинки, бу оят фалон гуруҳга нозил бўлди, буниси бошқа гуруҳга нозил бўлди, учинчи оят учинчи гуруҳга нозил бўлди деб. Чунки улар умумий таклиф борасидаги ом аҳкомлардир. Ҳақ Таоло ҳар бир ҳукмнинг бошланишида (*وَمَنْ*) яъни (кимда-ким) калимасини такрорламоқда. Биз биламизки *من* калимаси омдир. Бунга далил шуки, Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаган киши Аллоҳнинг оятларини арзон баҳога сотиб, Аллоҳнинг ҳукмини рад этган бўлади. Ҳақ Таоло кейинги оятда бундай дейди:

﴿وَكَتَبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا أَنَّ النَّفْسَ بِالنَّفْسِ﴾

**(Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга жонга жон, деб ёзиб қўйдик).** Бу ердаги ҳукмлар жиноятларга ва жиноятларга яраша жазоларга тааллуқлидир. Шу ерда Аллоҳ нозил қилган нарсдан бошқаси билан ҳукм қилиш зулм бўлади. Демак масала маҳкум-ҳукм қилинаётган кишининг ҳолатига қараб турлича бўлади. Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса,

Аллоҳнинг ҳукмини инкор этса ва Аллоҳнинг ҳукми хато деса, кофирдир. Агар иш икки киши ўртасидаги ҳукм бўлса ва Аллоҳ нозил қилгандан бошқаси билан ҳукм қилса золимдир. Аммо ўзига қарши ҳукм бўлса ва бу ҳукмни амалга ошира олмаса, бу фосиқликдир. Ҳар бир сифат ўз ҳукмига мос равишда келган. Шунинг учун бу ерда биринчи оят яҳудийлар учун, иккинчиси насронийлар учун келган деб даъво қилиш, тортишиш ва ихтилофлашиш дуруст эмас. Инсон бирортасига ботилни зийнатлаши тўғри бўлмайди. Чунки Исломда Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилиш амал қилиш вожиб бўлган қатъий буйруқдир.

Ҳақ Таоло шундан кейин

﴿وَكَتَبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا أَنْ لَنْ نَقُصَّ بِالنَّفْسِ بِالنَّفْسِ وَالْعَيْنَ بِالْعَيْنِ وَالْأَنْفَ بِالْأَنْفِ وَالْأُذُنَ بِالْأُذُنِ وَالسِّنَّ بِالسِّنِّ وَالْجُرُوحَ قِصَاصٌ فَمَنْ تَصَدَّقَ بِهِ فَهُوَ كَفَّارَةٌ لَّهُ وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

*(Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва (яна бошқа барча) жароҳатларга ҳам қасос олинади деб ёзиб қўйдик. Энди ким уни (яъни қасосни) кечиб юборса, ўзи учун каффорат (яъни гуноҳларини ўчириб юборувчи) бўлур. Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир),* дейди. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло олдинроқ ҳидоят ва нур деб сифатлаган Тавротда яҳудийларга жонга жон қасос олинади деб айтди. Биз ҳар бир буйруқни ва унга мос ҳодисани қабул қилишимиз керак... Шунинг учун жон учун жон олинади, кўз учун кўз ўйиб олинади. Бу нарса бурун кесиш ва қулоқ узишга ҳам тегишли... Ҳақ Таоло шундан кейин жароҳатлар ҳақида: *( وَالْجُرُوحَ قِصَاصٌ Жароҳатларга ҳам қасос олинади)* деб айтмоқда. Чунки жароҳат тананинг ҳар қайси жойида бўлиши мумкин, қасос ҳам шунга қараб бўлади. (қасос)нинг маъноси айнан ўшандай бўлиш, нарса билан баробар бўлишдир. Яъни *قص الأثر* деганда аввал босилган кадам излари устидан ҳеч адашмасдан кадам ташламоқ, тушунилади.

Дарҳақиқат, жиноят учун ҳақ-ҳуқуқ қонунийлаштирилган. Аллоҳ Субҳанаҳу иймоний интилишлар учун эшикни ёпмай,

﴿فَمَنْ تَصَدَّقَ بِهِ فَهُوَ كَفَّارَةٌ لَّهُ﴾

**(Энди ким уни (яъни қасосни) кечиб юборса, ўзи учун каффорат бўлур)** демоқда. Оятдаги

﴿تَصَدَّقْ﴾

калимасининг маъноси ҳақли бўлмаган кишига бир нарса берди деганидир. У қасосдан воз кечиш билан Аллоҳнинг розилиги йўлида жинойтчига яхшилик қилиши вожиб эмас. Одамларни қонун чиқаришда қийнайдиган нарса шундаки, масалан, улар суд жараёнини талаб қилишади. Аммо жинойт бир соатда содир этилган бўлса, суд органлари томонидан тергов-суриштирув ишлари бир йилдан ортик чўзилиб кетади ва оқибатда жинойтнинг инсон руҳиятидаги хунуклиги эскириб-ўчиб кетади. Шунинг учун ишни қасоскорга қўйиб берилиши керак, чунки унга имкон берсангиз, унинг руҳини биринчи шифо билан қониқтирган бўласиз. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, одамзотнинг қўлига шу ҳукм берилса, у тийилиши мумкин. Чунки иш ўз қўлида бўлиб, қасос олишга қодир бўлса ҳам афв этиш эҳтимолдан холи эмас. Шунда кечирилган жинойтчи бутун умри давомида қасос эгасидан ўз ҳаёти ёки бирон бир аъзоси билан қарздор бўлиб қолади... Қасос-ўч олишлар ўрнига дўстлик юзага келади. Шунинг учун буюк Шорей шариат тузар экан, бизга – сен доимо ўзингни тажовузга учраган деб ўйлама, балки бир марта бўлса ҳам ўзингни тажовузкор деб тасаввур қил... Ахир, бундай ҳолатда, қасоскор сени кечириб юборишини истамайсанми?! – демоқда. Агар ҳукуматлар қасос-интиқомларга барҳам бермоқчи бўлсалар, бас, буюк қонунчиликка мурожаат қилсинлар. Миср мисолида оладиган бўлсак, кимдир ўлдирилса, қасос олинадиган киши қасоскор оилага қўлида ўз кафанини кўтариб боради... У ичкарига қўлида кафани билан кирганда биз қасоскорлар юраги ўч олишдан сокинлашиб-юмшаб қолганини, унинг яшаши учун мурувват кўрсатишаётганини гувоҳи бўламыз.

﴿فَمَنْ تَصَدَّقْ بِهِ ۖ فَهُوَ كَفَّارَةٌ لَّهُ﴾

**(Энди ким уни (яъни қасосни) кечиб юборса, ўзи учун каффорат бўлур).** Бу ерда кечиб юбориш қасоскордандир. (**кечиб юборди**) деган феъл икки нарсага яъни кечувчи ва кечирилувчига муҳтож. Аллоҳ Таоло кечиб юборувчи кишининг гуноҳларини у ўз биродарига қилган саховати миқдорича кечиб юборади. Аллоҳ Таоло бандаларни бир-бирига меҳрибон қилиб қўяди. Шунинг учун бу ерда масала қасоскор томонидан, унинг кечиб юбориш

истагидан келиб чиқади. Ҳақ Таоло оятни қуйидаги каломи билан яқунлади:

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

*«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир»* [Моида 45]

Биз юқорида Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритиш зарурлигини билдик. □

## ДУНЁДАН ОХИРАТНИ АФЗАЛ БИЛИШ

• Зайд ибн Арқам бундай дейди: Биз Абу Бакр Сиддик билан бирга эдик, шунда у ичимлик олиб келишларини буюрди. Унга сув ва асал олиб келишган эди у сувни оғзига яқинлаштиргач, шундай йиғладики, ҳатто асҳоблари ҳам йиғлаб юборди. Сўнгра асҳоблари йиғидан тўхтади, лекин у йиғлашда давом этди. У йиғлайвергач, асҳоблари ундан бунинг сабабини сўрай олмасак керак деган гумонга боришди. Лекин у тўхтаб кўз ёшларини артди. Шунда улар: Эй Расулуллоҳнинг халифаси сизни нима йиғлатди дедилар. У айтдики, мен Расулуллоҳ ﷺ билан бирга эдим, у зот ўзидан бир нарсани даф қилганини кўрдим, лекин у ерда бирортаси йўқ эди. Шунда мен, эй Аллоҳнинг росули ўзингиздан нимани даф қиялпсиз деган эдим, у зот: «Қаршимда дунё гавдаланди, мен унга менга яқинлашма дедим. Кейин у яна қайтиб келиб айтдики, агар сен мендан қутулсанг, сендан кейин ҳеч ким қутула олмайди», деди. Ҳоким Мустадракда ривоят қилган.

• Қатода ибн Нўъмон ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ бундай дейди:

«إِذَا أَحَبَّ اللَّهُ عَبْدًا حَمَاهُ الدُّنْيَا كَمَا يَحْمِي أَحَدُكُمْ مَرِيضَةَ الْمَاءِ»

«Агар Аллоҳ бирор бандасини яхши кўриб қолса, худди сизлардан бирингиз касални сув ичишдан сақлагани каби, уни дунёнинг зарар берадиган нарсаларидан сақлайди».

• Абу Мусо Ашъарий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ бундай дейди:

«مَنْ أَحَبَّ دُنْيَاهُ أَصْرًا بِأَخْرَتِهِ، وَمَنْ أَحَبَّ آخِرَتَهُ أَصْرًا بِدُنْيَاهُ، فَأَتْرَوْا مَا يَبْقَى عَلَى مَا يَفْنَى»

«Ким дунёсини яхши кўрса, охиратига зарар етказди, ким охиратини яхши кўрса дунёсига зарар етказди. Шундай экан, фоний бўлиб кетадиган нарсадан боқий қоладиган нарсани афзал билинглар». Ҳоким Мустадракда ривоят қилган.

• Абдуллоҳ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ бундай дейди:

«مَا لِي وَلِلدُّنْيَا! وَمَا لِلدُّنْيَا وَلِي! وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، مَا مَثَلِي وَمَثَلِ الدُّنْيَا إِلَّا كَرَكَبٍ سَارَ فِي يَوْمٍ صَائِفٍ فَاسْتَطَلَّ تَحْتَ شَجَرَةٍ سَاعَةً مِنْ نَهَارٍ ثُمَّ رَاحَ وَتَرَكَهَا»

«Менинг ҳам дунё билан ишим йўқ, дунёни ҳам мен билан иши йўқ... Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, мен билан бу дунё мисоли ёз қунида йўлга чиққан ва кундузида дарахт остида бир соат дам олган, сўнг яна ўз йўлида давом этиб, у ерни тарк этган улов минган киши кабидир». Ибн Ҳиббон ривояти.

• Шурайх ибн Убайд бундай дейди: Абу Молик Ашъарий вафоти яқинлашгач, бундай деган эди: «Эй ашъарийлар! Ушбуни эшитганлар эшитмаганларга етказиб қўйсин: мен Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганини эшитдим:

«حُلُوءُ الدُّنْيَا مَرَّةٌ الْآخِرَةِ، وَمَرَّةٌ الدُّنْيَا حُلُوءُ الْآخِرَةِ»

«Бу дунёнинг ҳаловати охиратнинг аччиғидир, дунёнинг аччиғи охиратнинг ҳаловатидир». Ҳоким Мустадракда ривоят қилган.

• Убай ибн Каъб ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейди:

«بَشِّرْ هَذِهِ الْأُمَّةَ بِالسَّيِّئِ وَالرَّفْعَةِ، وَالنَّصْرِ وَالتَّمَكُّينِ فِي الْأَرْضِ، فَمِنْ عَمَلٍ مِنْهُمْ عَمَلٌ الْآخِرَةِ لِلدُّنْيَا لَمْ يَكُنْ لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ نَصِيبٍ»

«Бу Умматга юксаклик олийлик, нусрат ва ерда ғолиблик берилиши тўғрисида хушxabар беринг. Сизлардан кимки охират амалини дунё учун қилса, охиратда насиба бўлмайди». Ҳоким ривояти.

• Саҳл ибн Саъд бундай дейди: Мен Росулulloҳ ﷺни бундай деб айтганини эшитганман:

«وَمَوْضِعٌ سَوِّطٌ أَحَدِكُمْ مِنَ الْجَنَّةِ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا عَلَيْهَا، وَالرُّوحَةُ يَرُوحُهَا الْعَبْدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، أَوِ الْعَدُوَّةُ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا عَلَيْهَا»

«Сизлар учун жаннатда бўлган бир қамчичалик жой дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқдир. Банда Аллоҳ йўлида ўтказадиган пешингача ёки кечгача бўлган вақти дунё ва

унда бўлган нарсадан яхшироқдир». Бухорий ривояти. Муставрид ибн Шаддод ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейди:

«وَاللَّهِ مَا الدُّنْيَا فِي الآخِرَةِ إِلَّا مِثْلُ مَا يَجْعَلُ أَحَدُكُمْ أَصْبَعَهُ فِي الْيَمِّ. فَلْيَنْظُرْ بِمَ يَرْجِعُ»

«Аллоҳга қасамки, дунё охират олдида худди бармоғингизни денгизга бир ботирганингизчалиқдир. Қарасинчи, қанча сув юқти экан». Муслим ривояти.

• Абдуллоҳ ибн Умар رضي الله عنه бундай дейди: Росулulloҳ ﷺ елкамдан ушлаб бундай деди:

«كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ أَوْ عَابِرُ سَبِيلٍ»

«Дунёда гўё ғариб ёки йўловчидек бўл». Бухорий ривояти. Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейди:

«صَلِّحْ أَوَّلَ هَذِهِ الْأُمَّةِ بِالرُّهْدِ وَالْيَقِينِ، وَيَهْلِكْ آخِرُهَا بِالْبُخْلِ وَالْأَمَلِ»

«Ушбу Умнатнинг аввали зоҳидлик ва ишонч билан ислоҳ бўлган. Унинг охирини бахиллик ва орзу ҳалок қилади». Табароний ривояти.

• Абдуллоҳ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ бундай дейди:

«أَيُّكُمْ مَالٌ وَارِثُهُ أَحَبُّ إِلَيْهِ مِنْ مَالِهِ؟ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا مِنْ أَحَدٍ إِلَّا مَالُهُ أَحَبُّ إِلَيْهِ، قَالَ: فَإِنَّ مَالَهُ مَا قَدَّمَ وَمَالٌ وَارِثُهُ مَا آخَرَ»

«Қайси бирингизга мерос кўядиган моли ўзининг молидан яхшироқ? Шунда улар: Эй Аллоҳнинг Росули албатта ўзининг моли яхшироқ дедилар. Росулulloҳ ﷺ айтдики, унинг моли (ўлиמידан) олдин сарфлаган молидир. Қолдирган моли эса меросхўриникидир». Бухорий ривояти.

• Савбондан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейди:

«ثُمَّ لَأَعْلَمَنَّ أَقْوَامًا مِنْ أُمَّتِي يَأْتُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِحَسَنَاتٍ أَمْثَالِ جِبَالِ حِمَاةٍ بَيْضًا، فَيَجْعَلُهَا اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ هَبَاءً مَنْثُورًا»

«Мен Умнатимдан бўлган шундай қавмларни биламанки, улар Тухома тоғичалиқ яхши амаллар билан келишади,

лекин Аллоҳ Азза ва Жалла уларнинг амалларини сочилган тўзон қилиб қўяди». Шунда Савбон Эй Аллоҳнинг Росули уларни бизга сифатлаб беринг, биз уларни билмаймиз деди. Росулulloҳ ﷺ

«أَمَّا إِنَّهُمْ إِخْوَانُكُمْ وَمِنْ جِلْدَتِكُمْ وَيَأْخُذُونَ مِنَ اللَّيْلِ كَمَا تَأْخُذُونَ وَلَكِنَّهُمْ أَقْوَامٌ إِذَا خَلَوْا بِمَحَارِمِ اللَّهِ انْتَهَكُوهَا»

«Улар сизларнинг биродарларингиз ва сизнинг жилдингиздан. Сизлар тундан қиёмул лайл қилиб фойдаланганингиз каби улар ҳам ўшандан фойдаланадилар... Бироқ лекин (одамлардан) холи қолгач, Аллоҳ тақиқлаган амалларни қиладилар». Ибн Можжаривояти.

• Оиша رضي الله عنها бундай дейди: Дўзахни эслаб йиғлаб юборган эдим, Росулulloҳ ﷺ «Нимага йиғлаяпсиз», деди. Мен: Дўзахни эслаб йиғладим, қиёмат куни аҳли оилангизни эслайсизми дедим. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«أَمَّا فِي ثَلَاثَةِ مَوَاطِنَ فَلَا يَذْكُرُ أَحَدٌ أَحَدًا: عِنْدَ الْمِيزَانِ حَتَّى يَعْلَمَ أَيُّكُمْ مِيزَانٌ أَمْ يُنْقَلُ، وَعِنْدَ تَطَائِرِ الصُّحُفِ حَتَّى يَعْلَمَ أَيْنَ يَقَعُ كِتَابُهُ أَيْ يَمِينِهِ أَمْ فِي شِمَالِهِ أَمْ فِي وِرَاءِ ظَهْرِهِ، وَعِنْدَ الصِّرَاطِ إِذَا وَضَعَ بَيْنَ ظَهْرَيْ جَهَنَّمَ حَتَّى يَجُوزَ»

«Учта жойда ҳеч ким ҳеч кимни эсламайди: Тарози олдида, амаллари оғир келадими ёки енгилми, шуни билгунича. Саҳифалар учиб, амал дафтари ўнг томонига тушадими ёки чап томонига ёки орқасига, шуни билгунича. Жаҳаннам устига қўйилган кўприкдан ўтиб кетгунича», деди. Ҳокимнинг ривоятида бундай дейилган:

«وَعِنْدَ الصِّرَاطِ إِذَا وَضَعَ بَيْنَ ظَهْرَيْ جَهَنَّمَ حَافَتَاهُ كَاللَّيْلِ كَثِيرَةٌ وَحَسَكٌ كَثِيرَةٌ يَحْسِبُ اللَّهُ بِهَا مَنْ يَشَاءُ مِنْ خَلْقِهِ حَتَّى يَعْلَمَ أَيُّنَجُو أَمْ لَا»

«Жаҳаннам устига қўйилган, икки тарафида кўп тикан ва илгаклар бўлган ҳамда Аллоҳ Таоло у билан хоҳлаганини ортидан тутиб оладиган кўприк олдида у ердан ўтиб кетадими ёки йўқми шуни билгунича», дейилган. Абу Довуд ривояти.

• Анасдан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейди:

«بِجَاءِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ بِصُحُفٍ مُّحْتَمَةٍ، فَتَنْصَبُ بَيْنَ يَدَيْ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، فَيَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ لِمَلَائِكْتِهِ: أَلْقُوا هَذَا وَاقْبَلُوا هَذَا. فَتَقُولُ الْمَلَائِكَةُ: وَعِزَّتِكَ مَا رَأَيْنَا إِلَّا خَيْرًا، فَيَقُولُ وَهُوَ أَعْلَمُ: إِنَّ هَذَا كَانَ لِعِيرِي، وَلَا أَقْبَلُ الْيَوْمَ مِنَ الْعَمَلِ إِلَّا مَا كَانَ أُبْتَغِي بِهِ وَجْهِي»

«Қиёмат кунида мухрланган саҳифалар келтирилиб, Аллоҳ Азза ва Жалла ҳузурига тикланади. Шунда Аллоҳ Азза ва Жалла фаришталарга қарата, бунисини отиб юборинг ва бунисини олинг дейди. Шунда фаришталар: Сенинг куч қудратингга қасамки, уларда фақат яхшилик бор экан, дейишади. Барча нарсалардан хабардор Аллоҳ эса, булар мендан бошқаси учун қилинган амаллар. Мен бугун фақат менинг розилигим учун қилинган амалларни қабул қиламан, дейди». Дорикутний ривояти.

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейди:

«إِذَا حَرَجَ الرَّجُلُ مِنْ بَابِ بَيْتِهِ أَوْ بَابِ دَارِهِ كَانَ مَعَهُ مَلَكَانِ مُوَكَّلَانِ بِهِ. فَإِذَا قَالَ بِاسْمِ اللَّهِ، قَالَ هُدَيْتَ. وَإِذَا قَالَ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، قَالََا وَقِيَّتَ. وَإِذَا قَالَ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ قَالََا كُفَيْتَ قَالَ فَيَلْقَاهُ قَرِينَاهُ فَيَقُولَانِ مَاذَا تُرِيدَانِ مِنْ رَجُلٍ قَدْ هَدَيْتَ وَكُفَيْتَ»

«Агар киши уйи ёки ҳовлиси эшигидан чиқса, у билан икки фаришта бирга бўлади. Агар у бисмиллаҳ деса, улар тўғри йўл топдинг дейишади. Агар у ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ деса, улар ҳимояландинг дейишади. Агар у Аллоҳга таваккал қилдим деса, улар кифоя қилади дейишади. Шунда унга (жин ва инсонлардан бўлган икки шайтон йўликса) икки фаришта уларга хидоят топган, кифояланган ва ҳимояланган кишидан нимани истайсиз, дейди». Термизий ривояти.

• Имом Муслим қилган ривоятда келишича, Росулulloҳ ﷺ бундай дейди:

«تُعْرَضُ الْفِتْنُ عَلَى الْقُلُوبِ كَالْحَصِيرِ عُودًا عُودًا، فَأَيُّ قَلْبٍ أَشْرَبَهَا نَكِتَ فِيهِ نُكْتَةٌ سَوْدَاءٌ، وَأَيُّ قَلْبٍ أَنْكَرَهَا نَكِتَ فِيهِ نُكْتَةٌ بَيْضَاءٌ، حَتَّى تَصِيرَ عَلَى قَلْبَيْنِ: عَلَى أبيضَ

مِثْلَ الصَّفَا فَلَا تَضُرُّهُ فِتْنَةٌ مَا دَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ، وَالْآخِرُ أَسْوَدُ مُرْبَادًا لَا يَعْرِفُ  
مَعْرُوفًا، وَلَا يُنْكِرُ مُنْكَرًا»

«Фитналар худди ухлаган одамга бўйра ёпишиб изи чиқиб қолганидек, қалбларга ёпишади. Қайси қалб фитналарга учса, фитна унинг қалбида қора доғ бўлиб қолади. Қайсиниси бу фитналарни инкор қилса, унда оқ нуқта пайдо бўлади. Шундай қилиб, қалб иккита қалбга айланади (яъни икки хил қалб бор). Биттаси худди Сафо каби оппоқ қалб бўлиб, еру осмонлар турар экан унга фитналар таъсир қилмайди. Иккинчиси эса маъруфни билмайдиган ва мункардан қайтармайдиган қора кулранг қалбдир».

• Росулulloҳ ﷺ бундай дейди:

«نَصَرَ اللَّهُ امْرَأَةً سَمِعَتْ مِنَّا حَدِيثًا فَبَلَّغَتْهُ غَيْرَهُ، فَرُبَّ حَامِلٍ فَفِيهِ إِلَى مَنْ هُوَ أَفْقَهُ مِنْهُ، وَرُبَّ حَامِلٍ فَفِيهِ لَيْسَ بِفَقِيهِ. ثَلَاثٌ لَا يُعَلُّ عَلَيْهِنَّ قَلْبُ مُسْلِمٍ: إِخْلَاصُ الْعَمَلِ لِلَّهِ، وَمُنَاصَحَةُ وِلَاةِ الْأَمْرِ، وَلِزُومُ الْجَمَاعَةِ، فَإِنَّ دَعْوَتَهُمْ تُحِيطُ مِنْ وَرَائِهِمْ. وَمَنْ كَانَتْ الدُّنْيَا نَيْتَهُ؛ فَفَرَّقَ اللَّهُ عَلَيْهِ أَمْرَهُ وَجَعَلَ فَقْرَهُ بَيْنَ عَيْنَيْهِ وَمَنْ يَأْتِهِ مِنَ الدُّنْيَا إِلَّا مَا كَتَبَ لَهُ. وَمَنْ كَانَتْ الْآخِرَةُ نَيْتَهُ؛ جَمَعَ اللَّهُ أَمْرَهُ وَجَعَلَ غِنَاهُ فِي قَلْبِهِ وَأَتَتْهُ الدُّنْيَا وَهِيَ رَاغِمَةٌ»

«Биздан бир ҳадисни эшитиб, бошқасига етказган кишини Аллоҳ қадрини баланд қилсин. Кўп етказувчилар борки, ўзидан фақиҳроққа етказади. Кўп етказувчилар борки, ўзи фикҳдан хабари йўқ бўлади. Мўминнинг қалби уч нарсага эътиборсизлик қилиши мумкин эмас: Аллоҳга амални холис қилиш, иш эгаларига насихат қилиш ва жамоатни маҳкам тутиш. Уларни мусулмонларнинг дуолари ўраб туради. Кимнинг нияти дунё бўлса, Аллоҳ унинг ишларини ўнгидан келмайдиган ва кўзини оч қилиб қўяди. Дунёдан ҳеч нарса тегмайди, фақатгина Аллоҳ ёзган насибанигина олади. Кимнинг нияти охираат бўлса, Аллоҳ унинг ишларини ўнглаб қўяди, қалбини бойитади ва у хоҳламасада дунё оқиб келаверади». Маваридуззамъон китобидан. □

## АБДУЛЛОҲ ИБН МУБОРАК

– Абдуллоҳ ибн Муборак машҳур мусулмон имомлардандир. Унинг лақаби Абу Абдуррахмон. У 118 ҳижрий санада туғилиб, 181 ҳижрий сана рамазон ойининг охириги ўн кунлигида вафот этган. У Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан қайтаётиб, йўлда вафот этгани учун Фурот дарёси яқинига дафн қилинган. Абдуллоҳ ибн Муборак олтмиш уч йил умр кўрди. Абдулвахҳоб ибн Абдулҳаким бундай деган эди: Абдуллоҳ ибн Муборак вафот этганда амирул мўминин Ҳорунар Рошид «Уламолар саййиди вафот қилди» деганини эшитганман.

Унинг отаси Муборак ибн Возиҳ боғда ишга ёлланган эди. Бир кун боғнинг эгаси келиб, унга: Ширин анор егим келди деган эди, у дарахтлар орасига кириб, унга анор олиб келди. Анорни сўйган эди аччиқ чиқиб қолди. Шунда боғни эгаси ғазабланиб, «ширин анор сўрасам, аччиғини келтирибсан, ширинидан олиб кел», деди. Бориб бошқасини олиб келган эди, у ҳам аччиқ экан. Шунда боғнинг эгаси янада ғазабланди. Учинчи мартасида ҳам аччиқ чиқиб қолди. Шунда боғнинг эгаси «ширин анор қайси, аччиғи қайси эканини билмайсанми?», деди. Муборак эса «Йўқ», деб жавоб берди. Шунда боғнинг эгаси «қандай билмайсан?», деб сўраган эди, у «мен улардан еб кўрмаганман», деди. Боғнинг эгаси, «нима учун емагансан» деган эди, у «чунки сиз ейишга рухсат бермагансиз», деди. Боғнинг эгаси бундан ажабланиб, бу ҳақида сўради ва уни ҳақ деб топди. Натижада унинг назарида Муборак буюк зотга айланди ва қадри юксалди. Боғ эгасининг кўп совчилар келаётган қизи бор эди. У «эй Муборак бу қизимни кимга турмушга берсам экан», деди. Шунда у «жоҳилият аҳли насабга қараб турмуш қуришади, яҳудийлар бойлигига қараб, насронийлар чиройига қараб турмуш қуришади, бу Уммат эса динига қараб турмуш қуради», деди. Бу сўзлар боғ эгасини ҳайрон қолдирди ва бу ҳақида хотинига айтиб берди. Хотинига «қизимни Муборакдан бошқасига бермайман» деди ва Муборакка берди. Ўша қизидан Абдуллоҳ ибн Муборак туғилди. (Ибн Халконнинг Вафийётул аъён китобидан, 3/33). Абдуллоҳ ибн Муборакнинг мавлоси Ҳасан ибн Исо бундай дейди: «Фазл ибн Мусо ва Мухлид ибн Ҳасан каби кишилар дохил бир жамоат йиғилиб, келинлар, Ибн Муборакнинг яхши хислатларини санаб кўрайлик, дейишди. Сўнг айтишдики, унинг хислатлари илм, фикҳ, наҳв, луғат, зуҳд, фасоҳат, шеър, қиёмул лайл, ибодат, ҳаж, ғазот, шижоат, чавандозлик, куч, беҳуда гаплардан узоқ юриш, инсоф, дўстлари билан кўп тортишмасликдир». (Ибн Асокирнинг Дамашқ тарихи

китоби 3/429). Ибн Муборак ривоят эшитган 36 шайхнинг исмини Заҳабий санаб ўтган, жумладан, Абу Ҳанифа, Ибн Уяйна, Лайс ибн Саъд, Хамадон... Сўнг: Булардан ташқари яна кўп кишилар, унинг ҳадиси ҳужжатлигига ижмоъ қилишган ва у муснад ва усул шаклида бўлган, деган.

**Унинг энг машҳур ва мақтовга сазовор хислатларидан бу саҳоват ва кўп ҳаж қилишдир.** Қачон ҳаж вақти келса, унинг марвлик асҳоблари йиғилиб, биз сизга ҳамроҳ бўламиз дейишарди. У эса, ҳаж учун маблағларингизни олиб келинг, дер эди. Маблағларни олиб келишгач, уни олиб, сандиққа солиб, қулфлаб қўяр эди. Уларни ҳурмат қилиб, Бағдодга олиб чиқар ва Росулulloҳнинг Мадиналарига боргунларича уларни мазали таом ва ширинликлар билан сийлар эди. Уларга Бағдодда энг зўр ва чиройли либослар кийдириб, Мадинага олиб борарди ва ҳар биридан: оилангиз Мадинадан нима совға олиб келишингизни сўраган дер эди. Улар фалон, фалон нарса, дейишарди. Сўнг уларни Маккага олиб борар ва Марвга қайтиб келгунларича тўхтамай уларга инфоқ-эхсон қилар эди. Кейин уларнинг деворларини суваб, эшикларини созлаб берарди, уч кундан кейин уларга зиёфат бериб, кийинтирар эди. Улар таомланиб, хурсанд бўлишгач, сандиқни олиб келиб, ҳар бирининг исми ёзилган тугунини берар эди.

Бир марта у Ҳаж қилиш учун йўлга чиқиб, айрим юртлардан ўтди. Шунда бир қуш ўлиб ётган экан, Ибн Муборак уни ахлатга ташлашга буюрди. Асҳоблари олдида, ўзи эса уларнинг ортида кетаётган эди, ахлатхона яқинидаги ҳовлидан бир қиз чиқиб, ҳалиги қушни олди. Шунда Ибн Муборак аҳволини билиш учун бу ҳақда сўради. У қиз эса, мен бир синглим билан яшаймиз, бизни шу кийимдан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ, шундай экан, биз учун ўлимтик ҳалол, деди. Отамизнинг катта бойлиги бор эди, лекин унга зулм қилиб, бойлигини тортиб олишди ва кейин ўзини ўлдиришди, деди. Шунда ибн Муборак юкларни қайтаришга буюриб, ўзининг вакилидан қанча нафақамиз бор, деб сўраган эди, у, минг динор деди. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак «бизга Марвгача етадиган йигирма динорни олгинда, қолганини шу аёлга бер. Бу ушбу йил ҳаж қилишимиздан афзалроқ», деди ва ортга қайтди. (Ибн Касирнинг Бидоятун ваннихоя китоби 9/284).

**Унинг сахийлиги ҳақида:** Ибн Муборак жуда кўп эҳсон қилиши билан машҳур бўлган. Унинг баракотли тижорати бўлиб, ҳар йили фақирларга юз минг дирҳам эҳсон қилар эди. Бир марта бир киши келиб, қарзини тўлашда ёрдам қилишини сўради. Шунда

ибн Муборак унга бир мактуб ёзиб, вакилига олиб боришини айтди. Вакилга мактубни олиб борди. Вакил ундан қарзингни тўлаш учун қанча пул керак, деб сўради. Шунда у етти юз минг дирхам, деди. Вакил мактубни очиб қараса, Ибн Муборак ҳам етти юз минг дирхам беришини ёзибди. Вакил унга қайта мактуб ёзиб, ҳосил тугади, деган эди. Ибн Муборак: Ҳосил тугаган бўлса, умр ҳам тугади, мактубимда ёзганимдек унга эҳтиёжини беринг, деди.

**Илм излаб, юрт кезиши.** Ибн Муборак йигирма ёшида илм излаб, икки Ҳарамга, Шомга, Мисрга, Ироққа, Жазоирга ва Хуросонга борди. (Заҳабийнинг Сайру Аълумун нубало китоби 8/381).

Абдуллох ибн Муборак: илмни тўрт минг шайхдан олдим ва мингта шайхдан ривоят қилдим. (Сайру аълумуннубало китоби 8/397).

**Унинг ибодати ҳақида:** Нуайм ибн Ҳаммоод бундай дейди: Ибн Муборакдан кўра ақллироқ ва ибодатга чакқонроқ бирортасини кўрмадим. (Сайру аълумуннубало китоби, 8/405). Нуайм ибн Ҳаммоод яна бундай дейди: Ибн Муборак уйда кўп ўтирар эди. Шунда ундан: Ёлғизликдан зерикмайсизми деб сўрашди. У эса, нима учун зерикай, ахир Росулulloх ﷺ ва унинг саҳобалари билан биргаманку, деб жавоб қилди. Хатиб Бағдодийнинг Бағдод тарихи китоби, 11/388).

**Жиход майдонларида:** Абда ибн Сулаймон Марузий бундай дейди: Рум юртида жиходда Ибн Муборак билан бирга эдик. Шунда тўсатдан душман бостириб келди. Икки томон тўқнашгач, душман томондан бир киши чиқиб, яккама якка курашга чорлади. Шунда унга қарши бир киши чиқиб, уни ўлдирди. Кейин бошқаси чиққан эди, уни ҳам ўлдирди. Сўнгра яна бири чиққан эди, уни ҳам ўлдирди. Сўнгра ушбу мард йигит душманларни яккама якка курашга чорлади, улардан бири чиққан эди уни бир соат қувлаб, сўнг пичоклаб ўлдирди. Шунда одамлар унинг атрофига тўпланишди, қарасам у Абдуллох ибн Муборак экан. (Хатиб Бағдодийнинг Бағдод тарихи китоби, 11/400).

**Унинг одоби ва илмдаги тавозелиги:** Аҳмад ибн Синон Қитоний бундай дейди: Менга етиб келишича, Ибн Муборак Ҳаммоод ибн Зайднинг олдида борибди. Ҳаммоод ундан эшитганларидан ажабланиб, қаердансан деб сўрабди. У эса Хуросон юрти Марвданман дебди. Шунда Ҳаммоод унга Абдуллох ибн Муборак номли кишини танийсанми дебди. Ибн Муборак ҳа деб жавоб берган экан. У, ибн Муборакка нима бўлди деб сўрабди. Шунда ибн Муборак, сиз билан суҳбатлашаётган киши ўша

бўлади, дебди. Ҳаммод эса, ўрнидан туриб, унга салом берди ва хуш келдингиз деб, уни ўтказди. Исмоил Хутбий бундай дейди: Менга ибн Муборакнинг айтишича, у Ҳаммод ҳузурига борганда ҳадис асҳоблари Ҳаммодга: Абу Абдурахмондан ҳадис айтиб беришини сўранг дейишибди. Шунда Ҳаммод: Эй Абу Абдурахмон: Ҳадис айтиб берасизми, улар сўрашмоқда дебди. Ибн Муборак эса: Субҳаналлоҳ! Эй Абу Исмоил, Сиз турганда биз ҳадис айтаемизми, дебди. Шунда у: Аллоҳга қасамки айтасиз деган экан, Ибн Муборак: Абу Исмоил Ҳаммод ибн Зайд ривоят қилди деб бошлаб, ундан бошқасидан ривоят қилмабди. (Хатиб Бағдодийнинг Бағдод тарихи китоби, 11/388). Ибн Муборакдан Суфён ибн Уяйна ҳузурда бир масала ҳақида сўраганида: Биз катталаримиз ҳузурда гапиришдан қайтарилганмиз деб жавоб берган эди. (Ибн Асокирнинг Дамашқ тарихи китоби, 27/64).

**Унинг мартабасини кўтарган илми:** Ашъас ибн Шўъба Масисий бундай дейди: Халифа Ҳорунар Рошид Раққага келган пайт эди. Ўшанда, ҳамма одамлар Ибн Муборакка ёпирилиб, чопишаётган, ҳатто оёқ кийимлар йиртилиб, чанг тўзон кўтарилаётган эди... Шунда амирул мўминин ўғилларидан бирининг онаси ёғоч қасрдаги минорадан қараб, бу нимаси? – деб сўради. Хуросон аҳлидан бир олим, деб жавоб беришди. Шунда аёл Аллоҳга қасамки, бу подшоҳдир, одамларни фақат миршаб ва аъёнлари орқали тўплайдиган Ҳорун подшоҳ эмас, деди. (Хатиб Бағдодийнинг Бағдод тарихи китоби, 11/388).

**Илм излашга бўлган эътибори:** Ҳиббон ибн Мусо бундай дейди: Ибн Муборак ўз юртидан бошқа юртларга пул тарқатгани учун айбланди. Буни у қуйидагича изоҳлади: Мен яхши ва инсофли қавмнинг жойини биламан. Улар ҳадис илмини излаб, уни яхши ўрганишган. Чунки одамлар шунга муҳтож эдилар, агар уларни ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, илмлари йўқолади. Агар ёрдам берсак, Муҳаммад ﷺ Умматига илм ёядилар. Мен Пайғамбарликдан кейин илм тарқатишдан кўра яхшироқ нарсани билмайман. (Заҳабийнинг Сияру аълумуннубало китоби, 8/387).

**Тижорат билан шуғулланиши:** Фузайл ибн Иёз Ибн Муборакка: Сиз бизни зоҳидлик, камчиқимлик ва кифояланишга буюрасизу, ўзингиз Хуросондан мато олиб келиб, ҳарам шаҳрида сотасиз, буни қандай тушуниш мумкин, деди. Шунда у деди: Эй Абу Али мен ушбу тижоратни фақат юзимни химоя қилиш, номусимни ҳурматлаш ва унинг ёрдамида Аллоҳга тоат-ибодат қилишда фойдаланаман. Аллоҳ учун бирор ҳақ борлигини кўрдим дегунча унга шошаман, адо этмагунча қўймайман. Шунда Фузайл

эй Ибн Муборак, бу агар адо этилса нақадар яхши тижоратдир, деди. (Хатиб Бағдодийнинг Бағдод тарихи китоби, 11/388).

**Салаф уламоларининг Абдуллох ибн Муборак ҳақида айтганлари:**

Абдуллох ибн Язид ибн Усмон Ҳамсий бундай дейди: Авзойи менга Абдуллох ибн Муборакни кўрганмисиз деган эди, мен йўқ деб жавоб қилдим. Шунда у, агар уни кўрсангиз, кўзларингиз қувонади, деди. (Абу Наимнинг Ҳилятул авлиё китоби, 8/162). Убайд ибн Жанод бундай дейди: Ато ибн Муслим менга Абдуллох ибн Муборакни кўрганмисиз деган эди, мен ҳа десам, у, унга ўхшаганини кўрмагансиз ва кўрмайсиз ҳам, деди. (Абу Наимнинг Ҳилятул Авлиё китоби, 8/162). Абдурахмон ибн Маҳдий бундай дейди: Тўрт кишидек бирортасини кўрмадим: Ҳадис борасида Саврийдан ҳофизроғини; Шўъбадан кўра зоҳидроғини; Моликдан кўра ақлироғини; Ибн Муборакдан кўра Умматга кўпроқ насиҳат қиладиганини. (Хатиб Бағдодийнинг Бағдод тарихи китоби, 11/388). Исмоил ибн Иёш бундай дейди: Ер юзида Ибн Муборакка ўхшаши йўқ. Аллох Таоло қандай яхши хислатни яратган бўлса, ҳаммасидан Абдуллох ибн Муборакка берган. (Заҳабийнинг Сияру аълумуннубало китоби, 8/384). Яҳё ибн Муин бундай дейди: Абдуллох ибн Муборак роҳимахуллох доно, эҳтиёткор ва ишончли бўлиб, саҳиҳ ҳадисларни яхши билар эди. Унинг ёзган китобларида йигирма ёки йигирма бир минг ҳадис бор эди. (Ибн Асокирнинг Дамашқ тарихи китоби, 32/431). Яҳё ибн Яҳё Лайсий бундай дейди: Имом Молик ҳузурида эдик, Абдуллох ибн Муборакнинг киришига рухсат сўралди ва у кирди. Шунда Молик ўз ўрнидан сурилиб, Ибн Муборакни ёнига ўтказди. Биз Моликнинг ҳеч кимни сурилиб ёнига ўтказганини кўрмаган эдик. Сўнг қори Моликка китобдан ўқир, ва бир нарсага дуч келса, Ибн Муборакдан бу ҳақда мазҳабингиз нима, деб сўрар ва Ибн Муборак жавоб берар эди. Сўнгра Ибн Муборак туриб чиқиб кетди, шунда Молик унинг одобидан ажабланиб, бизга, бу Ибн Муборак, Хуросон фақиҳи деди. (Заҳабийнинг Сияру аълумуннубало китоби, 8/421). Аҳмад ибн Ҳанбал бундай дейди: Ибн Муборак даврида ундан кўра илмга чанқоқроқ киши бўлмаган эди. (Ибн Асокирнинг Дамашқ тарихи китоби, 32/407). Али ибн Мадий (Бухорийнинг устози) бундай дейди: Илм икки киши билан тугайди; Абдуллох ибн Муборак ва ундан кейин, Яҳё ибн Муин. (Хатиб Бағдодийнинг Бағдод тарихи китоби, 11/400). Муҳаммад ибн Саъд бундай дейди: Абдуллох ибн Муборак кўп илм эшитган бўлиб, ишончли, омонатгўй, имом, ҳужжат ва кўп

ҳадис биладиган киши эди. (Ибн Саиднинг Табақотул кубро китоби, 7/342).

**Унинг ҳикматли сўзларидан:**

– Абдуллоҳ ибн Муборакдан уламо нимадан узоқ бўлиши лозим деб сўрашганда, у бундай жавоб берган: Уламо Аллоҳ ҳаром қилган нарсадан узоқ бўлиши, дунёдан нафсини тийиши ва уни ўз хаёлидан узоқ тутиши керак.

– Ҳабиб Жаллоб бундай дейди: Ибн Муборакдан инсонга берилган энг яхши неъмат нима деб сўраган эдим, у, ақл юритиши, деб жавоб берди. Мен, агар бўлмасачи, деб сўрадим. У, чиройли одоб, деди. Мен, агар у ҳам бўлмасачи, дедим. У, унга маслаҳат берадиган меҳрибон ака-укасининг бўлиши, деди. Мен, агар у ҳам бўлмасачи, деб сўрадим. У, узоқ сукунат, деб жавоб қилди. Мен, агар у ҳам бўлмасачи, дедим. Шунда у, эрта ўлим, деб жавоб берди.

– Абдуллоҳ ибн Муборак: Кимки илмга бахиллик қилса, унга уч нарса етади: ё ўлиб, илми йўқолади; ёки илмини унутади; ёки ҳокимга боғланиб, илми зое кетади.

– Абдуллоҳ ибн Муборак: Гоҳида кичик амални ният билан катта қилинади, гоҳида катта амални ният билан кичик қилинади.

– Абдуллоҳ ибн Муборак Аллоҳ Таолонинг:

﴿لِيَبْلُوكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا﴾

**«Сизларнинг қайсиларингиз яхшироқ иш-амал қилиб яшашингизни синаш учун»** [Ҳуд 7]

каломи ҳақида «холисроқ ва тўғрироқ амал» деди. Шунда, холисроғи қайси-ю, тўғрироғи қайси, деб сўрашди. Шунда у, амал холис бўлиб тўғри бўлмаса қабул бўлмаганидек, тўғри бўлиб, холис бўлмаса ҳам қабул бўлмайди. Амал холис ва тўғри бўлиши учун у Аллоҳга холис ва суннатга тўғри бўлиши керак.

– Агар ғийбат тарқалса, Аллоҳ йўлидаги биродарлик кўтарилади.

– Мен сенга дунё ва унда бўлган нарсадан кўра сен учун яхшироқ бўлган сўзни ўргатаман: Аллоҳга қасамки, Аллоҳ Таоло сени ўз қалбингдан бошқасига жой қолдирмайдиган даражада бирорта одамни чиқариб юбора олмаслигингни билади. Агар шундай бўлмаганида нимани сўрасанг берар эди.

– Банда раҳбарликни яхши кўришига сабаб, у одамларни нуқсон ва айблар билан эслашни ва ўзини ажралиб туришини хоҳлайди. Шунингдек, у унинг ҳузурида бирортаси яхшилик билан эсланишини ёмон кўради.

– Ким раҳбарликни яхши кўрса, салоҳиятини йўқотади.  
– Фазилатли кишилар ўз фазилатини кўрмайдиганлардир.  
– Бизнинг фикримизча, муваффақиятга намоз ва рўза билан эришилмайди, балки саховатли кўнгул, соғ қалб ва Умматга насиҳат қилиш билан эришилади.

– Кўпинча кулувчи киши кафан кийиш куни яқин қолганини билмай қолади.

– Ким Аллоҳдан кўркса, унга ҳеч ким зарар етказа олмайди. Ким Аллоҳдан бошқасидан кўркса, унга ҳеч ким фойда бермайди.

– Ибн Муборакдан сўрашди: инсонлар ким? Уламолар, деб жавоб берди. Подшоҳлар ким? Зоҳидлар, деб жавоб берди. Пасткашлар ким? Дунёни дин билан еганлар, дея жавоб берди.

– Абдуллоҳ ибн Муборакни бундай байти бор:

Гуноҳга минмоқ қалбларни ўлдириб, гуноҳкорни расво қилур

Гуноҳни тарк этмоқ қалбларни тирилтириб, нафсингизга хайр келтирур.

– Абдуллоҳ ибн Муборак бундай дер эди: Гуноҳларни тарк қилиш қалбга ҳаёт бағишлайди, гуноҳга итоатсизлик қилиш ўзинг учун яхшироқдир.

– Абдуллоҳ ибн Муборак роҳимаҳуллоҳ бундай дейди: Аллоҳ йўлида биродар топа олмаганим мени қийнаганидек бошқа ҳеч бир нарса қийнамади.

– Абдуллоҳ ибн Муборак (роҳимаҳуллоҳ)дан ривоят қилинади: ҳаромдан келадиган бир тийинни тарк этиш мен садақа қиладиган юз минг тийиндан афзалдир.

– Ибн Муборак раҳимаҳуллоҳга биз учун энг чиройли хулқни бир сўз билан айтиб беринг, дейишди. Ибн Муборак, Ғазабни тарк айлаш, дея жавоб берди.

– Ибн Муборак бундай дейди: Икки ракат намозни ғанимат билинг, ўзингизни қулай ҳис қилсангиз Аллоҳга яқинлашинг. Агар ботилни гапирмоқчи бўлсангиз, уни тасбеҳга алмаштиринг.

– Киши илм излар экан, олим бўлади, агар у билдим деса жоҳил бўлади.

– Одоб диннинг учдан бирига яқиндир.

– Сўзларнинг ортиқчасини тарк айланг, ҳикматга эришасиз.

– Назарнинг ортиқчасини тарк айланг, хушуга етасиз. □

## МОДИ ҲИНДИСТОН НОМИНИ БҲАРАТ ДЕБ НОМЛАШГА ВА 1947 ЙИЛГИ ЧЕГАРАЛАРДАН ОЗОД БЎЛИШГА УРИНМОҚДА

Британиянинг «Middle East Eye» веб-сайтида Имрон Мулло билан Питер Оборн исмли икки журналистнинг мақоласи нашр қилинди. Уларга кўра, Ҳиндистондаги ҳукмрон Бхаратия Жаната партияси билан бош вазир Нарендра Моди мамлакатнинг Ҳиндистон номини Бхарат деб ўзгартириш бўйича жиддий кадамлар ташлаган. Ушбу ном ўзгартириш Британия нуфузини ва исломий ҳокимиятни бутунлай ўчиришни аниқлади. Чунки у ердаги ҳокимиятни эгаллаб турган хинду миллатчилари Британия нуфузи билан исломий ҳокимиятни золимлар замони, деб билишади. Бу, шунингдек, Ҳиндистонга асос солган ва 2014 йилгача Миллий Конгресс партияси орқали деярли узлуксиз ҳукмронлик қилган эски илмоний миллий элитага қарши кураш ҳамдир. Бу элита Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Жавахарлал Неруни ўзига намуна қилиб олган. Хинду миллатчилари эса, Неруга ўзи бошқарган халқига бегона кимса деб билишади. Шу нуқтаи назардан, G20 саммитига мезбонлик қилаётган Ҳиндистон ҳукумати саммитни қондаси бўйича аъзо давлатларни кечки овқат маросимига таклиф юборди... Аммо таклифномада «Ҳиндистонга» деган сўз йўқ эди, унинг ўрнига Бхарат дейилганди. Бхарат санскрит сўз бўлиб, қадимий хинд ёзувларига бориб тақалади. Кўпчиликнинг фикрича, сентябр ойи охирида парламентнинг навбатдан ташқари сессиясида ҳукмрон партия сиёсатчилари – бу партиянинг Бхарата Жаната деб номланиши ҳам бежиз эмас – мамлакатни расман Бхарат деб номлаш таклифини киритишади. Моди раҳбарлигидаги Бхарата Жаната партиясидан парламент аъзоси Харнат Сингх Ядав «Ҳиндистон номи ўрнига Бхарат деб номлаш кераклигини бутун мамлакат талаб қилмоқда. Чунки Ҳиндистон сўзини бизга британияликлар тиқиштиришган, Бхарат эса бизнинг маданиятимиз рамзидир», дея баёнот берди. Ҳозирда Ҳиндистон умумий сайловларга тайёргарлик кўраётган экан, баъзилар буни мамлакат тарихидаги энг муҳим сайловлар дея баҳоламоқда. Яъни мамлакат яқин ўтмишда мустақамланган плюралистик аъёналарни сақлаб қоладими ёки «хиндутва» деб номланган этник миллатчилик оқими бўйича Моди режалаштирган ёндашувга амал қиладими, буни сайлов овозлари кўрсатади. Модининг ёндашуви бўлажак умумий сайловларда иштирок этишга тайёргарлик кўраётган 28та муҳолафат партиядан «Ҳиндистон» номи остида коалиция тузилишига олиб келди. Бхарат қадимги императорнинг номи. Унинг империяси «Денгизгача бўлган бутун қитъани қамраб олган эди. У халқни ўз-ўзига ҳукмрон миллатга айлантиришга ҳаракат қилган». Энди мана шу империя Моди раҳбарлигидаги Бхарата Жаната партиясининг ҳисоблаши бўйича Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Непал ва Мьянмани ўз ичига олган, барчасининг ишларини Деҳлидан бошқариладиган ва бўлинмайдиган сиёсий вужудни ўзида акс эттиради. Ҳатто айни дамда хинду миллатчилари 1947 йил чизилган Ҳиндистон чегаралари доирасида хинду миллати «хинду рашта»га асос солишга ҳаракат қилишяпти. Бу мафкура Ҳиндистон ичкарасида яшаётган озчиликка таҳдид солади, аммо қўшни давлатларга айни босқичда таҳдид туғдираётгани йўқ.

**Ал-Ваъй:** Ҳиндистондаги ҳукмрон партиянинг хинду миллатчилигини кўзгатиши мамлакатда ички ва ташқи можароларга эшик очмоқда. Бу бутун минтақани жаҳаннам оловига тортаётган тажовузкор экспансионистик менталитет мафкурасидир. Бундан душманона миллатчилик руҳи ортида яҳудийлар турганлиги ҳамда буни минтақадаги мусулмонларга қарши йўналтиришяётганлиги қутилмаган ҳол эмас. Бунга далил Моди билан «Исроил» ўртасидаги мустақам алоқалар бўлиб, Исломга душманлик улар ўртасидаги умумий хусусият ҳисобланади. □

## ХИТОЙ «БИР БУТУН ХАЛҚ» СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРА ОЛАДИМИ?!

Файнэншл Таймс газетасида чоп этилган мақолада Пекиннинг «бир бутун халқ» стратегиясини рўёбга чиқара олишига шубҳа билан қаралади. Бу стратегия йиллар аввал Хитой раҳбари томонидан бошланган бўлиб, Ғарб ишлаб чиққан технологиядан воз кечишга тайёргарлик ҳисобланади. Мақола муаллифи Йу Чининг таъкидлашича, Пекин ўзи билан Вашингтон ўртасидаги технологик кураш оқибатида нималар келиб чиқиши мумкинлигидан доим хушёр турган. Буни «яқинда бир қатор мамлакатларда Хитой технологик компанияларидан бир нечтасига АҚШ инвестицияси киритилишини чеклаш тўғрисида Оқ уй томонидан чиқарилган қарор» ҳам тасдиқлаб турибди. Ёзувчининг фикрича, Хитой Американинг бу қарори чиқишдан олдин бунга тайёргарлик кўрган ва ўшанда Хитой президенти Си Цзиньпин «бир бутун халқ» стратегиясига чақира бошлаган. Бу Хитойнинг технология учун зарур компонентларни импорт қилишга таянмайдиган, аксинча, ўзига ўзи таянишга қаратилган стратегия бўлиб, Хитой технология сектори зарар кўриши мумкин бўлган «бўғилиш нукталари»ни бартараф этиш учун айни соҳага ажратилган молиявий ресурсларни икки баравар оширишни талаб қилади. Бу маҳаллий истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва технологик инновациялар жараёнига етакчилик қилиш учун тажрибаларни қайта жонлантириш орқали амалга оширилади. Мақола муаллифи Йу Чи «Хитойнинг муҳим илмий ютуқларга эришиш қобилияти кўп жиҳатдан тадқиқотчиларнинг танқидий ва ижодий фикрлаш учун етарли жой мавжудлигига боғлиқ бўлганини исботлади», деди. У, шунингдек, Ғарб технологияларидан воз кечиш бўйича, «бир бутун халқ» стратегияси мақсадларига эришиш йўлида Пекин томонидан қадамлар ташланганини, бунинг учун ҳукмрон Коммунистик партияси сиёсий бюроси кўп сонли иктисодчи экспертларни бир қатор олимларга алмаштирганини эслатиб ўтди. Хитой ўзининг улкан илмий дастурини амалга ошириш учун йирик ресурсларни сарф этди. Ҳукумат ихтирочилар ва инноваторларни иш билан таъминловчи компаниялар ва муассасаларни маблағ билан таъминлашга ваъда берди. Бундан ташқари, илмий тадқиқотларни қайта мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилди. Ўз навбатида, бу нарса Қўшма Штатларнинг АҚШда таҳсил олаётган хитойлик талабалар ва академик тадқиқотчиларга нисбатан шубҳаларини орттирди. Мақола муаллифининг фикрича, Хитойнинг Фан ва технология соҳасида ўзини-ўзи таъминлаши учун танқидий фикрлашга кўпроқ жой ажратиши ва сиёсий аралашувни камайтириши талаб қилинади. Муаллиф «Ҳозирги вақтда Хитой учун етишмаётган нарса инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда ёш тадқиқотчи авлодга ҳамма нарсада чекловлар киритавермасдан уларнинг саволлар ташлашига имкон беришдир», дея қўшимча қилди. У, шунингдек, Хитойда сўнгги даврда илмий истеъодларнинг давлат лавозимларига кўтариш ёки ҳукмрон партияга жалб қилиш тенденцияси кенг тарқалаётганидан огоҳлантириб, сиёсий муассасаларнинг энг яхши ва заковатли илмий кадрларни ўзига тортиши тадқиқот марказлари ва университетлар манфаатига зид эканини таъкидлади.

**Ал-Ваъй:** Қўшма Штатлар ва Хитой ўртасида халқаро позициядаги рақобат кизгин давом этмоқда... Хитой Америка олдида турган энг катта муаммога айланди. Шунинг учун АҚШ Хитойни ўзининг халқаро диққат-эътиборининг биринчи поғонасига қўйиб, Унинг АҚШ билан рақобатлаша оладиган даражага етишига йўл қўймасликка ҳаракат қияпти. Хитой эса, дунёнинг биринчи давлатига айланишга жиддий ҳаракат қилмоқда ва бу йўлда Американинг тўсиқларини энгизиб ўтиш қийин экани, аммо бир кун албатта фурсатдан фойдаланиб қолиши ҳақида ўйламоқда. □